

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 9(06) (М.Қошғарий)**

ЗИНАТУЛЛАЕВ ЗИЁДИЛЛА ИЗЗАТИЛЛА ЎҒЛИ

**МАҲМУД ҚОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК”
АСАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX-XXI АСР БОШЛАРИ)**

**5А 120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари
(мамлакатлар бўйича) ихтисослиги бўйича**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: тарих фанлари
номзоди, доц. З. А. Саидбобоев**

Тошкент-2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. МАҲМУД ҚОШҒАРИЙНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ ВА “ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК” АСАРИ, УНИНГ МАНБАЛАРИ.....	8
1. Маҳмуд Қошғарий ва унинг илмий фаолияти.....	8
2. “Девону луғотит турк”нинг яратилиши ва манбалари.....	19
I боб бўйича хулоса.....	29
II БОБ. “ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК” АСАРИНИНГ АСОСИЙ НАШРЛАРИ ВА ТАРЖИМАЛАРИ	31
1. “Девону луғотит турк” нинг нашрлари хусусида.....	31
2. Асарнинг таржималари.....	41
II боб бўйича хулоса	53
III БОБ. “ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК” АСАРИ ҲАҚИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР.....	54
1. XX асрнинг биринчи ярмида қилинган тадқиқотлар.....	54
2. XX асрнинг иккинчи ярмидаги тадқиқотлар.....	64
3. “Девону луғотит турк”нинг Ўзбекистонда ўрганилиши.....	76
III боб бўйича хулоса.....	86
ХУЛОСА.....	88
ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	91
ИЛОВА	

КИРИШ

Мавзунинг далзарблиги. Дунё тарихидаги биринчи туркий тиллар луғати бўлмиш “Девону луғотит турк” китоби муаллифи Махмуд Қошғарий бўлиб, у ўз асарида юксак маҳорат билан тўплашда эришган сўз бойлигининг том маънодаги олтин зарраларини – туркий мақол ва шеърларни ҳам келтириб ўтган. Қошғарий туркий халқларнинг тили маданияти, этнографияси ва фольклорининг биринчи тадқиқотчиси ҳисобланади¹.

Бугунги кунда миллий кадриятларнинг туб моҳияти, уларнинг маънавий илдизларини англаш учун ёзма меросни изчил ўрганиш зарурияти жамиятимиздаги долзарб масалалардан биридир. Аجدодларимиз тафаккури маҳсули бўлмиш ушбу ёзма ёдгорликлар улкан маънавий бойлик сифатида ҳам кадрлидир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: “Қўлёзма фондларида сақланаётган бетакрор илмий мерос тўлиқ ўрганилмаган, уларни ҳар томонлама ўрганиш, ҳозирги ва келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг муҳим ҳамда долзарб вазифамиз бўлмоғи керак”, – деб таъкидлаган эди².

ЮНЕСКО томонидан 2008 йилнинг Махмуд Қошғарий йили деб эълон қилиниши муносабати билан дунёнинг кўплаб мамлакатларида олимнинг илмий фаолияти ва ижодий меросини ўрганиш бўйича бир қанча халқаро илмий, илмий-амалий анжуманлар, тадбирлар ўтказилди. Ушбу тадбирлар доирасида Махмуд Қошғарий ҳаёти ва фаолияти, унинг “Девону луғотит турк” асари юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари, бу борадаги қилиниши лозим бўлган илмий ишлар бўйича маърузалар тингланди³.

Мустақиллик шароитида жамиятдаги янги ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида, эркин демократик тафаккурга эга бўлган ва мустаҳкам миллий

¹ Каримов И.А. Ўрта асрлар шарқ алломаларининг тарихий меъроси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти / Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро илмий амалий конференция. Халқ сўзи, 16 май 2014 йил.

² Каримов И.А. Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди // Танланган асарлар. 15 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 88.

³ Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va "Devonu lug'otit turk" bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – Т.: Akademyashr, 2011. – Б. 35.

ғоя руҳи билан бирлашган жамият аъзоларини тарбиялаш вазифаларини бажаришда тарих фанининг ўрни жиддий равишда ортмоқда.

Зеро, узоқ мозийдан бошлаб мутафаккир олимлар томонидан яратилган ва бизгача етиб келган ёзма манбалар ҳозирги тадқиқотлар учун муҳим илмий аҳамиятга эга.

XI асрда Марказий Осиёда илм-фаннинг кўплаб соҳалари кенг ривожлангани барчага маълум. Ушбу даврлардаги илмий юксалишнинг асос ва манбалари ҳамда уларнинг ижтимоий шароитлари ҳозирга қадар етарли даражада илмий тадқиқ қилинмаган. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ўрта асрларда яратилган ана шундай асарлардан биридир.

Асар тадқиқи Маҳмуд Қошғарийнинг илмий-маънавий меросини тўлароқ ўрганиш XI асрда Марказий Осиё маърифий ҳаёти ҳақида фикр юритиш имконини беради.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. XI асрда ёзилган “Девону луғотит турк” асари 1914 йил Туркияда топилгач, мазкур манба кўплаб маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар эътиборини тортиб келмоқда.

Совет даврида “Девону луғотит турк”нинг илмий қиммати ҳақида машҳур олимлар А. Фитрат, Жузе П.К., В.И. Беляев, И.Ю. Крачковский, В.В. Бартольд, С.П. Толстов, Н.К. Дмитриев, Н.А. Баскаков, С.М. Малов, А.Н. Кононов, И.В. Стеблева, А.М. Щербак, Ҳ. Ҳасанов, С. Муталлибов, Н.М. Маллаевлар¹ алоҳида тўхталиб, асарга юксак баҳо берганлар.

¹ Фитрат А. Энг эски турк адабиёти намуналари, – Самарканд, 1927; Жузе П.К. Диван лугат ат-турк “Известия Восточного факультета Азербайджанского Государственного университета им. В.И. Ленина” Т. I. – Баку, 1926. – С. 75-94. Т. II. – Баку, 1928. – С. 27-58; Беляев В.И. Диван лугат ат-турк. Матералы по истории туркмен и Туркменистана. Т. I. – М.-Л., 1939 – С. 32; Крачковский И.Ю. Очерки по истории русской арабистики. Избранные сочинения. Т. V. – М.-Л., 1958. – С. 169; Бартольд В.В. История турецко-монгольских народов // Сочинения. Т.V. – М.: Наука, 1968; Толстов С.П. Города гузов // Советская этнография, 1947. № 3; Дмитриев Н.К. грамматика башкирского языка. – М.-Л.: Издательство АН СССР, 1948; Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1969; Малов С.М. Памятники древнетюркской письменности. – М.-Л., 1951; Кононов А.Н. История изучения тюркских языков в России: дооктябрьский период. – Л.: Наука, 1982; Стеблева И.В. Поэзия тюрков VI – VIII веков. – М.: Наука, 1965; Развития тюркских форм в XI веке. – М., 1971; Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Издательство АН СССР, 1962; Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л.: Наука, 1970; Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т., 1981; Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. 1-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С. – Т., 1960; Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976.

Мустақиллик йилларида мазкур асар юзасидан А. Алиев, Қ. Содиков, Б. Валихўжаев, У. Жўрақулов, М. Хайруллаев, М. Жўраев, Қ. Каримов, Н. Раҳмонов, Турон Усмон, У. Турсунов, Б. Ўринбоев, Ғ. Абдурахмонов, Ғ. Бобоёров, Ж. Худойбердиев¹ ва бошқа олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Хорижлик олимлардан К. Брокельманн, Бамбачи Алессіо, Деврюкс Роберт, Бесим Аталай, А.М. Ауэзова, Таалайбек Токоев, Кубатбек Коштоқоб² ва бошқалар ўз изланишларида “Девон” ҳақида қимматли маълумотлар келтириб ўтишган.

Маҳмуд Қошғарий “Девону луғотит турк” асарида қабила ва уруғлар жойлашган ҳудудларнинг географияси, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳақида маълумот бериб, ҳудуднинг харитасини тузиб чиққан. Бу харита маълумотларининг аниқлигини ҳозирги замон олимлари К. Миллер, В.И. Беляев, И.Н. Умняков, Ҳ. Ҳасанов, С. Аббосов, А. Абдулқосимов, Қ. Содиков, З.А. Саидбобоевлар³ ўз тадқиқотларида кўрсатиб ўтишган.

¹Алиев А., Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т., 1994; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Т., 1993; Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати // Филология фанлари номзоди диссертацияси автореферати. – Т., 1998; Хайруллаев М. Маҳмуд Қошғарий // Маънавият юлдузлари. – Т.: Халқ мероси, 2001. – Б. 124-129; Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Т.: Фан, 2009; Каримов Қ. Қадимги туркий тил луғати (X – XII асрлар). – Т.: Мумтоз сўз, 2009; Раҳмонов Н., Содиков Қ. Ўзбек тили тарихи. – Т., 2009; Турон Усмон. Туркий халқлар мафкураси. – Т., 1995; Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т., 1995; Абдурахмонов Ғ. “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиш тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2009. № 6. – Б. 49-51; Gaybullah Babayar. Biruni ve Kaşgarlı Mahmud'un Bazı Orta Asya Yer Adlarını Türklerle İlişkilendirmesi Üzerine. // Mahmud al-Kaşgari'nin 1000 Doğum Yıldönümü Dolayısıyla Uluslar arası *Divanu Luğati't-Turk* Sempozyumu Ayırbaşım. Istanbul 2008. – s. 313-321; Худойбердиев Ж. Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ва унинг “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши. – Т., 2010.

² Brokelmann Carl. Geschichte der Arabische Literatur. Erster Supplementband. – Leiden, 1936; Bombaci Alessio. Histoire de la Literature Turque. – Paris, 1968; Devreux Robert. Mahmud al-Kashgari and his Divan. MW, LII, 1962; Atalay B. Divanü Luğati-t-Turk tipkibasımı. – Ankara, 1941; Маҳмуд ал-Қашғари. Диван лугат ат-Турк. Казахстанские востоковедные исследования. Перевод, предисловие и комментарии З. –А. М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – 1288 с; Токоев Т., Коштоқоб К. Диван лугат ат-Турк. Т. II. – Бишкек: Avrasyapress Basmasi, 2012. – с. 592.

³Miller Konrad-Haensler Heinrich. Weltkarte von al-Kaschghari // Seria Mappae A. Vol.5. 1931; Беляев В.И. “Девону луғотит турк”, Материалы... Т. I. – М.-Л., 1939; Умняков И.Н. Самая старая турецкая карта мира (XI в.) // Труды Самаркандского государственного педагогического института имени А.М. Горького. Вып. I. – Самарканд, 1940. – С. 103-132; Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий. – Т., 1963; Аббосов С. Маҳмуд Қошғарийнинг географик мероси / Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тугган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Самарканд, 2002. – Б. 102-103; Абдулқосимов А. Маҳмуд Қошғарийнинг картографик мероси / Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тугган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Самарканд, 2002. – Б. 92-93; Содиков Қ. Маҳмуд Қошғарий харитаси ҳақида // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. – Т., 2005 – Б. 1-14;

Тадқиқот объекти. XI аср шарқ мутафаккирлари илмий меъроси; тадқиқот предмети - Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари.

Магистрлик ишининг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотда асар яратилган давр, унинг тарих илми тарихидаги ўрни хусусида ёзиш режалаштирилган.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарини тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш орқали унинг XI асрда илм-фан ривожига ҳамда муаллифнинг Марказий Осиё маънавий-илмий ҳаётида тутган ўрнини ҳар томонлама таҳлил қилишдан иборат.

Ўрганилаётган мавзуда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгиланди:

- Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини тадқиқ қилиш;
- “Девону луғотит турк”нинг яратилиши ва манбаларини ўрганиш;
- асарнинг асосий нашрлари ва таржималари ҳақида маълумот бериш;
- “Девону луғотит турк” асари ҳақидаги тадқиқотларни таҳлил қилиш.
- мустақил Ўзбекистонда “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилишини тадқиқ этиш.

Амалий аҳамияти. Диссертацияда тўпланган ва ўрганилган материаллардан илм-фан хусусан, XI асрда тилшунослик илми тарихини ўрганишда, ўша даврдаги тарихий атамаларни, ҳудудлар билан боғлиқ маълумотларни таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону-луғотит турк” асари тарихшунослик жиҳатдан таҳлил қилиниб, асардаги тарихий атамалар алоҳида тадқиқ этилди.
- Асарга илова қилинган тарихий географияга оид харита таққослаб ўрганилди.
- Жой номлари билан боғлиқ янги маълумотлар топилди.

– Қошғарийшунос дунё олимларининг кўплаб илмий ишлари кўрсатиб ўтилди.

Мавзунинг манбавий асоси. Тадқиқотга Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари асос қилиб олинди.

Тадқиқот ишининг назарий-услубий асоси. Тадқиқот ишининг назарий-услубий асосларини тарихийлик, қиёсий таҳлил тамойиллари, тарихни ёритиш борасидаги холислик, тарихийлик нуқтаи назарлари ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов асарларида баён қилинган фикр-мулоҳазалар, услубий кўрсатмалар тадқиқот ишимизга бош мезон қилиб олинди.

Шунингдек, манбани таҳлил этишга доир дунё олимлари тўплаган тажрибалар, назарий қоидалар, қиёсий усуллардан фойдаланилди.

Диссертациянинг тузилиши. Магистрлик диссертацияси тузилиши жиҳатидан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Тадқиқот ишим мавзусига оид Маҳмуд Қошғарий ва унинг “Девону-луғотит турк” асари тарихи¹, “Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону-луғотит турк” асарида дунё харитаси”², “Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону-луғотит турк” асари тарихшунослиги” номли мақола тезисларини³ тайёрлаб нашр эттирилди.

Хулоса ва таклифларнинг қисқаса умумлаштирилган ифодаси. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари юзасидан олиб борилган тадқиқотларга умумий тарихшунослик таҳлили тақдим этилди.

¹Маҳмуд Қошғарий ва унинг “Девону луғотит-турк” асари тарихи // Тарихий манбашунослик муаммолари. Талабалар илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2013. – Б. 13-16.

² Қошғарийнинг дунё харитаси // Тафаккур, 2014 № 1. – Б. 123-125.

³Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилишига доир // Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XI илмий-амалий конференцияси тезислари. – Т., 2014. – Б. 275-277.

I БОБ. МАҲМУД ҚОШҒАРИЙНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ ВА “ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК” АСАРИ, УНИНГ МАНБАЛАРИ

I. 1. Маҳмуд Қошғарий ва унинг илмий фаолияти

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё ҳудудидан етишиб чиққан кўпгина алломалари билан жаҳонда муносиб ўрин эгаллайди. Ушбу минтақадан кўпгина муфассирлар, муҳаддислар, тарихчилар ҳамда илм-фаннинг кўпгина арбоблари етишиб чиққан. Шулардан бири тилшунослик соҳасининг етук билимдонларидан бири Маҳмуд Қошғарийдир.

Ислом маданияти гуллаб-яшнаган XI асрда яшаб, ижод этган Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Қошғарий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар кам сақланиб қолган¹.

Маҳмуд Қошғарий Марказий Осиёда илк ўрта аср маданиятининг буюк арбобларидан бўлиб, тилшунослик соҳасида, хусусан, туркий тилларни ўрганиш соҳасида машҳур бўлди ва тарихда ўчмас из қолдирди².

Даврининг энг истеъдодли ва атоқли олимларидан бири бўлган Маҳмуд Қошғарий тилшуносликка доир икки нодир асар – “Жавоҳирун-наҳв фи луғотит турк” (“Туркий тилларнинг наҳв (синтаксис) дурдоналари, қоидалари”), “Девону луғотит турк” (“Туркий сўзлар тўплами”) асарларини яратди. Афсуски, Маҳмуд Қошғарийнинг биринчи асари бизгача етиб келмаган ёки ҳанузгача номаълум. Иккинчи асари – “Девону луғотит турк” эса XX аср бошларида Истанбул (Туркия)да топилган.

XIX аср охири – XX аср бошларида туркий халқларга оид жуда кўплаб ноёб обидалар, жумладан Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарлари, қадимги туркий, уйғур ёзуви ёдгорликлари топилди. Узоқ вақт давом этган мунозаралардан сўнг қадимги туркий битиклар ўқилиб, уларнинг туркий халқларга мансуб эканлиги илмий

¹ Ғофуров Ғ. Шарқ жавоҳирлари. – Т.: Маънавият, 2000. – Б. 38.

² Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – Б. 124.

жихатдан исботланди. Бу даврда аниқланган муҳим асарлар орасида “Девону луғотит турк” ҳам бор.

Асар топилганидан кейин қисқа вақтда чоп этилди, уни илмий асосда ўрганиш бошланди, турк, ўзбек, уйғур, озарбайжон, козоқ, англиз, немис, хитой, рус ва форс тилларига таржима қилинди. Марказий Осиё халқларининг XI асрдаги ҳаёти билан боғлиқ барча маълумотларни кенг камраб олган ушбу бебаҳо манба фанда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги тадқиқотчилар томонидан кўрсатиб берилди¹.

XI асрда Ўрта Осиёда Бухоро, Самарқанд ва Шош водийсида, шунингдек Иссиқкўл бўйларида ҳамда Қошғарда – Қорахонийлар давлатининг пойтахтларида ҳам йирик илм-маърифат марказлари бўлган.

Маълумки, илгарилари ҳукмрон доиралар ва уларнинг фарзандларигина билим олиш имкониятига эга бўлганлар. Шунга қарамай, Ўрта Осиё шарқидаги бу илмий марказларнинг фан ва маданият тарихидаги хизматлари жуда катта. Қорахонийлар даврининг меъморчилиги ўзига хос бўлган. Работи Малик, Ўзган мақбараси, Тўқмоқдаги минора шулар жумласидандир.

Қорахонийларнинг пойтахт мактабларида Қуръон, ҳадис ва шариат қонунларини ўргатиш билан биргаликда араб тили грамматикасидан ҳам чуқур таълим берилган. Маҳмуд Қошғарий ана шундай ўлкаларда ва шундай шароитда дунёга келди.

Шуни қайд этиш лозимки, бундай маълумотлар билан бирга олим қабила ва халқ тилларининг бир-бирига муносабати, ўзаро таъсири, алоқаси ҳамда ўша давр туркий адабий тилига нисбатан тафовут ва яқинлигини ҳам кўрсатган².

Маҳмуд ибн-ул-Хусайн ибн Муҳаммадил Қошғарий XI аср бошларида Боласоғунда (ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри яқинида) туғилди.

¹ Худойбердиев Ж. Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ва “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши. – Т., 2010. – Б. 3.

² Фозилов Э. Маҳмуд Қошғарий ва унинг девони // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971. № 5 – Б. 38.

Унинг бобоси қошғарлик бўлиб, Боласоғунга кўчиб келиб, турғун бўлиб яшаб қолган¹. Унинг бобоси Муҳаммад ва отаси Ҳусайн Иссиққўл бўйидаги Барсғон шахридан бўлганлар. Отаси, хизмати юзасидан бўлса керак, Барсғондан Қошқарга кўчган ва шу ерда ўрнашиб қолган. Шунинг учун Маҳмуднинг исми Қошғарий бўлиб кетган².

Ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан қорахонийлар сулоласига мансуб бўлиб, отаси Ҳусайн ибн Муҳаммад ўша даврдаги Барсғон шахрининг амири бўлган. Қошғарий бошланғич маълумотни ўз қишлоғида, юқори маълумотни Қошғар мадрасаларида олган, араб, форс, туркий каби 7–8 тилни пухта эгаллаган³. Унинг сеvimли устози Ҳусайн Халифа бўлган. Бу устоз тўғрисида шундай маълумотлар бор: “Қошғарда атоқли олим Абу Абдуллоҳ ибн Ҳусайн Қошғарий яшаган, у фозил, зоҳид бир шайх эди. Кўп асарлар ёзган. Унинг ўғли ҳам мўътабар олимлардан эди”⁴.

Маҳмуд Қошғарий дастлаб Қошғар, кейинроқ Самарқанд, Бухоро, Нишопур, Марв ва Бағдодда таҳсил кўрди, турли илмлар, хусусан, араб филологияси билан шуғулланди. У туркий халқларнинг тилига, турли қabila ва уруғларнинг урф-одатига, оғзаки бадий ижодиётига қизикди. Юқори Чиндан бошлаб Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога чўзилган катта масофани кезиб чикди; уруғ, қabila ва халқларнинг турмушини, уларнинг касб-корини, урф-одатларини, хусусан, тили ва оғзаки ҳамда ёзма ижодиётларини ўрганиб маълумотлар тўплади, оддий халқ оммаси вакиллари, олимлар ва шоирлар билан суҳбатлашди. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарийнинг ўзи бундай дейди: “Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирқиз (қирғиз)ларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил

¹ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б. 103.

² Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 117.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. V. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 515.

⁴ Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий. – Т., 1963. – Б. 5.

билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқни аниқлаш учун қилдим... Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирқиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта, бир асосда тартибга солдим”¹.

Бундан ташқари, Маҳмуд Қошғарий “Девон”ни тузишда алоҳида йўл турганлигини ҳам таъкидлаб ўтади: “Қискартириш ва енгиллатиш масқадида бу асарни мендан олдин ҳеч ким тузмаган ва ҳеч кимга маълум бўлмаган алоҳида тартибда туздим. Бу ишда мен асарнинг қийматини ошириш, бошқаларга (фойдаланувчиларга) эса осонлик туғдириш мақсадида пухта қўлланма бўлсин деб, ҳар бир қабиланинг ўзига хос хусусиятларига кўра қиёсий қоидалар туздим... сўнгра мен ҳар бир қабилага мансуб сўзларнинг ясаиш хусусиятларини ва қандай қўлланилишини қисқача кўрсатиш учун алоҳида йўл тутдим”².

Қошғарийнинг Бухорода яшаган даври ҳам унинг кейинги ижодига ижобий таъсир кўрсатган бўлиши керак.

Маълумки, Бухоро XI асрда шарқнинг энг йирик илмий ва маданий маркази бўлиб ҳисобланган. “Бухоро мактаби”, “Бухоро услуби” барча олимларга, барча кичик илмий марказларга ўрناк ва андоза бўлган. Узоқ Иссиққўл бўйларида ва Қошғарда яратилган “Қутадғу билиг” асарида ҳам Бухоро мактабининг таъсири бор. Бу асарнинг муаллифи тиббиётга доир маслаҳатларида Ибн Синога эргашган.

Маҳмуд Қошғарий Бухородан Бағдод шаҳрига келган, бу ерда бир неча йил яшаган; араб тили ва адабиётининг энг нозик хусусиятларини шу ерда ўрганиб олганлиги шубҳасиздир. У Бағдоддан ўз ватанига қайтиб келгач, ўз адабий тилидан абадий ёдгорлик қолдириш учун бўлса керак, катта луғат тузишга киришган, шу мақсадда бир неча йиллар мобайнида “Румдан

¹ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б. 104.

² Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк // 1-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. – Т., 1960. – Б. 47.

Мочингача” – Қора денгиз бўйларида то Хитойгача саёхат қилган: турли кабилалар, ўлкалар, тоғу чўл, шаҳару қишлоқларни кезган. Луғат тайёр бўлгач, яна Бағдодга жўнаган.

Ҳозирги замон ғарб ва турк шарқшунослари Маҳмуднинг Бағдодга келиб қолиш сабаблари тўғрисида турли фикр ва мулоҳазаларни айтишган. Уларнинг бир қанчаси ўринли ва ишонарли фикрлар, албатта. Маҳмуд Қошғарийнинг Бағдодда истикомат қилинган даври тўғрисида маълумотга эга бўлиш учун чет эллик шарқшунослар, хусусан, совет шарқшуносларининг фикрлари ва девондаги маълумотларга асосланиш мумкин¹.

Аввало шуни айтиш керакки, Бағдод халифалиги деганда, бу давлатларда фақат арабларгина ҳукмрон бўлган, деган тушунча нотўғри. Бағдод халифалигидаги амалдорлар, лашкарбошилар орасида араблардан бошқа халқларнинг ҳам вакиллари бўлган. Бағдод шаҳрида бутун бир маҳалла туркий аҳолидангина иборат бўлиб, Бағдод кўчаларида туркий тилларда сўзлашувчи ва ёзувчи кишилар ҳеч кимни ҳайратда қолдирмаган. Халифа хизматидаги туркийлардан бўлган кўпгина амалдорлар давлатнинг ҳамма ишига аралашганлар, халифаларга ўз сўзларини ўтказганлар.

IX–XI асрларда Бағдодда Ўрта Осиёдан ўнлаб атоқли адиб ва файласуфлар келиб, шу ерда ўрнашиб қолганлар. Жумладан, самарқандлик Абу Ёқуб Исҳоқ ибн Ҳасан ибн Кўҳий ал Хураймий (VIII аср охири – IX аср боши), фарғоналик шоир Халиф ал-Аҳмар, машҳур файласуф Абу Наср Фаробий, унинг ҳамшаҳари филолог Исҳоқ ал-Фаробий, унинг жияни филолог Абу Наср Исмоил ал-Жавҳарий шулар жумласидандир. Астроном Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний, математик ва географ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, марвлик Аҳмад ибн Абдулла Марвазий, балхлик Абу Маъшарлар Бағдодда яшаганлар ва ижод қилганлар. Маҳмуд Қошғарий ҳам шулар жумласидандир. Бағдодда, сўғдийлар маҳалласи бўлганлиги, ҳатто

¹ Ҳасанов Х. Сайёх олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 117.

узоқ Уммонга ҳам сўғд вакиллари бориб қолганлиги тўғрисида маълумотлар бор¹.

Дамашқ чеккасида Жиллиқ, Шайх Асрлон деган туркий қишлоқлар, Ҳалаб ёнида туркийлар яшайдиган Ёруқия қишлоғи бўлганлиги маълум. Ҳатто халифа давлатининг ғарбий қисмида – Африканинг шимолида ҳам туркийлар бўлган. Тожик сайёҳи Носир Хисравнинг айтиши Маҳмуд Қошғарий даврига тўғри келадиган “Сафарнома”сида мана бундай маълумотлар бор: “Қоҳирада султон хусурида турли мамлакатлардан йиғилган лашкарлар, жумладан туркистонликлар ҳам бор эди. У ерда турли касб эгалари, масалан, ваъзхонлар, адиблар, шоирлар, қонуншунослар кўп эди”².

Хуллас, халифа давлатининг пойтахтида турли амалдорларнинг ва олим, адибларнинг мавқеи катта бўлган. Туркийлар араб тилини астойдил ўрганганлар, араб амалдорлари ҳам туркий тилларини ўрганишга мажбур бўлганлар, чунки уларда Ўрта Осиё олимлари, кўп ерларга тарқалган туркий қабилалар катта қизиқиш туғдирган. Географ Ёқутнинг ёзишича, аббосий халифа Иброҳим ибн Маҳдий туркий тилда бемалол сўзлаша билган³. Маҳмуд Қошғарий олим сифатида танилган вақт ана шундай ҳукмронлик даврига тўғри келган.

“Девон”нинг қаерда ёзилганлиги тўғрисида турли фикрлар бор. Шарқшуносларнинг кўпчилиги бу шоҳ асар Бағдодда ёзилган бўлиши эҳтимол, деган фикрда. Бу фикр нотўғри. Девон шу қадар катта ҳажмли, чуқур мазмунли ва қимматбаҳо асарки, унинг икки-уч йил ичида ёзилган бўлиши эҳтимолдан узоқ. У Бағдод шаҳрида эмас, балки Ўрта Осиёда ёзилган бўлиши керак. Гап шундаки, “Девон” камида 10-15 йиллар давомида тайёрланиб, шундан кейингина ёзила бошланган⁴.

¹ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 118.

² Муталлибов С. XI аср филологи Маҳмуд Қошғарий ва унинг “Девону луғотит турк” асари. – Т., 1958. – Б. 98.

³ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 119.

⁴ Ўша манба. – Б. 120.

Нихоят, Махмуд Қошғарий узоқ сафарлардан уйига – Қошғарга қайтиб келиб, “Девон”га доир барча материалларни жам қилган ва 1072 йилдан эътиборан бутун вақтини яхлит китоб ёзишга бағишлаган. “Китоб 464 йилнинг (ҳижрий) жумодул аввал бошларида бошланди ва тўрт қарра ёзилгандан (қўчирилгандан) ва тузатилгандан сўнг, 466 йилнинг (ҳижрий) жумодул охирнинг 12-куни битирилди”¹.

“Девону луғотит турк” китобида табиат ва табиий ҳодисаларга, ҳунончи, ер ва сув, тоғ ва ҳўл, иқлим ва осмон, ҳайвон ва ўсимликларга тааллуқли мақол, иборалар, хилма-хил содда ва сермазмун атамалар топамиз².

“Девон”нинг луғат қисмида келтирилган сўзлар ХІ асрдан анча илгари пайдо бўлган. Уларнинг баъзилари VII асрга мансуб Ўрхун ёзувларида, Култегин ёдгорликларида ҳам учрайди. Ўрта Осиёда ХІ асрдаёқ бу сўзлар бўлганлиги ва уларнинг ҳозирда ҳам ишлатилиши тилимизнинг асосий луғат таркибида эканлигидан далолат беради. Баъзи сўзлар ўзбек тилининг актив фондидан тушиб қолган, улар айрим топонимлар таркибидагина сақланган. “Девон”да ер ва тупроққа оид изоҳларда ишлатилган сўзлардан мисоллар келтирамиз:

Масалан, *қўруғ* сўзи IX асрда Наршахий “Тарих”ида учрайди. Бу сўз кейинчалик дахлсиз, ёпиқ, ман қилинган жой маъносида ишлатила бошланган; масалан, хон мазори, мулклари, хон ҳарамхонасига нисбатан ишлатилган³.

Топонимика учун айниқса муҳим бўлган ўкуз сўзига алоҳида тўхталиб ўтмоқдамиз. Ўрхун ёзувларида *артич ўкузий* тилга олинган. “Девон”да ҳам бу сўзлар бир неча марта такрорланган. Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”сида Амударё илгари Ўкуз деб аталган.

¹ Ҳасанов Ҳ. Махмуд Қошғарий . – Т., 1963. – В. 9.

² Ғофуров Ғ. Шарқ жаҳоирлари. –Т.: Маънавият, 2000. – В. 42.

³ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – В. 121-122.

Европа шарқшуносларидан Г. Вамбери бу сўзга тахминий изоҳ бериб: “Оксус, эҳтимол, *ёгюсь* – дарё сўзидан олингандир” деган. С.П. Толстов ҳам ўқузнинг кадимда сув, дарё маъносида ишлатилганлигини, туркий тилларда унинг ўғуз шаклида ёзилиб, икки хил турдош маънони (“дарё” ва “хўкиз”) англатганини, юнонларда ўкуз сўзи Окс деб, Геродотда Акес деб ёзилганлигини, Ўрта Осиё аҳолиси Амударёни XVII асрга қадар Ўкуз деб аталганлигини, бунинг массагетча сўз эканлигини, массагетлар эса Ўрта Осиё туркий халқларининг этногенезига қўшилганлигини айтган.

“Девон”ни ўрганар эканмиз, Маҳмуд Қошғарий нафақат тарихчи ва тилшуносли олим ва шу билан баргаликда етук этнолог ва географ эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

“Девону луғотит турк” асарининг яна бир қиммати шундаки, Маҳмуд Қошғарий бу асарига дунё харитасини илова қилган. Аллома мазкур харитасида ер юзининг марказини ўз она юрти Иссиққўл билан Боласоғун оралиғидаги ерларга тўғирлаб чизади. Олим мазкур харита ва унда дунё қабилаларининг жойлашиши ҳақида шундай ёзади: “Шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг турар жойларини бирин-кетин тартиб билан кўрсатдим. Румдан кун чиқаргача мусулмон ва бошқаларни кўрсатдим. Румга яқин биринчи қабила бейэнэн, сўнг қипчоқ, ўғуз, яман, бошғирд, басмил, сўнг қай, сўнг абаку, сўнг татар, сўнг қирғиз келади. Қирғизлар Чин яқинидадирлар. Бу қабилаларнинг ҳаммаси Рум яқинидан кун чиқар томонга чўзилгандир. Сўнг чигил, сўнг туғсий, сўнг яғмо, ҳитой “Чин”дир. Сўнгра товғач – бу “Мочин”дир. Бу қабилалар Жануб ва Шимол ўртасидадир. Бу қабилаларнинг турар жойларини бу доирада кўрсатдим”.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Дунё харитаси”да кўрсатилган эл-элатлар яшаш жойи, дарё ва кўллар, тоғлар ва даштлар жойлашуви, масофа ўлчамлари бугунги кун ўлчовларига ғоят мос келиши, умуман, алломанинг бу иши дунё картография фанида ҳозиргача ўз аҳамияти ва қимматини сақлаб қолаётганини В.В. Бартольд, Н.Ю. Крачковский, А.Н. Бернштам, С.

Муталлибов, А. Герман, И.И. Умняков, Ҳ. Ҳасанов, З.А. Саидбобоев каби олимлар бир овоздан эътироф этадилар. Айниқса, Ҳ.Ҳасанов “Сайёҳ олимлар” деган китобида Маҳмуд Қошғарийнинг географик меросини кенг шарҳлаб берган¹.

А. Герман хаританинг шартли белгилари тўғрисида қисқагина шундай деган эди: “Белгилари на хитойча, на арабча; айниқса, ҳудудларни тасвирлаш жуда оригиналдир. ...Хаританинг мазмуни ҳам ўзига хосдир. ...Бу харита хитой картографиясига ҳам, араб ва ҳинд картографиясига ҳам ётдир”.

Маҳмуд Қошғарийнинг тасвирича, Ўрта Осиё ер юзаси жиҳатдан тоғлик ва текислик қисмлардан иборат; унинг тоғлик қисми ҳозирги Қозоғистон, Ўзбекистон ўлкаларига тўғри келади. Шимоли-ғарбда фақат битта тоғ – Жабали Қорачуқ ёзилган, бошқаларининг ёзуви йўқ. Ер юзининг маркази қилиб қорахонийлар давлатининг пойтахти сиёсий, илм-маданият маркази Боласоғун шаҳри олинган. X – XI асрларда ҳақиқатдан ҳам Боласоғун йирик шаҳар бўлган. Бу шаҳарни ҳозирги географик хариталардан тополмаймиз, ҳатто археологик хариталарда ҳам унинг ўрни аниқ эмас. Кўпчилик олимларнинг фикрича, у Тўқмоқ шаҳри ёнида бўлган. Боласоғун, баъзи олимлар айтганидек X асрда бунёдга келган эмас. У ундан илгари ҳам бўлган, эҳтимол, у вақтда бошқача аталгандир. XII асрда бу ерга Хоразмшоҳ бостириб келган, 1218 йилда уни Чингизхон истило қилган; XIV аср охирида бу шаҳар вайронага айлантирилган.

Боласоғун шаҳрининг энг қадимги номи Биклиг, мўғулча номи Ғуболиғ (Гўзал шаҳар), маҳаллий (чигил ва арғуча) номлари Қузулиш, Қузўрду. Бу шаҳар ёнида, тоғлар орасидаги кўл бўйида Барсғон шаҳри жойлашган. Аниқланишича, Барсғон ёки Барсхон шаҳри ҳозирги Иссиқкўл бўйида – унинг жануби-шарқий бурчагида, Қўйсара яқинида бўлган².

Қошғарий харитасида Барсғон ёнидаги кўлнинг номи ёзилмаган, аммо “Девон” матнида у Иссиқкўл деб аталган. Асарда Иссиқкўл тўғрисида жуда

¹ Ғофуров Ғ. Шарқ жавоҳирлари. –Т.: Маънавият, 2000. – Б. 43-44.

² Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 129.

аниқ маълумотлар берилган: “Иссиқкўл – Барсғонда бир кўл, узунлиги 30 фарсах, эни 10 фарсах”¹. Агар фарсах километрга айлантирилса, Иссиқкўлнинг узунлиги 180 км, эни 60 км бўлади. Бу унинг XI асрдаги катталигидир. Кўп йиллик текширишлар натижасида аниқланишича, ҳозир кўлнинг узунлиги 182 км, эни 58 км.

Маҳмуд Қошғарий харитасида Сирдарё, гарчи номи ёзилмаган бўлса ҳам, жуда аниқ чизилган. У икки тоғдан сув олади, бир ирмоғи – “Ябақу суви” Қошғар тоғларидан чиқиб, Фарғона билан Ўзганд орасидан оқади, бу – ҳозирги Қорадарё; иккинчи ирмоғи шимолдаги Қўчинкорбоши ёнидаги тоғлардан бошланиб, Косон ёнидан ўтади; сўнгра улар бирлашиб, Фарғона водийсининг Марғилон, Хўжанд шаҳарлари орасидан оқиб ўтиб, шимолга бурилади. Тошкент шарқ томонда қолади, қуйи оқимида Жанд шаҳри ёнидан ўтади.

Амударё ҳам йирик ирмоқлардан ҳосил бўлган; улардан бири Қошғар чегарасидаги тоғлардан (Сурхоб – Вахш), иккинчиси Кашмир чегарасидаги тоғлардан (Вахондарё – Панж) бошланиб, Афғонистон чегарасида қўшилиб, шимоли-ғарбга оқади ва Хоразм ёнидан ўтади. Бу иккала дарё ўртасидаги узун тоғ – Олой, Туркистон, Зарафшон тизмалари, Жайхун ғарбидаги қумлар – Қорақум; у ўз ўрнига тушган. Хаританинг энг марказий секторида Осиё қитъасининг шарқий мамлакатлари тасвирланган. “Уйғур вилоятида бешта шаҳар бўлиб,... булар Сулми, Қўжу, Жанбалик, Бешбалик, Янгибалик шаҳарларидир... Уйғурларнинг энг катта шаҳри Бешбалиқдир”. “Балиқ” сўзи Жоҳилия давридаги турклар ва уйғурлар тилида “шаҳар” маъносида ишлатилганлигидан, Бешбалиқ – “Беш шаҳар”, Янгибалиқ – “Янги шаҳар” деган маънони англатган.

Тибет сўзи картада ёзилмаган, аммо матнда Тибетнинг таърифи берилган: “Тубут шарқ томони Чин, ғарб томони Кашмир, шимол томони

¹Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк // III-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. – Т., 1963. – Б. 149.

Уйғур эллари, жануб томони эса Хинд денгизидир”; “Тубутнинг тиллари алоҳидадир”¹.

Картанинг жануби-шарқий чеккасидаги ярим доира – Саддий Зулқарнайн (Искандар Зулқарнайн девори) ичига “Арзи Яъжуж ва Маъжуж” деб ёзилган.

Хаританинг ғарбий ярмида – Эрон, Ироқ, Арабистон, Марказий Африка (Барбар, Зутт, Ҳабаша, Занж), Шимолий Африка (Қайрувон ва бошқалар, Миср, Искандария, Мағриб) ва Испания (Андалус) тасвирланган. Энг чекка ғарбда, океан бўйлаб “Ҳарорат ғалаба қилганидан у ерда одамзод яшамайди” дейилган, бу – Сахрои Кабир ерлари ва экваторнинг дим жойларидир.

Маҳмуд Қошғарийнинг бу харитани қандай чизганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Лекин унинг ижодий услубини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: Қошғарий даставвал бир доира ясаб, унинг теварагини океан билан ўраган, доиранинг марказига Иссиққўл, Барсғон, Боласоғун ва Қошғар шаҳарларини ёзиб қўйган, сўнгра доиранинг сиртига дунё томонларини белгилаб чиққан, кейин тоғларни чизган. Садди Зулқарнайн ёнидаги қумликни билдирувчи чизик ҳам икки тоғ орасидан эгрироқ қилиб ўтказилган, чунки бу чизик тоғлардан кейин чизилган. Сўнгра кўл ва денгизлар туширилган, Улардан кейин шаҳар ва мамлакатлар доирачалар (78 та) билан белгиланган, ғарбдаги давлатлар, уларнинг чегаралари кўрсатилган. Охирида дарёлар чизилган. Шундай қилиб дунё харитаси тайёр бўлган. Аммо хаританинг ҳамма қисмлари ҳафсала билан чизилган деб бўлмайди. Марказий, шарқий ва шимолий қисмларда ёзувлар кўпроқ, тоғ ва дарёлар зичроқдир. Бунинг сабаби туркий қабилалар “Румдан Чингача” – ўртача иқлимда 35-55° шимолий кенгликлар орасида истиқомат қилганлар. Шунинг учун харитада уларнинг жойлашган ўрни кўрсатилиши керак эди, аммо бу кўрсатилмаган.

¹ Ҳасанов Х. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 134.

Харитада бўш жойлар, номи ёзилмаган доирачалар анчагина. Шуларга караб, харитага тугалланмаган – чала, муаллиф не сабабдандир ишини ниҳоясига етказа олмаган, дейиш мумкин. Бу факт ҳам хаританинг Маҳмуд Қошғарийнинг ўзи тузганлигини исботлайди. Хаританинг бошқа одам тузганида номсиз доирачалар бўлмасди¹.

Шундай қилиб, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида X – XII асрларда юқори Чиндан Ўрта Осиёгача бўлган катта ҳудудда яшаган туркий қабилаларнинг тиллари, тарихи ва этнографияси, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, улар яшаган ҳудуднинг табиий-географик шароити тўғрисида жуда кўп маълумотлар келтирилади².

Демак, туркий халқларнинг тарихини, маданиятини, адабиётини ва санъатини, уларнинг яшаш шароити ва урф одатларини ўрганишда “Девону луғотит турк” жуда катта аҳамиятга эга асар ҳисобланади. Бу асар айниқса туркий тилларни, уларнинг ривожланиш хусусиятларини, ўзаро бир-бирига таъсири масалаларини аниқлашда жуда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. У фақат тилшунослик асари бўлибгина қолмасдан, ўз даврининг қобусномаси ҳамдир. Чунки унда турли халқларнинг тарихи, ижтимоий-сиёсий аҳволи, урф-одати, табиий шароити, этнографияси ҳамда адабиёти ҳақида қимматли манбалар бор.

I. 2. “Девону луғотит турк”нинг яратилиши ва манбалари

Туркий халқларнинг тарихи, яшаш тарзи, урф-одатлари ҳақида маълумот берувчи асосий ишончли манба Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридир.

XI асрда шаҳар ва қабилалар ўртасидаги муносабат кучайди. Лекин тилда хилма-хил шаклларни қўллаш ҳукмронлик қилиб, ана шу давр тилида маълум меъёрларни яратишга эҳтиёж пайдо бўлган эди. Шу эҳтиёж Маҳмуд Қошғарийни “Девону луғотит турк” асарини ёзишга даъват этди. Бу асар

¹Хасанов Х. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 136-137.

²Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 60-61.

туркологиянинг дастлабки намунаси сифатида ўша давр маданий ҳаётида ва тилшунослик тарихида алоҳида саҳифа очди¹.

“Девону луғотит турк”ни яратиш учун кўп йиллар давомида мунтазам иш олиб борган Маҳмуд Қошғарий уни 1076/77 (ҳижрий 469) йилларда ёзиб тугатди, охирги таҳририни 1083 йилда тамомлаб хошимийлар сулоласининг аббосийлар авлодидан бўлган Абулқосим Абдуллоҳ бинни Муҳаммадил Муқтадо биамируллоҳга армуғон қилди².

1914 йили Туркиянинг Диёрбакир шаҳрида бир бева хотин пулга муҳтож бўлганидан китобфуруш дўконига эски қўлёзма олиб келиб: “Марҳум айтган эдиларки, агар қийналиб қолсанггина шу китобни сотгин, лекин 30 лирадан кам бўлмасин” – дебди. Китобфуруш қўлёзмани бунчалик қимматга олгиси келмасада, “Китоб дўконда тура турсин, харидор чикса – пулини оларсиз”, – деб жавоб берибди. Кунлар кетидан кунлар ўтибди. Харидорлар келиб-кетаверибди, биронтаси бу “эски қоғозлар”ни 30 лира олтинга олгиси келмабди. Ниҳоят, Диёрбакирлик китоб ишқивозларидан Али Амирий афанди дўконга келиб, бу кўримсиз қўлёзмани варақлаб чиқиб, оладиган бўлади. Али Амирий уйда мазкур қўлёзмани кеча-ю кундуз ўқиб, ундан кўзини уза олмаган. Шундан сўнг у “Китоб олдим, уйга келдим, емак-ичмакни унутдим. Бу китобга ҳақиқий қиймат берилмак лозим бўлса, жаҳоннинг хазиналари кифоя қилмас”, – деб айтган экан. Кейинчалик маълум бўлишича, бу тамомила янги бир асар – Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” деган шоҳ асари бўлиб, бу қўлёзма “Девону луғотит турк”нинг Маҳмуд Қошғарий қўли билан ёзилган асл нусхасидан кўчирилган экан. Бу нусха “Девон” ёзилгандан сўнг салкам 200 йил ўтгач, 1265/66 ҳижрий йилда кўчирилган. Қўлёзма ҳозирда Истанбулдаги Миллат кутубхонасининг Али Амирий фондида сақланмоқда. Қўлёзма 239x165 ҳажмдаги 319 варақли, 638 бетли катта бир жилддан иборат бўлиб, бетлардаги матн ҳажми 175x115 смни ташкил этади. Ҳар бир бетдаги матн

¹ Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 66.

² Алиев А., Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 71.

насх ёзувида бўлиб, 17 қатордан иборат¹. Қўлёзма варақлари таралиб, йиртилиб кетган, на боши на охири бор. Бу қўлёзмани кўчирган котиб Муҳаммад бинни Абу Бакр Дамашкийнинг маълумотига кўра, у нусхани Маҳмуд Қошғарийнинг ўз дастхати (автографи)дан олган. “Девону луғотит турк” илм-фан аҳлларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда². Бу асар 1915 – 1917 йилларда уч томлик китоб шаклида Истанбулда нашр этилди. Шарқшунос Броккельман бу асарни немис тилига (Лейпциг, 1928), Бесим Аталай усмонли турк тилига (Анқара, 1939) таржима қилди. Асарни ўзбек тилига 1960 – 1963 йилларда тилшунос олим С. Муталлибов таржима қилди.

“Девон” яратилган даврда илмий асарларни араб тилида ёзиш кучли бир анъанага айланиб қолган эди. Маҳмуд Қошғарий ҳам ўз асарини араб тилида ёзади. “Девон” икки қисмдан: муқаддима ва луғат қисмидан иборат. муқаддимада муаллиф “Девон”ни яратиш сабаблари, уни ёзиш учун кўп йиллар давомида материал тўплагани, ўз иш усули, “Девон”нинг қурилиши, “туркча сўзларнинг тузилишида қўлланиладиган сўзлар”, “сўзларнинг тузилиши”, “турк табақалари ва қабиалари” ва бошқа масалалар ҳақида батафсил тўхтаб, бой фактик материал келтиради ва илмий-назарий хулосалар чиқаради. Шунингдек, муаллифнинг девоннинг ёзишдан мақсади, сўз танлаш ва уларни жойлаштириш тамойиллари баёни ҳамда турклар қўллаган ёзув ва унинг хусусиятлари, сўз ясалиши ва бошқа айрим грамматик қоидалар ёритилган³. “Девон”нинг асоси бўлган луғат қисмида муаллиф олти мингдан зиёдроқ туркий сўзларнинг луғавий маъносини арабча изоҳлаб беради. Бу сўзлар турли туркий қабила ва халқларнинг, ҳудудий диалектларнинг сўзларидир. “Девон”даги сўзлар ва уларнинг грамматик хусусиятлари бошқа туркий тилларга алоқадор бўлгани каби, ҳозирги замон

¹ Махмуд ал-Кашғари. Диван лугат ат-Турк // Казахстанские востоковедные исследования. Перевод, предисловие и комментарии З. –А. М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 13.

² Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 116.

³ Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 71.

ўзбек тилига ҳам алоқадор бўлиб, у тилнинг қадимги негизлари билан таништиради.

Луғат қисмида X – XII асрларда туркий қабилалар тилида кенг қўлланган сўзларга илмий-тарихий жиҳатдан изоҳлар берилади. Бунда ҳам асосий диққат кенг истеъмолда бўлган сўзларга қаратилган, қўлланиши чекланган, истеъмолдан чиққан сўзларга эса изоҳ берилмаган. Демак, ўша давр тилида сўзларнинг қўлланиш даражаси, уларнинг фаол ёки суствлиги, сўз маъноларининг ўзгариши каби ҳодисаларга кўпроқ эътибор берилган¹.

“Девону луғотит турк” оддий луғат китоби бўлмай, балки тилшунослик илми тараққиётига жуда катта ҳисса бўлиб қўшилган асардир².

Асарни ёзиш учун Маҳмуд Қошғарий жуда узоқ лингвистик ва этнографик экспедицияларда бўлган. Асарда муаллиф туркий халқлар яшаган ўлкалар акс эттирилган харитани ҳам келтиради.

Луғат тузишда Маҳмуд Қошғарий араб луғатчилигидаги йўлни танлайди. Девонда аввал исмлар, кейин феъллар келади. Исмларда ҳам феълларда ҳам олдин сўз бошида ҳамзали сўзлар, кейин бошқа ҳарфлар билан бошланган сўзлар изоҳланади³.

“Девон”нинг тузилиши учун асос бўлган асарлар ҳақида ҳам турлича фикрлар билдирилган. Айрим олимлар унинг мустақил асар эканлигига шубҳа билдиришган. Масалан, немис олими Г. Бергштрессер 1921 йилда Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Фаробийнинг “Девонул-адаб фи баён луғотул-араб” (“Араб”лар тилида баён этилган адабий асарлар девони”) асари “Девону луғотит турк”нинг яратилишига асос бўлган, деган фикрни билдирган. Г. Бергштрессер ҳатто “Девон”нинг муаллифи тўғрисида маълумот бермаган.

Маҳмуд Қошғарий “девон”ни тузишда Халил ибн Аҳмаднинг “Китобул-айн” луғатига асосланганлигини эътироф этиб, ундан ижодий

¹ Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 57-58.

² Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б. 105.

³ Алиев А., Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 71.

фойдаланганлигини ёзган: “Китобни тузиш олдида Халил ибн Аҳмаднинг “Китобул-айн” асарида тутган тартибни қўллаш, истеъмолдан чиққан сўзларни ҳам бера бориш фикри менда туғилган эди... лекин мен ўқувчиларнинг фойдаланиш масаласига асосландим. Мен истеъмолдаги сўзларнигина бердим. Истеъмолдан чиққанларини ташладим. Мен тутган тартиб тўғрироқдир”¹.

“Девону луғотит турк”да муаллиф туркий сўзларнинг маъносини очиб бериш учун жуда кўп халқ мақоллари, ибора, қўшиқлардан келтиради. Бу ҳақда шундай ёзади: “Мен бу китобни махсус алифбо тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар (қофияли наср), мақоллар, қўшиқлар, ражаз, (ботирлар қаҳрамонлигини тасвирловчи парчалар) ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим”².

Маҳмуд Қошғарий юқоридаги тамойил асосида туркий халқларнинг жонли тил намуналарини мукаммал изоҳлаб берар экан, улар “Девон” материаллари асосида ўз тиллари қайси қабила тили асосида тараққий этиб, камолга етганини аниқлай оладилар³.

Маҳмуд Қошғарий турклар Афросиёбни Алп эр Тунга деганларини ва унинг дунё ҳукмдори (Ажун беги) бўлганини қайд этади. Яна Афросиёб, яъни Алп эр Тунга вафот этганда, туркларда мотам маросимлари ўтказилиб, марсиялар ёзилганини таъкидлайди. Маҳмуд Қошғарий “Афросиёбнинг мотам маросимида одамларнинг бири кўп увиллаб йиғлагани ва ҳайқириб ёқаларини йиртгани” тўғрисидаги бошқа бир далилни ҳам келтиради⁴.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари туркшуносликнинг дастлабки илмий асаридир. Мазкур асар дастлабкигина бўлиб қолмай, туркшунослик тарихида яратилган асарларнинг энг

¹ Худойбердиев Ж. Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ва “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши. – Т., 2010. – Б. 9.

² Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк // 1-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. – Т., 1960. – Б. 44-45.

³ Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 68.

⁴ Усмон Турон. Туркий халқлар мафкуриси. – Т.: Чўлпон, 1995. – Б. 78.

мукаммали, шунга мувофиқ, Маҳмуд Қошғарийни буюк тилшунос ва туркшунослигимизнинг асосчиси дейиш мумкин.

“Девону луғотит турк” – туркий-арабий изоҳли луғат бўлсада, лекин китоб араблар ва арабчани фан тили сифатида қўлловчилар учун тузилган оддийгина луғат эмас. У Қорахонийлар давридаги бутун туркларнинг иқтисодий, маданий, илм-фан соҳасидаги муваффақиятларини, давлат юритиш тадбирларини, фалсафий-иқтисодий қарашларини, урф-одатларини бой тил материали орқали таништирадиган мукаммал комусдир. Ўз даври адабий ва умумхалқ тилининг бутун бир кўринишини акс эттирган, қонун-қоидаларини маълум қолипга туширган илмий тадқиқот асаридир¹.

Туркий халқлар тарихига оид қадимий афсона ва ривоятлар, 300 га яқин мақола ва маталлар, ҳикматли сўзлар, 700 сатрдан ошиқ шеърий парчалар ушбу асар саҳифаларидан ўрин олган. Шеърий парчаларнинг кўп қисми туркий халқлар оғзаки ижодига хос тўртликлардан иборат. Аммо “Девон”да келтирилган шеърий сатрлардан 150 сатрга яқини ислом даври шеъриятига хос бўлган “байт” типигаги маснавий, қасида, ғазал, қитъа парчалари бўлиб, уларни Қошғарий ўзи ҳам кўпинча “байт” деб атайдди. Китобда 7 та эпик достон, ишқий қўшиқлар, пандномалар, коинот яратилишига оид асотири, шеърлар, табиат манзаралари тасвири, мадҳиялар, фалсафий мушоҳадалар учрайди. Қошғарий девонида келтирилган VIII – XI асрларга оид туркий шеърият намуналарида у ёки бу даражада аруз вазнига ўтиш мойиллиги сезилади².

Маҳмуд Қошғарий асаридаги сўзларга изоҳ бериш жараёнида қадимги туркий адабий тилдан ҳали кенг ўрин олмаган сўзлар бўлгани учун ҳам Қошғарий изоҳ беришни лозим кўрган. Қолаверса, Маҳмуд Қошғарий изоҳ берган сўзларнинг аксарияти қадимги туркий ёзма ёдгорликлардан ўрин олган³.

¹ Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 72.

² Маънавий юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – Б. 125.

³ Rahmonov N., Sodiqov Q. O'zbek tili tarixi. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2009. – B. 90.

В.А. Звечинцевнинг фикрича, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари кадимги тилшуносликда яратилган асарларнинг энг характерлисидир¹.

“Девону луғотит турк” жуда кўп туркий қабилалар ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган. Бу қабилаларнинг тарихи, жойлашган ўрни, географик шароити, турмуш тарзи қабилар аниқланган. Бир томондан, шимолда ғарбдан шарққа қараб бажанак, кипчоқ, ўғуз, бошқирд, басмил, қирғиз, татар ва иккинчи томондан, жанубда чигил, тухси, яғмо, уйғур, жумул ва бошқа қабилалар, уларнинг бир-бирига муносабати ва тиллари тўғрисида жуда аниқ маълумотлар берилади².

“Девону луғотит турк”даги меҳнат қўшиқлари овчилик, чорвачилик, боғдорчилик ва деҳқончилик ҳаётини, меҳнат жараёнини ибтидоий жамоа урф-одатларини, қabila аъзоларининг биргаликдаги меҳнатини ҳамда ижтимоий-синфий айирма ва зиддиятларни акс эттиради. Бу ўз навбатида ижтимоий ва сиёсий тарихни ўрганишда жуда муҳимдир.

“Девону луғотит турк” – қомусий асар. Унда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳасига оид сўз топиш мумкин. Шунингдек, жуда кўп соҳага доир маълумотлар келтирилади.

Шунингдек, асарда ўсимликлар дунёси, чорвачилик, ҳайвонот оламига оид сўзлар ҳам келтирилади. Улар орқали биз ўша даврдаги туркларнинг ҳаёт тарзи, табиат билан муносабатини билиб оламиз. Асарда келтирилган касб-хунарга оид сўз ва атамалар эса бизга X – XI аср хунарамандчилиги, маданий ҳаёти қай даражада тараққий қилгани ҳақида тасаввур беради. Шунингдек, китобда маданий-маиший ҳаётни кўрсатувчи далилларга ҳам дуч келамиз. Айниқса, овқатларни тайёрлаш йўллари, май ачитиш усуллари, чолғу асбоблари, кийим-кечаклар, турли маросимлар билан боғлиқ расм-русумлар ҳақидаги маълумотлар жуда қизиқарлидир³.

¹ Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили очерклари. – Самарқанд, 1969. – Б. 57

² Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 60

³ Алиев А., Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 72.

“Девону луғотит турк”да ўша давр ҳокимият қурилишига доир атамалар, даражаю унвонлар, табақаю гуруҳларни ифодаловчи сўзлардан берилади. Асарни ўқиб ўша замон ҳарбий ишларию тактикасигача тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Унда бирон-бир воқеа-ҳодисага боғлиқ халқ афсона ва ривоятларидан келтирилади. Ўрни билан айрим сўзларнинг этимологияси ҳам берилади¹.

Асардаги айрим адабий парчалар қабилалар ўртасидаги жанг эпизодлари ва қабила баҳодирларининг мардона курашини тасвирлайди.

“Девону луғотит турк”да келтирилган айрим мақоллар баъзи ўзгаришлар билан ёки айнан ҳозирги кунда ҳам қўлланилади. Бу факт ўзбек халқи поэтик ижодиётининг, ўзбек тилининг жуда қадим замонларда туғила бошлаганини яна бир қарра тасдиқлайди².

Мазкур асарда ўша даврда истеъмолда бўлган сўзлар ўрин олган бўлиб, туркий халқлар тилларининг нақадар бойлиги акс эттирилган. Айрим ўринларда туркий бўлмаган сўзлар ҳам (жумладан, сўғдча) келтириладики, бу эса ўзлашган сўзларнинг маълум қисми ҳам луғатдан ўрин олганини кўрсатади.

Ҳозирда “уйғур ёзуви” номи билан юритилувчи ёзувни Маҳмуд Қошғарий “туркча ёзув” номи билан атайди. Унинг таъкидлашича, бу ёзув қадимдан қўлланилиб келинган. “Барча хоқонлар ва сулоларларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу кунгача (яъни XI асргача), Қошғардан Чингача – ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув билан юритилган”³.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари томонидан қўлланилган оромий ёзуви асосида шаклланган суғд ва бошқа ёзувлар консонант ёзув саналган. Маҳмуд Қошғарий томонидан келтирилган уйғур алифбосидаги ҳарфлар ҳам деярли ундошларни ифодалайди⁴.

¹ Алиев А., Содиков Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б. 73.

² Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б. 65.

³ Содиков Қ. Маҳмуд Қошғарий уйғур ёзуви ҳақида. // Адабий мерос. – Т., 1986. № 3 (37). – Б. 41.

⁴ Юқоридаги асар. – Б. 42.

“Девону луғотит турк” асари ҳозирги кунга қадар тилшуносликнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб келмоқда. У тил тарихини ёритишда ўз қимматини сақлаб қолмоқда ва қадимги адабий ёдгорликлар тилини ўрганишга хизмат қилмоқда. Чунончи, шу асар топилгандан кейин “Қутадғу билиг”ни ўқиш ва уни таржима қилишда содир бўлган камчиликлар аниқланди ва тугатилди. “Девону луғотит турк”нинг вужудга келиши туркий тилларнинг ўсиб ривожланганини, уларнинг маданий ҳаётда, жумладан илм-фанда кенг ўрин эгаллаганини кўрсатувчи катта бир фактдир. “Девону луғотит турк”даги илмий анъаналар Абдулқосим Муҳаммад Замахшарий, Абу Ҳайён ибн-Муханна Алоиддин Бейлик ал-Қифчокий, Жалолиддин Туркий ва, ниҳоят Алишер Навоий каби буюк олимларнинг тилшуносликка доир асарларида давом эттирилди ва ривожлантирилди¹.

Маҳмуд Қошғарийдан улкан мерос бўлиб қолган мўътабар ёдгорлик – “Девону луғотит турк” асари барча туркий халқлар тарихини ёритиб беришда муҳим манбадир. Қолаверса, бу манбани ўрганиш нафақат тилимиз тарихи учун, балки халқимиз тарихи учун ҳам кўпгина қимматли материаллар бериши шубҳасиз юксак илмий аҳамиятга эгадир².

Маҳмуд Қошғарийнинг мазкур асари турли табиий фанлар атамашунослигини яратишга ва картография фанига ҳам катта ҳисса қўшган.

“Девону луғотит турк” китобидан табиат ва табиий ҳодисаларга, чунончи, ер ва сув, тоғ ва чўл, иқлим ва осмон, ҳайвон ва ўсимликларга тааллуқли мақол, ибораларни, хилма-хил, содда ва сермазмун терминларни топиш мумкин. Маҳмуд Қошғарий бу терминларни йиғиш учун кўп йиллар саёҳат қилган, ҳар бир ҳодисага, ҳар бир қабиланинг тилига эътибор берган.

Маҳмуд Қошғарий атмосферада, табиатда содир бўладиган ҳодисаларни диққат билан кузатган, уларнинг сабабларини тушунган, турли халқларнинг об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан билиш ва маълум

¹ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б. 105.

² Усмонов С. “Девону-луғотит турк” – айрим соҳа лексикасини ўрганишнинг манбаи // Адабий мерос. 1987. № 4 (42). – Б. 78.

аломатларга қараб об-ҳавони айтиб бериш тажрибасини ўрганган, ўзининг бу тўғридаги мулоҳазаларини айтган, изоҳлар берган¹.

“Девону луғотит турк” матнида ва харитасида юзлаб жойларнинг – мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, довон, денгиз, кўл, дарё ва бошқаларнинг номлари ёзилган, кўпчилигининг географик ўрни ва тарихи кўрсатилган ҳолида тасвирланган.

Харитадаги номларни уч гуруҳга ажратса бўлади: а) “Девон” матнида берилган лекин дунё харитасига киритилмаган номлар; б) асар матнида ҳам харитада ҳам берилган номлар; в) фақат харитада ёзилган номлар. Бу номларни алоҳида-алоҳида ўрганиш мумкин эмас (баъзи тадқиқотчиларнинг хатоси ҳам ана шунда), уларни бир-бирига солиштириб таҳлил қилишга тўғри келади, чунки матннинг ҳам хаританинг ҳам муаллифи бир кишининг ўзи; харитага ёзилган номларнинг аксарига матндан изоҳ берилган. Шунинг учун аввало харита ҳақида сўнгра ундаги номлар тўғрисида мулоҳаза юритиш лозим.

Китобга илова қилинган харита битта доирадан иборат бўлиб, ҳозирги шарқий яримшарга асосан тўғри келади. Хаританинг арабча босма нусхасининг диаметри 24 см, ўзбекча нусхасиники 18 см².

Қошғарий тузган дунё харитасига дастлаб немис шарқшуноси Иосиф Маркварт эътибор берган. У мазкур харитага ўз дўсти – картограф тарихчи Конрад Миллернинг диққатини жалб этади. К. Миллер билан араб тили мутахассиси Г. Генслер харитадаги анча қийин сўзларнинг маъноларини аниқлайдилар, биргаликда “Қошғарийнинг туркча дунё харитаси” сарлавҳали мақола ёзадилар. Лекин Миллер “Девон”нинг матнига, ундаги изоҳларга қарамаган экан, шу сабабли мақолада кўпгина чала мулоҳазалар айтилган. Доктор Карл Менч харитадаги географик номларни “девон” матнига солиштириб кўриб, бир қанча номларнинг ёзилишини аниқлади.

¹ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 120-123.

² Saidboboyev Z.A. Tarixiy geografiya. – Т.: Noshir, 2010. – Б. 70.

Нихоят, 1935 йилда шарқшунос Альберт Герман Қошғарий харитасини астойдил текшириб ва асарнинг матнига солиштириб “Қадимги туркча дунё харитаси” сарлавҳали мақола ёзди. А. Германнинг мақоласида Қошғарий харитаси тўғрисида жуда кўп маълумотлар берилган. Совет шарқшунослари И.И. Умняков билан А.Н. Бернштам, шунингдек, туркиялик муаллифлар ҳам харитадан фойдаланишган, харитадаги янги хусусиятлар, номаълум белгилар, номлар тўғрисида ўз мулоҳазаларини айтишган¹.

“Девону луғотит турк”нинг асл нусхасини тиклаш учун араб ва туркий тилларни яхши биладиган, турли туркий тилларга мансуб олимлардан иборат бир гуруҳ ташкил этиш зарур. “Девону луғотит турк” ва унинг муаммолари бўйича суҳбатлар, семинарлар, симпозиум ва илмий-амалий конференциялар ўтказиш лозим².

Маҳмуд Қошғарийнинг мазкур таълимотлари ўша давр туркий диалектларининг хусусиятлари ҳақида фикр юритишга, ёзма ёдгорликларда уларнинг қай даражада акс эттирилганлигини тадқиқ этишда, ҳозирги мавжуд туркий тилларнинг тарихий босқичларини аниқлашда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

XI асрнинг буюк турколог олими Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари туркий халқлар, шунингдек ўзбек халқи тарихида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё минтақасидан етишиб чиққан алломалар орасида Маҳмуд Қошғарий ҳам ўзига хос муносиб ўрин эгаллайди.

Олим узоқ йиллик илмий изланиши ва фаолияти давомида туркий халқлар тили ва тарихига оид шундай бир муфассал ва мукаммал асар яратдики, мазкур асар ҳозирги кунгача туркий халқлар тарихини ўрганишдаги энг муҳим манба бўлиб келмоқда.

¹ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 124.

² Абдурахмонов Ғ. “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. №6. – Б. 51.

Маҳмуд Қошғарий Ўрта Осиё ва яқин шарқнинг марказий шаҳарларида, илм масканларида таҳсил олиши унинг илмий фаолиятига асос бўлган. Нафақат Маҳмуд Қошғарий, балки кўплаб алломаларимиз, жумладан, Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий ҳам Бухоро, Самарқанд, Бағдод шаҳарларидаги мадрасаларда таҳсил олганлар ва ижод қилганлар.

Маҳмуд Қошғарийнинг бизгача сақланиб қолган асари, яъни “Девону луғотит турк” туркий халқларнинг тили, дини, давлат бошқаруви, урф-одати, яшаш тарзига оид маълумотлар ва мазкур халқлар яшаган минтақа географик харитаси жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Асарга илова қилинган дунё харитаси “Девону луғотит турк”нинг қадри ва қийматини янада оширади чунки унда картография фани соҳасига оид жуда муҳим маълумотлар мавжуд.

“Девону луғотит турк” оддий луғат китоби бўлмай, балки тилшунослик, тарих ва картография илми тараққиётига жуда катта хисса бўлиб қўшилган асардир.

Асарда туркий халқларнинг кундалик турмуш тарзи, хунармандчилик турлари ва маданий ҳаётга оид сўз ва атамалар келтирилган. Бу эса бизга ўша даврдаги маданий-маиший ҳаёт қай даражада тараққий этганлигини кўрсатади.

Шунингдек, давлат бошқарув тизими, даражавий унвонлар, табақалар, ҳарбий тактикасигача тасаввурга эга бўлиш мумкин.

II БОБ. “ДЕВОНУ-ЛУҒОТИТ ТУРК” АСАРИНИНГ АСОСИЙ НАШРЛАРИ ВА ТАРЖИМАЛАРИ

II. 1. “Девону-луғотит турк” нинг нашрлари хусусида

Жаҳон илм-фанининг нодир намуналаридан бири ҳисобланган, Ер юзининг катта ҳудудида яшаётган туркий уруғлар, қабилалар, халқлар ҳаёти ҳақида атрофлича маълумот берадиган Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону-луғотит турк” асари топилганига юз йил бўлди. Шу давр мобайнида асарнинг матни, турли тилларга қилинган таржималари бир неча марта чоп этилди. “Девон” хусусиятларини, Маҳмуд Қошғарий ҳаётини ўрганишга бағишланган юзлаб тадқиқотлар майдонга келди, диссертациялар ҳимоя қилинди, илмий тўпламлар, монографиялар нашр этилди, халқаро микёсдаги анжуманлар ўтказилди. Ушбу бебаҳо манба фанда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги тадқиқотчилар томонидан бир оғиздан эътироф этилмоқда.

“Девон” бўйича амалга оширилган ишларнинг кўлами қанчалик кенг, мавзулар ранг-баранг бўлмасин, бажариладиган асосий ишлар, илмий тадқиқотлар олдинда турибди. Шу боис ҳозиргача бажарилган ишлар рўйхатини тўплаб, кўрсаткич тузиш, қайси мавзуларда тадқиқотлар қилинганлигини аниқлаб олиш ва шу асосда кейинги истиқболли изланишлар мавзуларини ўрганишга эҳтиёж бор эди.

Бу борадаги дастлабки ишлар Туркияда XX асрнинг 60-йилларида амалга оширилган эди. “Девон”ни озарбайжон ва рус тилларига таржима қилган, асар бўйича муҳим тадқиқот ишларини олиб борган Рамиз Аскар Маҳмуд Қошғарий таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб “Маҳмуд Қошғарийнинг 1000 йиллик юбилейига 1000 библиографик кўрсаткич” номли асарини чоп эттирган. Олим кейинчалик мазкур кўрсаткични тўлдириб, қайта нашр қилди¹.

¹ Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va “Devonu lug'otit turk” bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – T.: Akademnashr, 2011. – B. 3.

Рамиз Аскарнинг кўрсаткичида озарбайжон, турк, ўзбек, уйғур, қозок, туркман, татар, бошқирд, тожик, форс, хитой, япон, рус, инглиз, немис, италян, венгер тилларида яратилган жами 1301 та адабиёт қайд этилган. Асар Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ва “Девону-луғотит турк” асари бўйича яратилган кўплаб тадқиқотларни камраб олган алоҳида нашр сифатида ҳам қимматлидир¹.

Ўзбек тадқиқотчи олимларидан Ж. Худойбердиевнинг “Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ва “Девону-луғотит турк” бўйича яратилган асарлар кўрсаткичи” номли библиографияси 2011 йилда “Академнашр” нашриётида босмадан чиқди.

Мазкур библиографик тадқиқотларда озарбайжон, турк, ўзбек, уйғур, қозок, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, татар, бошқирд, тожик, франсуз, форс, хитой, япон, рус, инглиз, немис, италян, украин, венгер тилларида яратилган жами 1779 та адабиёт, мақола ва илмий ишлар рўйхати қайд этилди.

Лекин Рамиз Аскарнинг кўрсаткичида келтирилган адабиётлар сонига қараб Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ва “Девон” бўйича ҳозиргача 1300 дан ортиқроқ асар яратилган 28 та адабиётгина қайд этилган, Ж. Худойбердиев тўплаган ишлар эса 309 тани ташкил этмоқда. Бундан ташқари турли илмий тўпламлар ёки даврий нашрларда ўзбек тилида “Девон” таҳлилига оид эълон қилинган, лекин Ж. Худойбердиев кўрмаган мақолалар ҳам мавжуд бўлиши табиий ҳол, албатта. Бундай фикрни “Девон” бўйича бошқа тилларда яратилган тадқиқотларга нисбатан ҳам айтиш мумкин².

Ж. Худойбердиев кўрсаткич тузишда Рамиз Аскарнинг библиографиясидан ижобий ва унумли фойдаланган. Ушбу кўрсаткич қуйидаги жиҳатлари билан Рамиз Аскарнинг библиографиясидан фарқланади:

¹ Rahmonov N., Sodiqov Q. O'zbek tili tarixi. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2009. – B. 162.

² Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va “Devonu lug'otit turk” bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – T.: Akademnashr, 2011. – B. 4.

1. Рамиз Аскарнинг библиографиясида Махмуд Қошғарий ҳаёти ва “Девону луғотит турк” асари хусусиятлари таҳлил этилмаган, бироқ ўша даврга оид материаллар тадқиқ этилган адабиётлар ҳам киритилган. Ж. Худойбердиев кўрсаткичида фақат Махмуд Қошғарий ҳаёти ва “Девону луғотит турк” асариға тегишли адабиётларгина берилган.

2. Рамиз Аскарнинг библиографиясида “Девон”нинг озарбайжонча таржимаси биринчи жилднинг 8 – 52-бетларида берилган “Махмуд Қошғарий ҳаёти ва “Девону луғотит турк” асари” номли мақола қисмларға ажратилиб, 9 та адабиёт шаклида қайд этилган.

Агар шу тамойилға асосланилса, кўрсаткичда Бесим Аталайнинг “Девону луғотит турк” ва таржимаси ҳақида қайдлар” номли мақоласи 18 та, Солиҳ Муталлибовнинг “ХІ асрнинг буюк филологлари ва уларнинг ноёб асарлари” номли мақоласи 6 та, “Девон”ни рус тилиға таржима қилган З. Авезованинг “Муқаддима”сини алоҳида-алоҳида 13 та адабиёт шаклида қайд этишға тўғри келарди. Ушбу кўрсаткичда бу каби ишлар яхлит бир асар шаклида қайд қилинди.

3. Рамиз Аскарнинг библиографиясида адабиётлар асосан лотин алифбосига асосланган озарбайжон ёзувида битилган, Ж. Худойбердиев кўрсаткичида эса манбалар асл ҳолида берилган. Нашр имкониятидан келиб чиқиб, уйғур, япон ва хитой тилларидаги ишлар Рамиз Аскарнинг библиографиясидек лотин алифбосида келтирилган.

4. Рамиз Аскарнинг библиографиясида жами 18 та тилдаги асарлар жой олган, Жўра Худойбердиев кўрсаткичида эса 21 та тилдаги адабиётлар киритилган.

5. Рамиз Аскарнинг библиографиясида 1301 та, Ж. Худойбердиев кўрсаткичида 1779 та асар берилган.

6. Рамиз Аскарнинг библиографиясида мақоласида “Девон”нинг топилиши, таржималари ҳақида қисқа тўхталиб, асосан, асарнинг Озарбайжонда ўрганилиши бўйича яхши маълумотлар берган. Жўра

Худойбердиев кўрсаткичидаги мақола эса, “Девон”нинг Ўзбекистонда ўрганилиши билан бирга, АҚШ, Германия, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Россия, Татаристон, Туркия, Туркменистон, Украина, Хитой, Эрон, Япония, шунингдек, Афғонистон, Арманистон, Венгрия, Голландия, Испания, Италия, Покистон, Сурия, Тожикистон, Франция, Ҳиндистон каби давлатларда амалга оширилган ишлар бўйича ҳам умумий маълумотлар берилган¹.

Кўрсаткичини нашр этишда масъул муҳаррир, профессор Ҳамидулла Дадабоев, Тошкент Давлат шарқшунослик институти профессори Қосимжон Содиков, тақризчилар доцент Қудрат Омонов ва доцент Зиёдулла Ҳамидовларнинг хизматлари катта.

“Девон”нинг Маҳмуд Қошғарий дастхати асосида Муҳаммад бинни Абу Бакр Дамашқий томонидан кўчирилган нусхаси XX аср бошларида Туркияда топилган. Шу нусха асосида Туркияда 1915-1917 йилларда “Девон”нинг уч жилдли нашри чоп этилди. Шу нашр негизида К. Брокельманн томонидан немис тилига таржима этилган “Девон” 1928 йилда Венгрияда босиб чиқарилди. 1939 йилда эса асар Бесим Аталай таржимасида Туркияда усмонли турк тилида эълон қилинди. Ниҳоят, 1960–1963 йилларда “Девон” ўзбек филолог олими Солиҳ Муталлибов таржимасида ўзбек тилида нашр этилди.

Турк тили қуруми бошлиғи Иброҳим Нажми Дилменнинг тавсияси билан асарни Бесим Аталай таржима қилади. Бу таржима 1939-1941 йиллар оралиғида Истанбулда нашр қилинган². Асарнинг биринчи жилдида И.Н. Дилменнинг сўзбошиси, Бесим Аталайнинг “Девону луғотит турк” ва таржимаси ҳақида қайдлар” номли мақолалари берилган. Бесим Аталай мақолада “Девон” муаллифи, асарнинг тузилган вақти, унинг асосида олиб

¹ Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va "Devonu lug'otit turk" bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – T.: Akademnashr, 2011. – B. 6.

² Махмуд ал-Кашгари. Диван лугат ат-Турк. Казахстанские востоковедные исследования. Перевод, предисловие и комментарии З. –А. М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 6.

борилган тадқиқотлар, турк тилига қилинган таржималар ва уларнинг камчиликлари каби масалаларга тўхталиб ўтган.

2005 йилда “Девон”нинг турк тилига Сечкин Эрди ва Серап Тугба Юртсеварлар қилган таржималари чоп этилди. Бир жилд шаклида нашр этилган китоб икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида бош сўзлар лотин алифбоси тартибида, иккинчи қисмида эса сўзларнинг маънолари, намуна сифатида берилган изоҳлар ва шу каби маълумотлар келтирилган¹.

“Девону луғотит турк”нинг С. Муталлибов таржима қилган ва тайёрлаган ўзбекча нашрлари қуйидагича:

“Туркий сўзлар девони” (“Девону луғотит турк”), I том, Тошкент, ЎзФанашир, 1960, жами 500 бет, тиражи уч минг нусха. С. Муталлибовнинг “XI асрнинг буюк филологлари ва уларнинг ноёб асарлари” сарлавҳали муқаддимаси (7 – 39-бетлар), “Девону луғотит турк” тексти (41 – 482-бетлар), изоҳлар (483 – 499-бетлар, буни ҳам С. Муталлибов ёзган). Масъул муҳаррир Ғ.А. Абдурахмонов.

“Девону-луғотит турк”, II том, Тошкент, ЎзФанашир, 1961, жами 428 бет, С. Муталлибовнинг “Сўзбоши”си (5 – 7-бетлар), “Девон” тексти (9 – 42-бетлар), яна С. Муталлибов ёзган “Девон”да қабилалар масаласи” сарлавҳали изоҳлари (422 – 427-бетлар) бор.

“Девону-луғотит турк”, III том, 1963, Тошкент, ЎзФанашир, 464-бет.

“Девон”нинг ўзбекча таржимаси тўғрисида матбуотимизда бир қанча ижобий тақризлар босилди (профессор У.Т. Турсунов, “Ўзбек тили ва адабиёти масалалари”, № 3, 1961, 67 – 69-бетлар; К. Шониёзов, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, № 3, 1961, 72 – 73 бетлар ва бошқалар)².

Асарнинг рус тилига тўла таржимаси биринчи марта ўзбек олими Алибек Рустамов томонидан амалга оширилди. Олим “Девон”ни Истанбулдаги Миллат кутубхонасида сақланаётган қўлёзма фотонусхаси

¹ Hudoyberdiyev J. Jahon turkologiyasi shoh asarining tarjimalari // Ilmiy xabarnoma, ADU, 2010. № 4. – Б. 85.

² Ҳасанов Ҳ. Махмуд Кошғарий. – Т., 1963. – Б. 21.

асосида таржима қилган. Шунингдек, А. Рустамов таржима жараёнида Аҳмед Рифат нашридан, ўзбек тилидаги Солиҳ Муталлибов, турк тилидаги Бесим Аталай, немис тилидаги Карл Брокельманн, озарбайжон тилидаги таржималардан ҳам унумли фойдаланган. Аҳмед Рифат томонидан тушириб қолдирилган сўзлар, баъзи сўзларнинг ўқилишида йўл қўйилган хатоликларни аниқлаган. Бироқ, “Девон”нинг Алибек Рустамов томонидан бажарилган русча таржимаси узоқ йиллар давомида нашр қилинмади.

2010 йилда русча таржиманинг биринчи жилди Москвадаги “Восточная литература” нашриётида И.В. Кормушиннинг таҳрири остида чоп этилган. Биринчи жилднинг 15-20 бетларида И.В. Кормушин томонидан ёзилган “Сўзбоши”, яна унинг томонидан ёзилган “Кириш” (21-52 бетлар) берилган¹.

И.В. Кормушиннинг ёзишича, собиқ Иттифок Фанлар академияси “Девон”нинг русча таржимасига раҳбарлик қилишни академик А.Н. Кононовга топширган. Шунингдек, таҳрир ҳайъатида профессор Н.А. Баскаков, профессор В.В. Рештов, “Наука” нашриётининг таҳририят мудирин С.С. Селникер, мазкур нашриёт таҳрирчиси Е.А. Подцелуевский бўлган. Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Миллат кутубхонасида сақланаётган “Девон” қўлёзмасининг оқ-қора микрофильми асосида таржима қилиш таниқли ўзбек олими Алибек Рустамовга топширилган. 1979 йилда таржима тугалланиб, “Наука” нашриётининг шарқ адабиётлари таҳририятига чоп этиш учун топширилган. Таржима қўлёзмаси 1215 бет бўлиб, бошида Алибек Рустамовнинг “Таржимондан” деган сўзбошиси, А.Н. Кононовнинг кириш мақоласи берилган. 1980 йилда Е.А. Подцелуевскийнинг қўлёзмани чоп этиш ҳақидаги ички тақризи олинган.

2006 йилда “Девон”нинг рус тилидаги учинчи тўла таржимасини Рамиз Аскар амалга оширган. 4-жилд ҳолидаги ушбу таржима Камол Абдуллох таҳриридан чиққан².

¹ Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va "Devonu lug'otit turk" bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – T.: Akademnashr, 2011. – B. 10.

² Юкоридаги асар. - Б. 23.

Ўзбек адабиётшуноси Н.М. Маллаев “Девону-луғотит турк”нинг ўзбек адабиёти тарихидаги муҳим ўрнини ўзининг “Ўзбек адабиёти тарихи” номли дарслигида (олий ўқув юртлари учун) бирмунча ёритди¹.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ёшлар орасида ҳам Маҳмуд Қошғарийнинг ижодида кизиқиш катта. Фанлар академияси ва олий ўқув юртларида “Девон” асосида бир қанча номзодлик диссертациялари, малакавий ишлар ва турли илмий текширишлар олиб борилмоқда.

“Девону-луғотит турк”нинг бизгача етиб келган ягона нусхаси дамашқлик котиб Муҳаммад бинни Абу Бакр Аблифатҳ томонидан 664 (1265-1266) йилнинг август ойида кўчирилган. Котиб “Девон”ни Маҳмуд Қошғарийнинг ўз қўли билан ёзилган нусхасидан кўчириб ёзганини айтади².

“Девону-луғотит турк”нинг асосий қисмида олти мингдан зиёд сўзлар саккиз бўлимда изоҳланади. Ўша даврдаги таомилига кўра, туркий сўзларга арабча изоҳ берилади. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Қошғарий: “тушунилиши осон бўлиши учун асарда арабча истилоҳлар қўлладим”³, – дейди.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону-луғотит турк” асари ўша даврдаги туркий тилларнинг ҳолатини белгилашда тилшунослик илмига қўшилган муҳим ҳиссадир. Бу асар Ўрта Осиё халқлари тилларининг, шу жумладан ўзбек тилининг ташкил топишида асос бўлган қабилаларни аниқлаш учун ёрдам берувчи муҳим манба бўлиб хизмат қилади⁴.

Солиҳ Муталлибов миллионлаб туркий халқлар ичида турк олими Бесим Аталайдан кейин иккинчи бўлиб бу туркий-арабий луғатни ўзбек тилига таржима қилиб, нашр этишга муваффақ бўлди. “Девон” собиқ Иттифок туркий халқлари ичида фақатгина ўзбек тилида 1960–1963 йилларда нашр этилди.

¹ Ҳасанов Х. Маҳмуд Қошғарий. – Т., 1963. – Б. 22.

² Фозилов Э. Маҳмуд Қошғарий ва унинг девони // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. № 5. – Б. 35-36.

³ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк // 1-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С. – Т., 1960. – Б. 45.

⁴ Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 67.

Маҳмуд Қошғарий бундан минг йил аввал “Девону-луғотит турк” асари охирида шундай ёзган эканлар: “Энди китоб узоқ замонларга қадар кенг тарқалсин, адабий ёдгорлик бўлсин. Абадий мактов Аллоҳга, ниҳоясиз яхшилик унинг пайғамбарига ва бутун авлодларига бўлсин”. Алломанинг нияти холис экан. У ўз орзусига эришди, унинг асари ҳамма туркий халқлар учун абадий ёдгорлик бўлиб қолади¹.

XX аср бошларида туркий тилларнинг қиёсий луғатини тузишда В. В. Радловнинг (1837–1918) роли каттадир. Қадимги ёдномаларни нашр қилиш ва тил тарихи ҳамда ҳозирги туркий тилларни ўрганишда Н. Ф. Катанов, П.М. Мелиоранский, С. Э. Маловлар катта хизмат қилдилар.

Туркий тилларни ўрганиш асосан умумий ҳарактерда бўлиб, конкрет туркий тиллар устида илмий иш олиб бориш камдан-кам амалга оширилган. Ҳозирги ўзбек тили ҳам алоҳида илмий текшириш объекти бўлмай, бу тил практик мақсадларда ўрганилди, холос (В.П. Наливкин. Руководство к практическому изучению сартовского языка, Самарканд, 1898; Н.П. Остроумов. Этимология сартовского языка, Ташкент, 1910).

Дунёнинг бир қатор давлатларида Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону-луғотит турк” асари таржима қилиниб, нашр этилган.

Асарнинг инглиз тилидаги таржимаси 1982 – 1985 йилларда Гарвард университетида уч жилдда нашр этилган. Уни инглиз олимлари Роберт Денкофф ва Жимз Маккалилар таржима қилган². Инглиз тилидаги таржима Шинаси Текин ва Гўнул Алпайларнинг таҳриридан чиққан. Биринчи жилддаги сўзбошида асар ҳақида қўшимча маълумотлар берилган. Таржиманинг биринчи жилди ХI+417 бет, 2-жилди III+831 бет, 3-жилди 337 бетдан иборат, тиражи кўрсатилмаган. Дж. Клоусон “Девон” асосида қадимги туркий тил луғатини тузди. Ж. Келининг қатор мақолалари эълон

¹ Ғофуров Ғ. Шарқ жавоҳирлари. –Т.: Маънавият, 2000. – Б. 41.

² Маҳмуд ал-Кашғари. Диван лугат ат-Турк. Казахстанские востоковедные исследования. Перевод, предисловие и комментарии З. –А. М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 11.

қилинди. “Девон” тили билан боғлиқ мақолалар инглиз тилига таржима қилиниб, чоп этилди¹.

1996 йилда Муҳаммад Дабир Сиёқий томонидан қилинган “Девон”нинг форс тилидаги таржимаси Техронда чоп этилган. Таржимада К. Брокельманн ва Д. Дилчин тадқиқотдан фойдаланилган. Улардаги камчиликлар таржимада ҳам айнан акс этган. Муҳаммад Дабир Сиёқий томонидан ҳам катор камчиликларга йўл қўйилган. Шу боис таржимадан юзлаб тушунарсиз сўзлар ўрин олган.

2005 йилда Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқ “Девон”нинг форс тилидаги янги таржимасини 2500 ададда Табризда нашр эттирди. Ушбу нашр бир жилд, 628 бетдан иборат. Китоб мундарижа, таржимон сўзбошиси, матн (97 – 623), таржимоннинг туркча ва лотин ёзувидаги икки бетли қисқа сўздан ташкил топган. Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқ 53 саҳифалик сўзбошида “Девон”нинг муаллифи, туғилиб ўсган жойи ва қабри, асар ёзилган вақт, нашрлари ва таржималари, олимларнинг асар ҳақидаги энг муҳим тадқиқотлари борасида фикр билдирган².

Маҳмуд Қошғарий асарининг немис тилига қилинган таржимасини Карл Брокельманн амалга оширган ва 1928 йилда бир жилд ҳолида Лейпсиг шаҳрида нашр эттирган. Ушбу нашр VI+252 саҳифадан иборат бўлиб, тиражи ва муҳаррири кўрсатилмаган. Ишда “Девон” тўлалигича немис тилига нашр қилинмаган, туркий сўзларнинг транскрипцияси ва немисча таржимаси берилган. Бу таржима ғарб олимлари ўртасида асарга бўлган қизиқишни кучайтирди, қадимги туркий тил хусусиятларини ўрганишга бағишланган катор тадқиқотлар яратилишига замин ҳозирлади.

Асғар Агабоевнинг қозоқ тилидаги таржимаси Алматида босилиб чиққан. Унга Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев

¹ Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va "Devonu lug'otit turk" bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – T.: Akademnashr, 2011. – B. 18.

² Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 112.

сўзбоши ёзган. Таржиманинг 1-жилди (592 бет), 2-жилди (528 бет) 1987 йилда, 3-жилди (600 бет) 1998 йилда 3000 нусхада нашр этилган¹.

Татар олими Х. Маҳмудов “Девон”даги мақоллар сони, уларнинг мавзулар бўйича таснифланиши, татар тилидаги эквиваленти каби масалаларни атрофлича тадқиқ қилган. Асардаги мақолларни татар тилига таржима қилиб, нашр эттирган. Бошқа татар олимлари ҳам “Девон” материалларини ўрганишган.

Маҳмуд Қошғарий фаолияти, “Девон”да акс этган тарих, тил, адабиёт, маданият, география, фалсафа ва бошқа масалаларни ўрганиш борасида турк олимларининг алоҳида ўрни бор. Туркияда Маҳмуд Қошғарийга, “Девон”га бағишланган алоҳида нашрлар, илмий тўпламлар, журналлар чоп этилган².

“Девон” Туркияда бир неча марта нашр қилиниб, “Девон”ни ўрганишга бағишланган хорижлик олимларнинг кўплаб тадқиқотлари турк тилига таржима этилган.

Туркияда Маҳмуд Қошғарий фаолияти ва “Девону луғотит турк”нинг ўрганилишга оид халқаро анжуманлар мунтазам ўтказиб келинмоқда³.

“Девон”нинг уйғурча таржимасини нашр этиш бўйича Амин Турсун, Иброҳим Мутий, Аҳмад Зиё, Бурхон Шоҳидий, Юсуфбек Мухлисовлардан иборат ҳайъат тузилган. 1957 йилда Шинжон Уйғур Автоном Республикаси (ХХР) Маданият вазирлиги таржимани нашр қилиш учун маблағ ажратади ва Пекингга юборади. “Миллатчиларга қарши кураш” даврида таржима кўёзмаси ўтда ёқилади. Аҳмад Зиё 20 йилга қамалиб, унинг оиласи узоқ қишлоқларнинг бирига сургун қилинган.

1963 – 1966 йилларда Хитой Фанлар академияси Шинжон филиали мудири ёрдамчиси Сайроний ҳам асарнинг уйғур тилидаги тўртинчи

¹ Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va "Devonu lug'otit turk" bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – T.: Akademnashr, 2011. – B. 24.

² Абдурахмонов Ғ. “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2009. №6 – Б. 51.

³ Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va "Devonu lug'otit turk" bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – T.: Akademnashr, 2011. – B. 30.

таржимасини амалга оширган. Бу таржима ҳам чоп этилмаган, “маданий инқилоб” компаниясининг қурбони бўлиб, ўтда ёқилган.

1981–1984 йилларда “Девон”нинг уйғурча таржимасини Урумчида Шинжон халқи нашриёти ўн минг нусхада босиб чиқарди. Уни нашрга Абдусалом Аббос (1 – 3-жилдлар), Абдурахим Ўткир (1 – 3-жилдлар), Абдурахим Ҳабибулла (1-жилд), Абдурашид Карим Собит (2 – 3-жилдлар), Халил Солиҳ (1 – 3-жилдлар), Хўжа Нур Хўжа (1-жилд), Усмон Маматниёз (1 – 3-жилдлар), Сабит Рўзи (1 – 3-жилдлар), Иброҳим Мутий (масъул муҳаррир 1 – 3-жилдлар), Эмин Турсун (муҳаррир 1 – 3-жилдлар) ва Мирсултон Усмоновлар (1 – 3-жилдлар, 2 – 3-жилдларни таҳрир қилган) тайёрлашган. Нашрда асарнинг таржимони кўрсатилмаган.

Ушбу нашрнинг биринчи жилдида “Машҳур уйғур олими Маҳмуд Қошғарий ва унинг “Туркий тиллар луғати” асари” номли мақола берилган. Кейин уйғурча таржимага шарҳ ва изоҳлар, тўртта бетдан “Девон” кўлёмасининг фотонусхаси жой олган. 1 – 688 бетларда “Девон”нинг таржимаси берилган¹.

Шунингдек, Испания, Нидерландия, Покистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Сурия, Тожикистон, Арманистон, Франция, Венгрия, Италия каби давлатларда ҳам ҳозирда “Девон” бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

II. 2. Асарнинг таржималари

Бизга етиб келган маданий ёдгорликлар орасида “Девону луғотит турк” асари жуда кўп муаммоларни биринчи марта кўтарганлиги, қадимийлиги билангина эмас, фактларни изоҳлаш усули билан ҳам тенгсиздир. Чунончи, “Девон” сўзлари изоҳида тарихий тамойилга амал қилинган. Шунинг учун унда фақат ўз давр сўзларгина эмас, балки у сўзларнинг аввалги ҳоллари,

¹Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg‘ariy hayoti va “Devonu lug‘otit turk” bo‘yicha yaratilgan asarlar ko‘rsatkichi. – T.: Akademnashr, 2011. – B. 33.

улар тараққиётида юз берган ўғаришлар ҳам кенг изоҳланган. Сўзлар ҳақида бу хил маълумотларни бошқа бирор асарда учратиш мумкин эмас. Бинобарин, ҳаммадан олдин у асарни ўрганиш тилчилар учун ҳам, тарихчилар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

“Девон”да туркий сўзлар араб тилида изоҳланган. Шунинг учун бу асарни ўрганишда дастлаб уни таржима қилиш масаласи биринчи вазифа бўлиб турарди.

“Девон”нинг Истанбулдан топилган қўлёзмаси асосида “Девон”нинг биринчи (436 бет), иккинчи (249 бет) жилдлари ҳижрий 1333 (милодий 1915) йилда, учинчи жилди (333 бет) эса ҳижрий 1335 (милодий 1917) йилда Истанбулда К. Рифат томонидан чоп этилган¹. Шундан кейин асар ҳақидаги дастлабки тадқиқотлар, “Девон”даги айрим парчаларнинг нашри, кейинчалик эса ўзбек, турк, уйғур, озарбайжон, қозок, инглиз, немис, хитой, рус ва форс тилларига қилинган таржималари юзага келди. Асардаги мақоллар татар, қорақалпоқ, жой номлари билан боғлиқ қисмлари япон тилига, шунингдек айрим парчалар қирғиз тилига ўғирилди. “Девон” бўйича олиб борилган тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилган ушбу таржималар ҳақида маълумот берувчи ишлар юзага келган бўлса-да, уларда таржималарнинг барчаси қамраб олинмаган².

“Девон” таржимасига олимлар жуда илгарилар киришганлар. Дастлаб бу масалани Брислав дорулфунунининг мударриси Карл Брокельманн бошлаб берган. У ўзининг маърузаларига ҳозирлик жараёнида айрим сўзларни немис тилига таржима қилиб берган. Ниҳоят, у сўзларни алифбо тартибига солиб бостирган. Унинг бу иши илм оламида биринчи марта

¹ Махмуд ал-Кашғари. Диван лугат ат-Турк. Казахстанские востоковедные исследования. Перевод, предисловие и комментарии З. –А. М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 6.

² Hudoyberdiyev J. Jahon turkalogiyasi shoh asarining tarjimalari // ADU. Ilmiy xabarnoma, 2010. № 4. – 84.

“Девон” билан танишиш учун ёрдамчи манба сифатида, ўзига хос кўрсаткич сифатида ўрин олган¹.

“Девон” турк тилига бир неча марта таржима қилинган. Асарнинг дастлабки туркча таржимони Али Амирийнинг шогирдларидан, асарнинг биринчи ношири Килисли Рифъат ҳисобланади. У 22 дафтардаги таржима матнини маъориф вазирлигига топширган.

Кейинчалик Буюк Миллат Мажлиси кўрсатмаси билан Самих Рифатбей ва шоир Меҳмет Акифлар асарни таржима қилишга жалб қилинган. Буларга Килисли Рифъат таржимаси ҳам юборилган. Қандайдир сабабларга кўра бу иш охирига етказилмаган.

Кейинроқ, турк тили қуруми бошлиғи Иброҳим Нажмий Дилменнинг тавсияси билан асарни Бесим Аталай таржима қилади. Бу таржима 1939–1941 йиллар оралиғида Истанбулда нашр қилинган. Асарнинг биринчи жилдида И.Н. Дилменнинг сўз бошиси, Бесим Аталайнинг “Девону луғотит турк” ва таржима ҳақида қайдлар” номли мақоласи берилган. Бесим Аталай мақолада “Девон” муаллифи, асарнинг тузилган вақти, у асосида олиб борилган тадқиқотлар, турк тилига қилинган таржималар ҳамда уларнинг камчиликлари каби масалаларга тўхталиб ўтган.

“Девон”нинг таржимаси устида турк олимлари ҳам катта ташаббус кўрсатганлар. Бесим Аталайнинг маълумотига кўра, “Девон” таржимасига дастлаб Келесли Рифъат бошчилигидаги жамоа қўл урган. Лекин улар таржимасини маориф нозирлиги қабул қилмаган. Сўнгра маориф нозирлиги бу ишни тилшунос олим, дорилфунун мударриси Бесим Аталайга топширган. Бесим Аталай бу таржималар ҳақида, буларнинг қабул қилинмаслик сабаблари ҳақида кенг маълумот берган. У бу ишни тамоман қайтадан ишлаб охирига етказган.

Шунча таржималарнинг муваффақиятсиз чиқиши “Девон”нинг ниҳиятда нозиклиги билан боғлиқ эди. Ахир унда бутун Ўрта Осиё

¹ Муталлибов С. “Девону луғотит турк” ва унинг таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971. № 5.– Б. 41.

доирасида ХІ асргача яшаб келган барча туркий халқлар тилларида қўлланиб келинган сўзлар, уларнинг ясалиши, турли қабилаларда турлича қўлланиши, сўзларда юзага келган турли хил ўзгаришлар баён қилиб борилган. Бошқача қилиб айтганда, “Девон”да сўзларнинг луғат маъноси изоҳланган ва у сўзларнинг ясалишига доир маълумотлар берила борган¹.

“Девон”ни турк тилига таржима қилганлардан яна бири кониялик Атифбейдир. Унинг таржимаси 7 дафтарда ёзилган, умумий ҳажми 943 саҳифадир. Ушбу таржима Килисли Рифат ва Тевфик Демирўғлининг таржималаридан ўзининг сифати билан ажралиб туради².

Бесим Аталай 1943 йилда асарнинг индексини чоп эттирган. Унинг учинчи бетида Бесим Аталайнинг сўз бошиси, 5-11 бетларда асар қўлёзмаси, босма ва таржима нусхалари бетларининг қиёсий жалвали, 13-40 бетларда тузатишлар берилган. 1-866 бетларда асарнинг индекси жой олган³.

“Девону луғотит турк” асарига, унинг ўзбекча таржимасига қизиқиш ниҳоятда катта эди. Сабаби аён: туркий халқлар ишлатган саккиз минг сўз ва унинг маъноси, фольклор, адабиёт ва бошқа соҳага оид маълумотлар Маҳмуд Қошғарий томонидан бевосита қишлоқма-қишлоқ, овулма-овул юриб ёзиб олинган эди. Бевосита кузатув асосида ёзилган бу асарни ўқишга илмий ишларида истифода этишга олимлар муштоқ эдилар. Ҳар бир туркий халқ ўз тарихи, тили, адабиётини бу асарсиз ўрганиб бўлмаслигини олимлар яхши тушунар эдилар. Девон ўзбек тили, адабиёти, тарихи ва умуман маданияти учун ҳам қимматли манба ҳисобланади⁴.

“Девону луғотит турк” асарининг ўзбекча таржималари ҳақида тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистонда “Девон”ни таржима қилишга дастлаб

¹ Муталлибов С. “Девону луғотит турк” ва унинг таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971. № 5. – Б. 41.

² J.Hudoyberdiyev Jahon turkalogiyasi shoh asarining tarjimalari // ADU. Ilmiy xabarnoma, 2010. №4 – Б. 85.

³ Худойбердиев Ж. Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ва унинг “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши. – Т., 2010. – Б. 12.

⁴ Ғофуров Ғ. Шарқ жавоҳирлари. –Т.: Маънавият, 2000. – Б. 40.

Абдурауф Фитрат киришган. У асардаги бир канча шеърӣй парчаларни ўзбекчага уйғунлаштирган.

XX асрнинг 40-йиллари бошларида “Девон”ни ўзбек тилига таржима этиш устида Солиҳ Муталлибов ишлай бошлайди. Олимнинг таржимаси 1960–1963 йиллар орасида Тошкентда, “Фан” нашриётида чоп этилди.

Асарнинг биринчи жилдида С. Муталлибовнинг “XI асрнинг буюк филологлари ва уларнинг ноёб асарлари” номли катта ҳажмли мақоласи берилган. Унда “Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг дидактик асари “Қутадғу билиг” ҳақида”, “XI асрнинг улуғ тилшунос олими Маҳмуд Қошғарий”, “XI асрнинг қимматли ёзма ёдгорлиги “Девону луғотит турк”, “Девону луғотит турк”нинг ўзбек тилига муносабати масаласи, “Девон” таржимаси ва транскрипцияси ҳақида” каби масалалар таҳлил қилинган. Кейин “Девон”нинг муқаддимаси, луғат, қабил ва шаҳарлар ҳақидаги изоҳлар келган.

Иккинчи жилдида С. Муталлибовнинг “Сўзбоши ўрнида” номли мақоласи, сўнг луғат, жилднинг охирида эса “Девон”да қабилалар масаласи”, “Жикил қабиласи”, “Тот” мақолалари жой олган.

“Девон”нинг учинчи жилдида “Бир неча сўз”, луғат, охирида “Изоҳлар”, “Қабилалар ҳақида”ги маълумотлар келтирилган.

Таржимада 7217 та (1-жилдда 3293 та, 2-жилдда 1497 та, 3-жилдда 2427 та) сўз ва қўшимчалар бош мақолача сифатида ажратиб кўрсатилган ва уларнинг айримларига ўрни билан таржимон томонидан 887 та (1-жилдда 292 та, 2-жилдда 260 та, 3-жилдда 335 та) изоҳ берилган¹.

“Девон”нинг ўзбек тилидаги таржимаси мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

“Девон”ни озарбайжон тилига таржима қилган Рамиз Аскар С. Муталлибов таржимасининг аҳамияти ва сифати ҳақида шундай ёзаган: “Асар олимлар ва кенг китобхонлар томонидан катта рағбат кўрди, узок йиллар давомида совет туркологлари орасида ягона манба бўлиб хизмат

¹ Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va “Devonu lug'otit turk” bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – T.: Akademyashr, 2011. – B. 8.

килди, охирги жилди 40 йил олдин нашр қилинганига қарамасдан, бу таржима хануз “Девону луғотит турк”нинг энг гўзал таржималаридан бири бўлиб қолмоқда”¹.

С. Муталлибов Ғ. Абдурахмонов билан биргаликда “Девон”нинг индекс-луғатини тузиб, 1967 йилда нашр эттирган.

“Девону луғотит турк” асарини рус тадқиқотчиларидан С.Е. Малов 1926 йилда “Девон”даги шеърӣй парчалардан рус тилига таржима қилиб, ўзининг Тошкентда нашр этилган “Образцы древнетюрцской письменности с предисловием и словарем” номли мажмуасида чоп эттирган. “Памятники древнетюркской письменности” асарида эса “Девон”дан таржима қилинган парчаларга кўп жой ажратган². И.В. Стеблева “Девон”даги шеърӣй асарлар танқидий матни билан бирга, уларнинг таржимасини эълон қилган. “Девон”дан рус тилига таржима қилинган кичик парчаларни бошқа ишларда ҳам кўриш мумкин.

Асарнинг рус тилига тўла таржимаси биринчи марта ўзбек олими А. Рустамов томонидан амалга оширилди. Олим “Девон”ни Истанбулдаги Миллат кутубхонасида сақланаётган кўлёзма фотонусхаси асосида таржима қилган. Шунингдек, А. Рустамов таржима жараёнида Аҳмед Рифат нашридан, ўзбек тилидаги С. Муталлибов, турк тилидаги Б. Аталай, немис тилидаги К. Брокельманн, озарбайжон тилидаги таржималардан ҳам унумли фойдаланган.

1970-йилларнинг бошида А.Н. Кононов ва А. Рустамовнинг эълон қилинган мақолаларида “Девон”нинг русча таржимаси тугаллангани, яқин икки-уч йилда чоп этилиши ҳақида маълумот берилган³.

Бироқ, “Девон”нинг А. Рустамов томонидан бажарилган русча таржимаси нашр қилинмаган.

¹ Hudoyberdiyev J. Jahon turkalogiyasi shoh asarining tarjimalari // ADU. Ilmiy xabarnoma, 2010. № 4. – Б. 86.

² Махмуд ал-Кашғари. Диван лугат ат-Турк. Казахстанские востоковедные исследования. Перевод, предисловие и комментарии З. –А. М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С. 9.

³ Муталлибов С. “Девону луғотит турк” ва унинг таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Т., 1971. – Б. 41.

1980-йилларнинг бошида “Девон”нинг уйғурча ва инглизча таржимаси чоп этилган. Луғатнинг инглизча таржимасида анчагина сўзларнинг ёзилишига таҳрир киритилган. Асарнинг русча таржимаси кўлёмасини инглиз тилидаги таржима билан солиштириб чиқиш ва шу асосда таҳрир қилиш И.В. Кормушин ва Й.А. Поцелуевскийга топширилади. Бу иш 1990-йилгача чўзилади. 1990-йиллардаги иқтисодий, сиёсий жараёнлар “Девон”нинг русча таржимасининг чоп этилишини янада орқага сурган¹.

“Девон”нинг рус тилидаги иккинчи тўла таржимаси З.А. Авезова томонидан бажарилган ва 2005 йилда индекси билан бирга Алматида чоп этилган².

Таржима учун И.Н. Тасмагаметов (раис), М.Х. Абусеитова (раис ўринбосари), Й.Г. Баранова, Б.А. Казгулов, Б.Е. Кумеков, А.К. Мўминов, К.Т. Толипов (Қозоғистон), Р.Г. Мукминова (Ўзбекистон), С.Г. Кляшторний (Россия), А.М. Хазанов (АҚШ), В. Фурно (Франция) каби олимлардан иборат таҳрир ҳайъати тузилган.

“Девон” матни таржимасидан олдин 3 – 5-бетларда кириш, 6 – 50-бетларда муқаддима берилган. З.А. Авезова муқаддимада “Девон”нинг нашрлари, XX асрдаги тадқиқотлар, “Девон” кўлёмасининг тақдири, “Девон” тузишдан мақсад, “Девон” муаллифи, “Девон” тузилган давр, Маҳмуд Қошғарий талқинидаги туркийлар образи, Маҳмуд Қошғарий туркий тилли халқлар ҳақида, “Девон”да туркийларнинг исломни қабул қилиши ҳақида, туркийлар ва эронийлар алоқасининг акс этиши ва бошқа масалаларга тўхталиб ўтган.

Таржимада 6727 та сўз ва қўшимчалар бош мақолача сифатида ажратиб кўрсатилган ва уларнинг айримларига таржимон томонидан 213 та изоҳ берилган.

¹ Hudoyberdiyev J. Jahon turkalogiyasi shoh asarining tarjimalari // ADU. Ilmiy xabarnoma, 2010. № 4. – Б. 86.

² Худойбердиев Ж. Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ва унинг “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши. – Т., 2010. – Б. 14.

Таржимада бош сўзларнинг, изоҳларининг араб алифбосидаги асл матни ва транскрипцияси берилмаган.

Қозоқ олимлари Маҳмуд Қошғарий ҳаёти, “Девон”нинг ўрганилиш тарихи, асарда Қозоғистон ҳудудида яшаган қавмлар ҳақидаги маълумотларнинг акс этиши, тарихий-географик маълумотлар каби масалалар устида иш олиб борганлар. В.У. Махпиров “Девон”га оид номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган¹.

2006 йилда “Девон”нинг рус тилидаги учинчи тўла таржимасини Рамиз Аскар амалга оширган. 4-жилд ҳолидаги ушбу таржима Камол Абдуллох таҳриридан чиққан².

Айниқса, Рамиз Аскарнинг “Девон”ни озарбайжон ва рус тилига қилган таржималари ҳамда асар бўйича амалга оширган тадқиқотлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарини озарбайжон тилига таржима қилиш бўйича XX асрнинг 30-йиллари ўрталарида Х.С. Хожаев раҳбарлигида ҳайъат тузилиб, таржима 1935 йилда бошланиб, 1937 йилгача тугатилган ҳамда шу йили С.Е. Малов ва А.Н. Кононовлар томонидан таҳрир қилинган. Ушбу таржима қўлёзмаси ҳозирда Озарбайжон Миллий Фанлар академияси Тилшунослик институтида сақланмоқда³.

“Девон”нинг озарбайжон тилига қилинган таржимаси хусусида асарнинг туркча таржимони Бесим Аталай алоҳида тўхталган. У бу таржиманинг камчиликлари сифатида шуларни кўрсатган: “Лотин ҳарфлари билан ёзилган ушбу намуналарнинг ёзилишида хато бўлганлиги кўринмоқда. Сўзлар ҳоқония туркчасида – эски қошғар тилида ёзилиш ўрнига бугунги Туркистон шаҳри аҳолисининг жонли сўзлашув тилига мослаб ёзилган”⁴. Лекин унда кўплаб жузъий камчиликлар бўлган, шу сабабдан 60-йилларда

¹Махпиров В.У. Собственные имена в памятнике XI в. «Дивану лугат-ит-турк» Махмуда Кашгарского. АҚД. – Алма-Ата, 1980. – С. 26.

²Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va “Devonu lug‘otit turk” bo‘yicha yaratilgan asarlar ko‘rsatkichi. – T.: Akademnashr, 2011. – B. 23.

³Фозилов Э. Маҳмуд Қошғарий ва унинг девони // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Т., 1971. – Б. 38.

⁴Дадабоев Х. “Девону луғотит турк”даги туркий тилларга хос фонетик ва лексик-семантик хусусиятлар ҳақида // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. – Т., 2008. – Б. 8.

мазкур таржимани такомиллаштириш устида А. Демирчизода, А. Жафар ва Ж. Эфендиевлар иш олиб борганлар. Таржима якунланиб нашрга топширилган.

“Девон”ни озарбайжон тилига Рамз Эскер қайта таржима қилиб, 2006 йилда Бакуда тўрт жилд ҳолида чоп эттирган. Биринчи ҳамда учинчи жилдларида “Девон”, тўртинчи жилдда эса асарнинг индекси берилган.

Таржимоннинг қайд этишича, Бесим Аталай, С.Муталлибов, форсча, уйғурча, хитойча таржималар, асарнинг қўлёзмаси ва босма нусхасидаги сўзлар қиёслаб чиқилган, имло, сўз маъноси ва таржималардаги фарқлар изоҳланган¹.

1-жилдда муқаддима, ҳар бир жилдда сўз боши, изоҳлар берилган. 2-жилднинг охирида “Девон”нинг қисқача грамматикаси, 3-жилдда эса асарнинг манбаси ҳақида маълумот келтирилган. Таржима Тевфик Хўжаев таҳриридан чиққан.

“Девон”нинг уйғурча таржимасига биринчи маротаба 1946 йилда Қошқарли Исмоил домулла киришган. У асарнинг биринчи жилдини таржима қилганидан кейин вафот этган. 1953–1954 йилларда ака-ука Муҳаммад Файзий ва Аҳмад Зиёлар асарнинг уч жилдини уйғур тилига таржима қилишган. Аҳмад Зиё ва бошқа уйғур зиёлилари маочилар томонидан қатағон қилинган, Аҳмад Зиё қамалган. У озодликка чиққандан сўнг таржимани якунлаб, Қошғар губернатори Сайдуллаевга тақдим этган. Аҳмад Зиё таржимаси 1956 йилда Урумчидаги адабий ёдгорликлар музейи фондига олинган, 1957 йилда Аҳмад Зиё таржимасининг сифати ва савиясини аниқлаш учун Қошғарда Муҳаммаджон Пайзи, Ясин домулла, Амир Хусан қози, Сулаймон домулла, Муҳаммад Аминхўжа ва Ю. Мухлисовлардан иборат ҳайъат тузилган. Ҳайъат таржима аниқ ва тўғри амалга оширилганини аниқлаб, уни чоп этишга тавсия қилган. “Девон”нинг уйғурча таржимасини нашр этиш бўйича Амин Турсун, Иброҳим Мутъи, Аҳмад Зиё, Бурхон

¹ Hudoyberdiyev J. Jahon turkalogiyasi shoh asarining tarjimalari // ADU. Ilmiy xabarnoma, 2010. № 4. – Б. 86.

Шоҳидий, Юсуфбек Мухлисовлардан иборат ҳайъат тузилган. 1957 йилда Аҳмад Зиё қатағон қилинган.

1963–1966 йилларда Сайроний ҳам асарнинг уйғур тилидаги тўла таржимасини амалга оширган. Бироқ, бу таржималарнинг бирортаси ҳам нашр қилинмаган. Таржималарнинг барчаси Хитойдаги маданий инқилоб даврида атайин йўқотилган.

1981–1984 йилларда “Девон”нинг уйғурча таржимасини Урумчида Шинжон халқ нашриёти ўн минг нусхада босиб чиқарган, лекин нашрда асарнинг таржимони кўрсатилмаган.

Ушбу нашрнинг биринчи жилдида “Машхур уйғур олими Маҳмуд Қошғарий ва унинг “Туркий тиллар луғати” асари” номли мақола берилган. Кейин, уйғурча таржимага шарҳ ва изоҳлар, тўртта бетдан “Девон” кўлёмасининг фотонусхаси жой олган¹.

Мақола олти бўлимдан ташкил топган. Унинг биринчи бўлимида Маҳмуд Қошғарий даври, “Девон” яратилган тарихий шароит ҳақида маълумот берилган.

Мақоланинг иккинчи бўлими Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ва ижодий фаолиятининг тадқиқига бағишланган. Муаллифнинг таҳмин қилишича, Маҳмуд Қошғарда, Азак ёки Ўпол қишлоғида туғилган. У Ўполдаги Ҳазрати Мулом қабристонида ҳам дафн қилинган бўлиши ҳам мумкин.

Мақоланинг учинчи бўлимида Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон”ни тузиш йўлидаги изланишлари: ўзидан олдинги ва замондошлари томонидан яратилган луғатларни қунт билан ўрганиб, ўзи тамомила янги йўл тутганкиги таҳлил қилинган.

Тўртинчи бўлимда “Девон”нинг тузилиши, мазмуни хусусида фикр юритилаган.

¹ Фозилов Э. Шарқнинг машхур филологлари. Маҳмуд Қошғарий, Аду Ҳайен, Жамолиддин Туркий. – Т., 1971. – Б. 98.

Бешинчи бўлимда қорахонийлар давридаги давлат тили қорахонийлар тили бўлганлиги, унинг ўзига хос фонетик, Грамматик ва лексик хусусиятлари ҳақида фикр билдирилаб, бу тил “Девон” тузиш учун асос бўлганлиги қайд қилинган.

Олтинчи бўлимида эса “Девон”нинг турк ва ўзбек тилларидаги нашрлари, уларнинг ноширлари хизматига юқори баҳо берилган. Шу билан бирга, турк тилидаги нашрда Бесим Аталай йўл қўйган айрим камчиликлар ҳам кўрсатилган.

Муаллифларнинг ёзишича, Маҳмуд Қошғарий уйғур миллатига мансуб. Уйғурча таржимада Б. Аталай нашридаги айрим мунозарали жойлар бартараф этилган. Сўзларнинг талаффузи имкон қадар аниқ кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Таржиманинг матни араб алифбосида, бош сўзлар ва мисоллар лотин алифбосида берилган¹.

1966 йилда Муҳаммад Дабир Сиёқий томонидан қилинган “Девон”нинг форс тилидаги таржимаси Техронда чоп этилган. Таржимада К. Брокельманн ва Д. Дилчин тадқиқотидан фойдаланилган. Улардаги камчиликлар таржимада ҳам айнан акс этган. Муҳаммад Дабир Сиёқий томонидан ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган. Шу боис таржимадан юзлаб тушунарсиз сўзлар ўрин олган².

2005 йилда Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқ “Девон”нинг форс тилидаги янги таржимасини 2500 нусхада Табризда нашр эттирган. Ушбу нашр 628 бетдан иборат. Китоб мундарижа, таржимоннинг сўз бошиси, мант, таржимоннинг туркча ва лотинча икки бетли қисқа сўзидан ташкил топган. Ҳусайн Муҳаммадзода Сиддиқ 53 саҳифалик сўз бошида “Девон”нинг муаллифи, туғилиб ўсган жойи ва қабри, асар ёзилган вақт, нашрлари ва

¹ Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 175.

² Абдурахмонов Ғ. “Девону луғатит турк” асарининг ўрганилиши тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти – Т., 2009. №6 – Б. 51.

таржималари, олимларнинг асар ҳақидаги энг муҳим тадқиқотлари борасида фикр билдирган.

Асарнинг инглиз тилидаги таржимаси 1982–1985 йилларда Гарвард университетида уч жилд ҳолида нашр этилган. Уни инглиз олимлари Роберт Денкофф ва Жимз Маккалилар таржима этган. Инглиз тилидаги таржима Шинаси Текин ва Гўнул Алпайнинг таҳрирдан чиққан. Биринчи жилддаги сўз бошида асар ҳақида қўшимча маълумотлар берилган.

Маҳмуд Қошғарий асарининг немис тилига қилинган таржимасини Карл Брокельманн амалга оширган ва 1928 йилда Лейпциг шаҳрида нашр эттирган. Ушбу ишча “Девон” тўлалигича немис тилига таржима қилинмаган, туркий сўзларнинг транскрипцияси ва немисча таржимаси берилган.

“Девону луғотит турк” асари 2002 йилда хитой тилига таржима этилиб, Пекин шаҳридаги Миллатлар нашриётида уч жилд ҳолида чоп қилинган.

Асарнинг биринчи жилдини Ҳе Руи Винг Йи, Хиао Зхонгйи, Луи Жингжиалар таржима, Мирсултон Усмонов ва Чхен Хиалар таҳрир этишган. Иккинчи жилд Хиао Зхонгйи, Луи Жингжиалар таржимасида, Қи Қингшуб ва Тоҳиржон Муҳаммадлар таҳририда босмадан чиққан. “Девон”нинг хитой тилидаги учинчи жилдини Хиао Зхонгйи, Қи Қингшуб ва Тоҳиржон Муҳаммадлар эса таҳрир қилишган¹.

Туркменистонда “Девон” тадқиқи билан шуғулланган ва номзодлик десертатсиясини ҳимоя қилган С.Ахалли асар парчаларини туркман тилига таржима этган. Туркменистонда Маҳмуд Қошғарий таваллудининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилган конференция материалларига қараганда, “Девон” Раҳмат Қиличев томонидан туркман тилига тўла таржима қилинган. Таржима жараёнида турк тилидаги Б. Аталай, С. Ерди ва С.Т.

¹Худойбердиев Ж. Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ва унинг “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши. – Т., 2010. – Б. 17.

Юртсеварларнинг, ўзбек тилидаги С. Муталлибовнинг, немис тилидаги К. Брокельманнинг, шунингдек С. Ахалли таржималаридан фойдаланилган¹.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Маҳмуд Қошғарий узок йиллар давомида Бағдодда таҳсил олганлиги ва араб тилини мукаммал ўрганганлиги “Девону луғотит турк”нинг айнан араб тилида ёзилишига сабаб бўлди.

Асар топилгач мазкур асар юзасидан юзлаб илмий тадқиқотлар олиб борилди, кўплаб хорижий тилларга таржима қилинди ва нашр этилди.

“Девону луғотит турк”нинг бу қадар кенг миқёсда тадқиқ этилиши асарнинг туркий халқлар тарихидаги муҳим манба эканлигидан далолат беради.

Асар топилгандан кейин қисқа вақтда чоп этилди, уни илмий асосда ўрганиш бошланди. Турк, ўзбек, уйғур озарбайжон, қозоқ, инглиз, немис, хитой, рус ва эрон тилларига таржима қилинди.

Марказий Осиё халқларнинг XI асрдаги ҳаёти билан боғлиқ барча маълумотларни кенг қамраб олган ушбу бебаҳо манба фанда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги тадқиқотчилар томонидан кўрсатиб берилди.

Узоқ вақт давом этган мунозаралардан сўнг қадимги туркий битиклар ўқилиб, уларнинг туркий халқларга мансуб эканлиги илмий жиҳатдан исботланди.

¹ Муталлибов С. “Девону луғотит турк” ва унинг таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Т., 1971. – Б. 41.

III БОБ. “ДЕВОНУ-ЛУҒОТИТ ТУРК” АСАРИ ҲАҚИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

III. 1. XX асрнинг биринчи ярмида қилинган тадқиқотлар

Туркий халқлар ва уларнинг тилини ўрганишга қизиқиш қадимдан бошланган. Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девону луғотит турк” асарида Ўрта Осиёдаги турли туркий уруғларнинг тилини чуқур таҳлил қилади¹.

Россияда туркий халқлар ва уларнинг тиллари билан шуғулланиш Россия Фанлар Академияси ташкил этилган вақтданок бошланган. XIX аср бошларида Москва, Қозон, Харьков, Петербург университетларида шарқ тиллари кафедралари ташкил этилди. 1854-1955 йилларда Петербург университети қошида шарқ тиллари факультети очилди. Татар тилининг биринчи грамматикаси Иосиф Гиганов томонидан 1801 йилда Петербургда нашр этилди.

Туркий тилларни ўрганиш асосан умумий характерда бўлиб, конкрет туркий тиллар устида илмий иш олиб бориш камдан кам амалга оширилди. Ҳозирги ўзбек тили ҳам алоҳида илмий текшириш объекти бўлмай, бу тил амалий мақсадларда ўрганилди, холос (В.П. Наливкин. Руководства к практическому изучению сартовского языка. – Самарканд, 1898; Н.П. Остроумов. Этимология сартовского языка. – Ташкент, 1910 в.б.).

XI–XX асрлар мобайнида ўзбек тилида унинг ўз ички тараққий қонунларига мувофиқ анчагина ўзгариш ва ўсиш юзага келди. Буни XI аср ёдгорликлари устидаги кузатишларимиз равшан кўрсатади².

Туркий тилларнинг тарихига доир проф. С.Е. Малов, проф. Н.А. Баскаков, проф. К.К. Юдахин, проф. А.К. Боровков ва проф. В.В. Решетовларнинг бир қанча илмий асарлари бор. Бу соҳада уларнинг

¹ Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг туркий фонетикаси. – Т., 2006. – Б. 18.

² Муталлибов С. XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категориялари. – Т., 1955. – Б. 7.

хизматлари катта. Лекин ўзбек тили тарихини ўрганиш йўлидаги бу текширув ишлари етарли эмас¹.

XI аср ёзма ёдгорликлари устида биринчи марта К. Броккельман ишлади. К. Броккельман ўзининг 15 саҳифадан иборат бўлган мақоласида Маҳмуд Қошғарийнинг XI асрдаги туркий тилларда ўтган замон, келаси замон феълларининг ясалиши ҳақида ва феълнинг буйруқ формаси ҳақида берган маълумотларини, баъзи бир сифатдош ва равишдош формалари ҳақида ёзганларининг таржимасини келтириш билан чекланган.

XX асрнинг биринчи ярмида рус тадқиқотчиларидан В.В. Бартольд, И. Самойлович, П.К. Жузе, С.Е. Малов, С.П. Толстов, А.Н. Кононов, А.К. Боровков, И.Ю. Крачковский, Н.А. Басканов, В.И. Беляев ва бошқалар “Девону-луғотит турк” асари ҳақида мақолалар ёзишган ва ўз мулоҳазаларини айтиб ўтишган.

Хусусан, академик В.В. Бартольдни рус тадқиқотчилари орасидаги биринчи қошғарийшунос деб аташ мумкин. Бу ҳақда шарқшунос С. Волин кўйидаги маълумотларни келтирган:

“1919 йилдаёқ, “Луғат”нинг биринчи нусхалари Петроградда олиниши биланоқ марҳум академик В.В. Бартольд бу ёдгорликдаги тарих учун аҳамияти бўлган барча янги маълумотларни аниқлаб, унга шарҳ ёзган эди. Бу шарҳ матбуотда босилиб чиқмаган бўлсада, унинг бир қисми В.В. Бартольд архивида сақланмоқда, аммо тўлиқ эмас. Кейинчалик В.В. Бартольд Маҳмуд Қошғарийнинг маълумотларидан ўзининг бир қанча асарларида фойдаланди, жумладан, қисқагина тарзда ёзилган “Туркий-мўғул халқлари тарихи” рисоласида (Тошкент, 1928 йил) фойдаланган. “Девон”даги маълумотлардан В.В. Бартольд бошқа бир асарида – босмага тайёрланган ва 1926 йилда Истамбулда маъруза қилинган асарида анча тўлароқ фойдаланган. Бу маърузалар турк ва немис тилларига таржима қилиниб нашр этилган”².

¹ Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 168.

² Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий. – Т., 1963. – Б. 14.

В.В. Бартольд, жумладан, “Қирғизлар” номли асарида Махмуд Қошғарий тўғрисида: “Бу шундай ягона бир адибки, у, Ўрта Осиё тўғрисида араб тилида ёзган бошқа барча муаллифлардан фарқ қилади; Махмуд Қошғарий турли китоблардан кўчириб ёзмаган, балки ўз кўзи билан кўриб, билиб ёзган”¹, дейди.

Маълумки, XI асрнинг бошларида туркий халқлар тарихида, шунингдек ўзбек халқи тарихида ҳам жуда муҳим воқеалар юз берди. Бу даврларда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида, Мовароуннаҳрда ярим кўчманчи, ярим ўтrock ҳаёт кечирган туркий аҳоли яшарди. Манбаларда кўрсатилишича, бу аҳолининг анчагина қисми туркий тилда сўзлашувчи қарлук, чигил, яғмо, тухсий каби уруғ ва қабилалардан иборат бўлган. Жуда катта ҳудудда яшаган бу уруғ қабилаларининг энг қудратлиси ва нуфузлиси қарлуқлар бўлган. Академик В.В. Бартольд чигиллар ҳақида гапирар экан, улар қарлуқлар таркибидаги қабиладир, деган хулосани чиқаради².

Яна шуни таъкидлаш керакки, Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари 1926–1927 йиллардаёқ С.Е. Малов, К.К. Юдахин ва Э.А. Шмидтлар томонидан ҳаммуаллифликда рус тилида нашрга тайёрланган, аммо айна шундай иш, Брокельманн қилган немисча таржимаси босмадан чиқади деган хабар тарқалгач, русча таржимаси нашр этилмай қолган.

Атоқли туркшунос С.Е. Малов, Тошкентда ишлаган даврида ҳам, кейинчалик ҳам, “Девон”га катта аҳамият берган. Унинг “Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари” номли монографиясида асарга доир текширишлар якунланган ва каттагина библиография ҳам берилган. У, бу китобни “ниҳоятда ажойиб бир асардир” деган³.

XI асрда юзага келган қорахонийлар давлатининг асосини қарлуқлар ташкил қилган, ҳоқоннинг туркча ибораси ҳам, турк термини ҳам бевосита ўша қорахонийлар давлатида асосий кўпчиликни ташкил қилган қарлуқ

¹ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б. 382.

² Абдуллаев Ф. “Девону луғотит турк” асарида ўғуз компонентининг ўрни масаласи. // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Т., 1971. – Б. 53.

³ Ҳасанов Ҳ. Махмуд Қошғарий. – Т., 1963. – Б. 15.

иттифоқдош қабиласининг тили бўлган, буғраҳонлар деб аталган турк хоқонлари ҳам ўша қарлуқлардан бўлган.

Маҳмуд Қошғарий яшаган даврда қарлуқларнинг асосий кўпчилиги Сирдарёдан ўтиб, Мовароуннаҳрнинг кенг ҳудудига – Фарғона водийси, Шимолий Афғонистон, Тожикистоннинг анчагина қисмига тарқалиб кетган эдилар¹.

Шарқшунос П.К. Жузе 1926–1928 йилларда Бокуда туриб, “Девон”га бағишлаб иккита мақола ёзган. Бу мақолалар рус тилида “Девон” тўғрисида дастлабки ёзилган асарларнинг энг мукаммалларидандир. Жузе, биринчи марта, “Радлов – XIX асрнинг Маҳмуд Қошғарийси” деган иборани ҳам ишлатган. Ҳолбуки Самойлович бунинг тескарисини айтган (“Маҳмуд Қошғарий – XI асрнинг Радловидир”) ва Қошғарийни бир қадар камситгандай бўлган.

Умуман, Жузе “Девон”га жуда юксак баҳо берган ва унинг катта аҳамиятини уқтириб ўтган. П.К. Жюзенинг бу мақоласини И.Ю. Крачковский ҳам мақтаган: “унинг мақоласида Маҳмуд Қошғарийнинг луғатидек буюк ёдгорликка ёрқин тавсиф берилган эди”.

Жюзенинг ўзи қуйидаги фикрларни айтиб ўтади: “Қошғарийнинг “Девон”ида ўша вақтда қорахонийлар давлати таркибига кирган шимоли-шарқий қабилаларнинг деярли ҳаммаси тўпланган”. Шунини ҳам айтиш мумкинки, Россияда ва шарқда ўрганилган туркий тиллар фонетикаси ва этимологиясининг асосий қонунлари XI асрдаёқ Маҳмуд Қошғарий томонидан аниқланган ва ўрганилган эди. Маҳмуд Қошғарийнинг бу текширишлари шу қадар кенг ва чуқурки, ҳатто, бундай асар XIX асрда ёзилганда ҳам, унга шон-шараф бўларди; Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон”и сингари асар фан оламида кейинги асрларда ҳам яратилган эмас; унинг асари бамисоли “Туркий қомус”дир².

¹ Абдуллаев Ф. “Девону луғотит турк” асарида ўғуз компонентининг ўрни масаласи. // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Т., 1971. – Б. 55.

² Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий. – Т., 1963. – Б. 16.

Н.К. Дмитриев, бошқирд тилига бағишланган бир мақоласида шундай дейди: “Араб-турк тилларининг ўзаро таъсири масаласи қадимда ҳам, ҳозирги вақтда ҳам кўпчиликини қизиқтирган. Уларнинг тўла рўйхатини келтирмасдан, турли даврларда яшаган фақат икки улуғ туркшуноснинг исмини айтсак бўлади – Маҳмуд Қошғарий ва П.М. Мелиоранский”¹.

Атоқли совет археологи ва этнографи С.П. Толстов ҳам Маҳмуд Қошғарийга юксак баҳо берган: “Маҳмуд Қошғарий – туркий қабилаларнинг ички турмушини энг яхши билган муаллифдир... У ХІ асрга доир тил маълумотларини ниҳоятда мукаммал ва синчиклаб тўплаган”.

1937 йилда ҳали Туркиянинг ўзида Басим Аталай таржимаси чиқишидан анча бурун, “Девону луғотит турк” озарбайжон тилига таржима қилиниб, тақриз учун профессор С.Е. Маловга топширилгани маълум. Тақриз вақтида С.Е. Малов баъзи масалаларда ёрдам беришни сўраб, ўзбек филологи – ўша вақтда Ленинградда аспирант бўлиб турган, Солиҳ Муталлибовдан илтимос қилган.

Ўзбекистонда “Девон”га оид илк тадқиқот ишларини олиб борган олим Абрурауф Фитрат ҳисобланади. Унинг “Девон” бўйича яратган тадқиқотлари, кузатишларини нафақат ўзбек илмида, балки туркийшуносликдаги энг муҳим ишлардан деб баҳолаш мумкин. Абрурауф Фитрат ўзининг бир неча асарларида “Девон”га муносабат билдирган, ўзбек тили тарихининг бевосита шу асарга бориб тақалишини биринчи бор қайд этган.

Фитрат “Сарф” асарида “Девон” тили “Қутадғу билиг”, “Ҳибат ул-ҳақоқий” ва Аҳмад Яссавий ҳикматлари тили билан жуда яқинлиги, кейинчалик чиғатой тили деб номланган тилга асос бўлганлигини қайд этган². Олим бундай фикрни “Энг эски турк адабиёти намуналари” асарининг “Сўзбоши”сида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган: “Сарф”имнинг бошланғичида

¹ Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий. – Т., 1963. – Б. 17.

² Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va "Devonu lug'otit turk" bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – Т.: Akademnashr, 2011. – Б. 12.

ёзганим каби хоқоний туркчаси ёки туркча аталган мана шу адабий шеванинг беш аср кейинги шакли чиғатойчадир... Бу шеванинг энг эски намуналарини бизга “Девону луғотит турк” китоби беради¹.

Ўзбек матбуотида 1926–1930 йиллар орасида “Девону луғотит турк” тўғрисида бир неча мақолалар эълон қилинганлиги маълум.

Ўзбек олимлари орасида Маҳмуд Қошғарий “Девон”ини астойдил илмий асосда ўрганиш 1937 йилдан бошланган. Бу оғир, мураккаб илмий текширишларнинг ташаббускори филолог олим ва педагог Солиҳ Муталлибов бўлди.

Муталлибовнинг фикрига кўра, Маҳмуд Қошғарий “Девон”да четдан қабул қилинган сўзларга икки хил муносабатда бўлган. Турмушга доир турли хил нарса ва буюмлар борки, улар ҳаётга сингиб кетган, лекин уларнинг номи тилимизда йўқ. Шунинг учун олим уларни ўша қўшни тилдаги каби қўллашни маъқуллайди. У мазкур тилда бўлган сўзлар ўрнида бошқа тил сўзларини қўллашни зарарли деб ҳисоблайди².

“Девон”нинг арабча нашрини биринчи марта қўлга олиш ҳам қизиқ бўлган. Бу ҳақда С. Муталлибов қуйидагиларни эслайди:

“1937 йилнинг охирлари бўлса керак. Мен аспирантману, Ленинградга, Малов домла ҳузурига борган эдим. Бир кун тасодифан китоб магазинига кирсам, “Девону луғотит турк”нинг арабча Истанбул нашри устма-уст тахланиб ётибди. Ҳайрон бўлдим. Дарров бир нусхадан уч жилдини олдим.

Шу-шу бўлдию Ленинградда вақтим ҳам, Тошкентга қайтиб келганимдан кейин ҳам бўш вақтларимда “Девон”ни мутолаа қилиб турдим. Шу орада Тошкентда Ўрта Осиё миқёсидаги бир илмий конференция бўлиб қолди. Ойбек ўша вақтда гуманитар фанлар бўлимининг раҳбари эди. Менинг “Девон” билан шуғуллана бошлаганимни билар эди, бир маъруза тайёрлашни топширди. Конференциянинг бир мажлисида маъруза ҳам қилдим. Аммо Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”ига қизиқиш

¹ Фитрат. Энг эски турк адабиёти наъмуналари. – Т., 2008. – Б. 45.

² Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 68.

шу даражада зўр эканки, мендан яна бошқа алоҳида маъруза қилишни илтимос этдилар”¹.

Солиҳ Муталлибов “Девону луғотит турк” ҳақида бир қанча мақолалар, монографиялар ёзди, асарни тўла равишда ўзбек тилига таржима қилди ва нашр этди.

Маҳмуд Қошғарий география фанига ҳам катта хисса қўшган бўлиб, унинг географик мероси қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. “Девон”да берилган табиий географик атамалар ва уларнинг изоҳи;
2. “Девону луғотит турк”ка илова қилинган дунё харитаси;
3. “Девон”да учрайдиган жой номлари ва уларнинг изоҳи;
4. Ўрта Осиёда айрим қабилаларнинг жойлашиши ҳақидаги “Аҳоли географияси”га доир маълумотлар.
5. “Девон”даги астрономик маълумотлар, календарь тизими – мучаллар ва уларнинг тарихи².

Буларнинг айримларини таҳлил қилишга киришишдан олдин “Девону луғотит турк” нинг географик аҳамиятини ўрганиш тарихига тўхтаб ўтмоқчимиз.

Ҳозирча Маҳмуд Қошғарийнинг бутун географик меросини қамраб олган яхлит илмий танқидий асар йўқ. Шунингдек, “Девон”даги табиат ва географияга доир сўзлар-атамаларнинг алоҳида-алоҳида таҳлил қилинганлиги ҳам бизга номаълум. Аммо календарь тизими, яъни мучал тўғрисида турк тилида бир мақола ёзилганлиги, рус ва туркман тилларида каттагина мақола – жадвал босилиб чиққанлиги, Қошғарийнинг дунё харитасига бағишлаб немис, турк ва рус тилларида махсус мақолалар ёзилганлигини биламиз.

Шарқшунос К. Брокельманн “Девон”га немисча кўрсаткич тузган. Б. Аталай тузган индекс (кўрсаткич)лар охирида атоқли отлар рўйхати берилган, лекин уларнинг изоҳлари жуда қисқа, матндаги изоҳларнинг айнан

¹ Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий. – Т., 1963. – Б. 20.

² Saidboboyev Z.A. Tarixiy geografiya. – Т.: Noshir, 2010. – Б. 20.

Ўзгинаси шундайгина кўчириб ёзилган. Афсуски, буларнинг биронтасида ҳам дунё харитасига ишора қилинмаган¹.

Германияда “Девон” бўйича илк тадқиқотларни ҳам К. Брокельманн бошлаб берди. У 1919 йилдан йигирманчи йилларнинг охирига қадар “Девон” тадқиқига бағишланган ўндан ортиқ асарлар яратди. Олим узоқ йиллик тадқиқотлари натижасида “Девон” тили ўрта турк тили даврига мансуб, деган хулосага келди. Бу фикр кейинчалик барча олимлар томонидан эътироф этилди².

Немис олимлари Дж. Герхард, Анна Мария ф. Габелн, О.Притсакларнинг “Девон”га оид тадқиқотлари ҳам мутахассислар томонидан юқори баҳоланган³.

Атоқли шарқшунос ва географ академик И.Ю. Крачковский ҳам ўз асарида Маҳмуд Қошғарийнинг харитасига тўхталиб ўтган. У “Девону луғотит турк” қўлёзмасининг топилиши ва босилиб чиқиши туркологияда катта бир воқеа эканлигини, асарнинг лингвистик аҳамияти ниҳоят даражада катталигини таъкидлаб: “У географик жиҳатдан ҳам муҳим; унда туркий фольклорга оид маълумотлар туркийлар ўрнашган ўлкаларнинг тарихий географиясига боғлиқ ҳолда берилган. Қўлёзмада сақланиб қолган доиравий харита диққатга сазовордир. Гарчи уни Миллер, Герман ва Уняков каби шарқшунослар текширган бўлса-да, харитага оид масалаларнинг ҳаммаси хал этилган деб бўлмайди”⁴ деган.

Араб тилидаги асарнинг ўзини тўла ўқиб чиқишга И.Ю. Крачковскийнинг балки вақти бўлмагандир, у асосан немисча мақолалардангина фойдаланган ва “Девон” тўғрисида икки бет ахборот билан қифояланган, асарнинг география фани нуқтаи назаридан аҳамиятга

¹ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 121.

² Маҳмуд ал-Кашғари. Диван лугат ат-Турк. Казахстанские востоковедные исследования. Перевод, предисловие и комментарии З. –А. М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – Б. 8.

³ Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va “Devonu lug'otit turk” bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – Т.: Akademyanashr, 2011. – Б. 20.

⁴ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 121.

эга бўлган бошқа томонларини тилга ҳам олмаган, харита тўғрисида унда шубҳа туғилган.

А.Н. Бернштам билан С. Умурзоков Қошғарий хартасининг Қирғизистон қисмини таҳлил қилишган¹. С. Муталлибов, “Девон”нинг ўзбекча нашрига ёзган сўзбошида луғатнинг географик аҳамияти тўғрисида бундай деган: “Девону луғотит турк”да йўл-йўлакай берилган географик маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Маҳмуд Қошғарий ўз асарида шунча катта территорияда ўша даврда бўлган барча шаҳар ва қишлоқлар, денгиз ва кўллар, уларнинг тарихи, жуғрофик мавқеи, улрда яшовчи халқлар, ҳатто мавжуд ҳайвон ва ўсимликлар тўғрисида ҳам анча кенг маълумот берган. Бу жиҳатдан асарнинг қиймати бениҳоя катта”. Маҳмуд Қошғарийнинг географик мероси шарқшуносларда, географларда жуда катта қизиқиш туғдирганлигидан уни ўрганиш давом эттирилмоқда. Унинг энг кўп текширилган доиравий харитасининг сири хали тўла очилганича йўқ².

И.И. Умняков Қошғарий тузган дунё харитасини муфассал ўрганиб, шу тўғрида илмий асар ёзган. У ўз асарида В.В. Бартольднинг сўнгги асарларидан, Брокельманн, Миллер ва Герман мақолаларидан фойдаланиб, бу қадимий харитага мутлақо янгича ёндошган.

Шарқшунос С. Волин И.И. Умняковнинг асарига ёзган рецензиясида: бу – “Луғат”ни ўрганиш борасида олға қўйилган бир қадамдир; асардаги жуда бой тарихий-географик материал китобхонларга манзур бўлди” деган; шу билан бирга, асарнинг баъзи камчиликларини чунончи, Маҳмуд Қошғарий “Девон”идаги тарихий-географик материалга берилган шарҳнинг тўла эмаслигини, Умняков “Девон”даги харита Қошғарийнинг харитасига ўхшамайди. Буни бошқа одам тузган бўлса керак, дейиши билан хатога йўл қўйганлигини, у XI аср муаллифига анча ўринсиз, ортиқча талаблар

¹Содиқов Қ. Маҳмуд Қошғарий харитаси ҳақида // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. – Т., 2005 – Б.10.

²Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 121.

кўйганлигини, унинг харитадаги Қорчуқ тоғларини Муғожар тоғлари деб даъво қилиши асоссиз эканлигини кўрсатиб ўтган.

Қошғарий харитасининг 1930 йилдан буён кенг тарқалганлиги, турли мақолаларда фотонусхаси ёки чизилган нусхалари пайдо бўлганлиги, немис, рус ва бошқа тилларга таржима қилинганлиги ҳамда шу йўл билан унинг география жамоатчилигига маълум бўлганлиги қувончли воқеадир; бироқ, унинг қўлда чизилган нусхаларида, таржималарида баъзи хатоликларга йўл кўйилганлиги ачинарли ҳолдир.

Шуниси қизиқки, баланд тоғлар ёки йирик дарёлар қалин чизиқлар билан, кичикроқлари ингичка чизиқлар билан кўрсатилган.

А. Герман хаританинг шартли белгилар тўғрисида бундай деган: “Белгилари на хитойча, на арабча; айниқса ҳудудларни тасвирлашда жуда ғалати... Хаританинг мазмуни ҳам ўзига хос... бу харита хитой картографиясига ҳам, араб ва ҳинд картографиясига ҳам ётдир”¹.

Шарқшунос С. Волин: бу харитада “араб картографиясининг таъсири деярли сезилмайди” деб дадил айтган. Маҳмуд Қошғарий харитасининг ўзига хос хусусияти шуки, доиранинг, яъни ернинг маркази Ўрта Осиёга тўғирланган, аниқроғи ўз юрти Иссиқкўл билан Баласоғун оралиғини дунёнинг маркази қилиб кўрсатган².

Маҳмуд Қошғарийда Тошкентдан Ғарбий Хитойгача бўлган масофада жуда кўп катта кичик довлар, қўллар, қишлоқ, дарёларнинг номлари берилган, улар Берунийда тилга олинмаган. Шу билан бирга, Беруний ҳамда Қошғарий асарларида учраган номлар бошқа шарқ географларининг асарларида, хариталарида ҳам ёзилганлиги маълум. Бироқ, номларнинг бу қадар яқинлиги, кетма-кет келиши, бир мазмунда баён этилиши бу икки олимдагина яққол кўринади. Маҳмуд Қошғарий Беруний асаридаги баъзи маълумотларни қисқартириб олган, баъзан эса Беруний маълумотларига ўз

¹ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 127.

² Содиқов Қ. Маҳмуд Қошғарий харитаси ҳақида // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. – Т., 2005 – Б.12.

маълумотларини қўшган ҳоллар ҳам бўлган. Шундай географик номлар ҳам борки, улар Беруний ва Қошғарий асарларидан бошқа бирон бир шарқ географларининг асарларида учрамайди.

Бу иккала олимнинг ўзларидан бурун ўтган “акаси” ҳам бўлган. Бу “Худуд ал-олам” номли ажойиб асарнинг номуълум муаллифидир. Беруний асарида ҳам Қошғарий асарида ҳам “Худуд ал-олам”дан олинган маълумотлар топилади. Хуллас, бу уч олим ижод қилишда бир-бирига эргашган, шу билан бирга. Уларнинг ҳар бири янги маълумотлар қўшган. Бу олимларни уччаласини биргаликда X-XI аср Ўрта Осиё ва Хуросон географик мактабининг йирик намоёндалари деб аташ керак.

Академик И.Ю. Крачковский “Беруний мактаби”га Қошғарийни қўшгани бежиз эмас. С. Волин ҳам Қошғарийнинг Беруний географиясидан таъсирланганлигини айтган эди. Ш. Улкутошир ҳам бу ҳақда ўз фикрини айтган. Буларга бизнинг мисолларимиз қўшилса, Маҳмуд Қошғарий география соҳасида улуғ Берунийнинг мухлиси, шогирди бўлганлигига шубҳа қолмайди. “Худуд ал-олам” муаллифи – Беруний – Қошғарий орасидаги муносабатлар янада чуқурроқ ўрганилиши, текширилиши зарур¹.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, мазкур даврда “Девон” юзасидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилди ва бир қатор эътиборга молик натижаларга эришилди. Бу тадқиқотлар кейинги даврларда олиб борилган тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилган.

III. 2. XX асрнинг иккинчи ярмидаги тадқиқотлар

“Девону луғотит турк”дан фойдаланмасдан ҳозирги кунгача ҳар бир тарихий ва лингвистик текширишлар ёзилмаётир. Демак, китобга доир ҳамма мақолаларни санаб бериш алоҳида библиографик вазифадир. А.М. Шчербакнинг “Шарқий Туркистон туркий текстларнинг тили”га

¹ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 138.

бағишланган асарида, автор томонидан “Девон”га қуйидагича баҳо берилган: “Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон”ига, на материалларнинг ҳажми жиҳатидан, на авторнинг филологик билими жиҳатидан бас келадиган бирон асар йўқ. “Девон”нинг луғат деб аталиши унинг асл мазмунига унча мос эмас. Бунда туркий тиллар грамматикасидан жуда кенг лингвистик маълумотлар бор, булар (араб тили грамматикасига нисбатан) ўзига хос равишда изоҳланиб, талқин этилган; яна унда туркий тиллар лексикаси, фонетикасига доир кенг маълумотлар, қабилаларнинг жойлашиш тафсилотлари, географик ва бошқа хил маълумотлар бор”¹.

XX асрнинг иккинчи ярмида ҳам кўплаб рус ва ўзбек тадқиқотчилари “Девону луғотит турк”ни ўрганиб, илмий изланишлар олиб боришган.

Маълумки, ҳар қандай тил ҳодисасини тарихий жиҳатдан ўрганишнинг бирдан-бир илмий методи ўша давр қўлёзмаларига асосланиш ва у ёзма ёдгорликлар тили билан ҳозирги тилни қиёс этиб чиқиш ва шу асосда икки орадаги яқинликни аниқлашдир. Бу ишда XI аср ёзма ёдгорликлари: – “Қутадғу билиг” ва “Девону луғотит турк” номли асарларга асосланиш мумкин. Бу асарлар бир тарафдан бизгача етиб келган ёдгорликларнинг энг эскилари бўлгани учун муҳим бўлса, иккинчидан, бу асарлар XI асрдаги жонли ва адабий тилнинг энг ишончли манбалари сифатида ҳам муҳимдир. XI аср тили ва тарихини ёритишда Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” номли асари алоҳида илмий қийматга эга. Профессор С.Е.Малов фикрига кўра, Маҳмуд Қошғарий “Девону луғотит турк” асарининг илмий қиймати жуда муҳим ҳисобланади. Бу ҳақда у шундай дейди: “В.Томсеннинг” – “Қутадғу билиг” фонетикаси ҳақида ёзган мақоласи майдонга чиққандан кейин ва “Девону луғотит турк” асари топилгандан сўнг, В.В. Радловнинг транскрипциясидан бутунлай воз кечишга тўғри келади”².

¹ Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий. – Т., 1963. – Б. 17.

² Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М-Л, 1951, – С. 299.

Профессор С.Е. Малов Маҳмуд Қошғарийнинг бу асарига одил бир суратда шундай юксак баҳо берган¹.

“Девону луғотит турк” муаллифи Маҳмуд Қошғарий араб ёзувининг туркий тилларда мавжуд бўлган бирқанча товушларни бера олмаслигини XI асрдаёқ ачиниб ёзган ва шу билан бирга у ўз асарида у давр ёзувида етишмайдиган ҳарфлар учун диакритик белгилар орттириш йўли билан бу камчиликларни тўлдиришга интилган. Маҳмуд Қошғарий ёзади: “Араб ёзувида тилда бир қанча товушларни ифодаловчи ҳарфлар етишмайди. Уларни бор ҳарфлар устига белгилар қўйиб ифодалаш керак”².

XI аср ёзма ёдгорликларида учрайдиган тил фактлари ёлғиз XI асрнинг намунаси бўлмай, ундан ҳам қадимгироқ даврлар тилининг маҳсулидир. Бу жиҳатдан бу материаллар асос бўлиши мумкин.

Академик Ғани Абдурахмонов ўзининг “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси” номли асарида “Девон”даги қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади:

X аср охирларида Еттисув ва Қошғарда қорахонийлар давлати вужудга келади. Бу давлат асосан қарлуқ ва чигил уруғларидан ташкил топади. Қорахонийлар ғарбга юриш қилиб, 999 йилда сомонийлар давлатини емириб, Мовароуннаҳрда ҳам ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар. Бу давлатнинг маркази аввало Қошғар бўлиб, XI аср ярмиларидан марказ Самарқандга кўчирилади. Шу вақтларда (қорахонийлар ҳукмронлигининг бошланиши билан) ғарбда ғазнавийлар давлати ҳам пайдо бўлади. Шундай қилиб, икки давлат вужудга келади: Қошғардан Амударёгача – Шарқий Туркистоннинг бир қисми, Еттисув, Шош, Фарғона, Суғд ерларини ўз ичига олган қорахонийлар давлати ва шимолий Ҳиндистондан Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача-ҳозирги Афғонистон ва Шимоли-шарқий Эронни ўз ичига олган ғазнавийлар давлати барпо бўлди. 1017 йилда ғазнавийлар

¹ Муталлибов С. XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категориялари. – Т., 1955. – Б. 5.

² Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк // 1-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С. – Т., 1960. – Б. 6.

Хоразмни ҳам ўз тасарруфига олади. 1040 йилга келиб туркман уруғларидан бўлмиш салжукийлар Хуросонда ғазнавийлар давлатини енгиб, ўз хукмронлигини ўрнатади, 1130 йилда салжукийлар Самарқандни оладилар¹.

Қорахонийлар даврида турли туркий уруғ тиллари бир-бирига яқинлашди. Бу уруғ тиллари ичида қарлук, чигил ва уйғур уруғ тиллари катта рол ўйнади.

Лекин, XI асрда ҳам ҳали туркий уруғ тиллари бирлашиб, халқ тилини ташкил этган эмас эди. Махмуд Қошғарий қипчок, ўғуз, уйғур тилларини бир-бирларидан фарқлайди, ҳар бир уруғ тилининг ўзига ҳос хусусиятларини таъкидлаб ўтади. Шундай бўлса ҳам кичик уруғлар катта уруғлар таркибига кира бошлаган эди. Масалан, XI асрда чигиллар қарлук уруғи бирлашмаси таркибига кирган. Шу билан кичик уруғ тилларининг каттароқ уруғ тилларига сингиб кетиши ва катта уруғ бирлашмалари тилларининг шаклланишига шароит туғилган².

Шунингдек, “Девон”да ўша даврда Марказий Осиё минтақасида яшаган кўплаб халқлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Профессор А. Якубовский ҳам “Девон” ҳақида қуйидаги ўз хулосаларини ёзиб қолдирган: “Ал-Маъсудий тасвирлаган ўғузлар кейинроқ учрайдиган баланд бўйли, чўзиқ каллали туркманларга ҳеч ўхшамайди. Сирдарёнинг қуйи оқимларида яшаган бир қисм ўғузлар XI-XII асрлардаёқ ўтроқ турмуш кечирганлар, деҳқончилик билан шуғулланганлар, шаҳар ҳаётини ривожлантирганлар”.

Қарлуқларнинг ғарб томондан қўшнилари, маъҳазларнинг кўрсатишича, ғузлар ёки ўғузлар эди. X асрнинг ўрталарида ўғузлар Каспий денгизининг шарқий ва шимолий қирғоқларини эгаллаганлар, мусулмон дунёсининг Журжондан Фороб ва Исфижобгача бўлган катта территориясини ўраб олган эдилар. Шундан маълум бўладики, X асрда қарлуқлар ва ўғузларнинг чегараси Фароб – Исфижоб чизиғини ташкил қилган. Ўғузлар

¹ Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т., 1973. – Б. 14.

² Ўша манба. – Б. 15.

ғарбда хозорлар, шимоли-ғарбда булғорлар, шимоли-шарқда кимоқлар, шарқда эса қарлуклар билан чегарадош эдилар. Исфижобдан Фарғона водийсига қадар жойларни қарлуклар эгаллаган.

Тарихий ва бошқа манбалар XI–XII асрларда туркий уруғ-қабилаларнинг яшаган жойлари, шаҳар ва қишлоқлари, тирикчилик урф-одатлари, маданий савиялари ҳақида анча кенг маълумот берадилар¹.

XI аср бошларида Мовароуннахрни ўз қўлига олган қорахонийлар давлати таркибидаги уруғ-қабилаларининг асосан кўпчилигини қарлуклар ташкил этган, яъни сомонийлар давлатини тор-мор келтирган, XI асрнинг бошларида бутун Мовароуннахрни эгаллаган қорахонийлар сулоласи қарлуклардан эканлиги эндиликда ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. XIX асрнинг иккинчи ярмида айтилган бу фикр аста-секин янги манбалар ва фактик маълумотларга суянган ҳолда ўрганилди ва “Девону луғотит турк”, “Худуд ул-олам” каби асарларда келтирилган маълумотларга қўшимча равишда бошқа манбалардан ҳам жуда бой фактлар тўпланди ва қарлуклар ҳақидаги бизнинг фикр доирамиз анча кенгайди².

Бироқ, XI–XIII асрлардаги ёзма манбаларга қараганда (Низом ал-мулк, Ибн ал-Асир ва бошқалар), қорахонийлар замонасида Ўзбекистон тупқоғида қарлуклар билан чигиллар бош ролни ўйнаганлар. Аммо турк элементларининг Ўзбекистон тупроғида киришлари шу номлари кўрсатилган қабилалар билан чекланмайди. Сирдарё томонларидан белгили миқдорда ўғузлар, улар орқасидан қипчоқлар силжиб келардилар. Маъҳазларнинг кўрсатишича, ҳудди мана шу уруғ-қабилалар тарқалган ҳудудда, барча суғд колонияларида ва шаҳар аҳолисининг суғдлар ўрнашган қисмида турклашиш жараёни интенсив суратда давом этарди.

Шу даврга алоқадор бўлган яна бир манбани эслаб ўтиш жоиз бўларди. Сирдарёнинг иккала қирғоғида ҳам ўғузларнинг жуда кўп шаҳарлари, аҳоли

¹ Абдуллаев Ф. “Девону луғотит турк” асарида ўғуз компонентининг ўрни масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1971. № 5. – Б. 52.

² Ўша манба. – Б. 53.

пунктлари, қалъалари бўлган. Ана шу қалъа – шаҳарлардан энг машҳури Сигноқ қалъаси эди. Маъхазларнинг хабар беришича, Сигноқ саҳро билан маданий туманлар ўртасида (қипчоқлар билан ўғузлар ўртасидаги) савдо маркази бўлган.

Албатта, “Девон”га оид асарлар ва мақолалар библиографияси тўлиқ эмас. Ҳозирги пайтда ҳар бир тарихий ва лингвистик текширишлар “Девону луғотит турк”дан фойдаланмасдан ёзилмаётир. Демак, китобга доир ҳамма мақолаларни санаб бериш алоҳида библиографик вазифадир.

Биз энди, А.М. Шчербакнинг “Шарқий Туркистон туркий текстларининг тили”га бағишланган асаридан, муаллифнинг “Девон” тўғрисидаги баҳосини айтиб ўтишни лозим кўрдик:

“Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон”ига, на материалларнинг ҳажми жиҳатидан, на филологнинг билими жиҳатидан бас келадиган бирон асар йўқ. “Девон”нинг луғат деб аталиши аслида унинг мазмунига унча мос эмас. Бунда туркий тиллар грамматикасидан жуда кенг лингвистик маълумотлар бор, булар ўзига хос равишда изоҳланиб, талқин этилган; яна унда қабилалар тарихи, географиясига оид кўплаб маълумотлар келтирилган¹.

XX асрнинг 50-йиллар охирида қозоғистонлик тадқиқотчилар С.К. Иброҳимов Маҳмуд Қошғарий асаридаги қабилаларга доир маълумотларни таҳлил қилиб, кичикроқ бир мақола ёзишган².

М.К. Ҳамроев туркий тиллардаги шеърят қонуниятларини таҳлил қилган асарида, Юсуф Хос Хожиб ва Алишер Навоий билан бир қаторда, Маҳмуд Қошғарийдан талай мисоллар келтирган.

Собиқ Совет Иттифоқида “Девон” билан шуғулланган атоқли рус олимлари қаторида, ўзбек тилшунослари ҳам Маҳмуд Қошғарийнинг бу нодир асарига анча олдинроқ эътибор берганлар.

Ҳозиргача бизга маълум бўлганлари қуйидагилардир:

¹ Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий. – Т., 1963. – Б. 17.

² Ўша манба. – Б. 18.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг қўлёзмалар фондида – инвентар Но 5046/1 – “Девону луғот сўзлари учун фихраст” сарлавҳали бир қўлёзма бор. Жами 231 саҳифадан иборат, оддий мактаб дафтарига қизил ва кўк сиёҳда, ҳусни хат билан ёзилган. Асарнинг арабча нашридаги 6500 тагача туркий сўзни кўчириб олиб, алфавитга тизилган ва ҳар бир сўзга кўрсаткич – қайси жилдда, саҳифада эканлиги белгилаб қўйилган.

Арабча нашрнинг I жилдидаги сўзлар 1 – 57, 65 – 66 ва 67 – 74 саҳифаларда берилган. II жилддаги сўзлар 59 – 62, 74 – 83 саҳифаларда, III жилддаги сўзлар 62 – 66 ва 83 дан сўнгги саҳифаларда кўрсатилган.

Бу қўлёзма тахминан, 1924 – 25 йилларда тузилган бўлса керак, аммо афсуски, бошланган иш тугалланмаган: нусха чала, нашр этилмаган, бу ҳақда матбуотда ҳам ҳеч нарса дейилмаган, тузувчиси ҳам номаълум¹.

Дафтарнинг биринчи саҳифасига “Тошкент эски шаҳар Гуруч бозор Шораҳим Шоумаров” деб ёзиб қўйилган. Аммо Шоумаров ким? Фихраст тузувчисими, шу дафтарни уйида сақлаган ва кейинчалик Шарқшунослик институтига топширган кишими – аниқ эмас.

Ҳолбуки, немис олими Брокельманн ва турк олими Бесим Аталай худди шундай фихраст анча кейинроқ тузган бўлсалар-да, нашр этдилар ва “Девон”га фихраст тузиш ташаббуси уларнинг қўлида ҳисобланади.

Бундан қатъий назар, ўзбек туркшунослиги, умуман, совет қошғарийшунослигини ўша номаълум муаллифнинг хизматларини унутмаслик керак.

Солиҳ Муталлибовнинг “Девон”га бағишланган асарларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

С. Муталлибовнинг 1957 йил июн ойидаги Бутуниттифок шарқшунослар илмий конференциясида қилган маърузаси².

¹ Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Кошғарий. – Т., 1963. – Б. 18.

² “Материалы первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте / – Ташкент, 1958, – С. 884 – 892.

Унинг “Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк” номли асари (Тошкент, 1959) XI аср ёзма ёдгорликлари, асосан, “Қутадғу билиг” ва “Девону луғотит турк” материалида ҳамда Алишер Навоий асарларидан мисоллар билан таққослаб ёзилган¹.

XX асрнинг иккинчи ярмида “Девону луғотит турк” асарини географик жихатдан тадқиқ этган олимлардан бири С.П. Толстовдир.

С.П. Толстов Амударёнинг қадимги номи Окс дея аталганлигини таъкидлаб, Окснинг сув, дарё маъносини топиб шундай дейди: “Туркий тилларда ўкуз сўзи икки хил турдош маънога эга – “дарё” ва “хўкиз”. Греklar ўкузни Окс деб ёзганлар, Герадотда Акес, Ўрта Осиё аҳолиси то XVII асрга қадар Амударёни Ўкуз деб атаган. Бу массагетча сўздир, массагетлар эса Ўрта Осиё туркий халқларнинг этногенезига қўшилган”².

Амударёнинг асосий тармоғи Асаф Ўкуз деб аталганини В.В. Бартолд ёзган эди.

Шунингдек “Амударёнинг мўғуллар истелосигача бўлган оқими эски Ўкуз” деб аталган, яъни эски Аму деган сўз. Бас, бундай мисоллар анчагина. Ўкуз – Жайхун, Фирот каби дарёларга берилган ном. Ўғузлар бу сўзни ўзларининг шаҳарлари жойлашган Банокат водийси маъносида қўллайдилар. Турк мамлакатадаги бир қанча бошқа дарёлар ҳам шу ном билан юритилган. Бу сўз ҳар бир оқар сойга нисбатан ишлатилади. Товйшқон ўкуз – Ўч деган бир шаҳарга оқадиган сойнинг номи. Балиқлик ўкуз – балиғИ кўп сой. Қайнар ўкуз кечиксиз бўлмас (мақол).

Шундай қилиб, ўкуз сўзи дарё демакдир. Амударё азалдан Ўкуз деб аталган. Уни греklar Окс, Оксус ва бошқа вариантларда бузиб талаффуз қилганлар ва шу ҳолича тарихий китобларга кириб кетган. Бу алсо Амударёнинг грекча оти эмасдир.

¹ Абдурахмонов Ғ. “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 2009. №6 – Б. 50.

² Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Кошғарий. – Т., 1963. – Б. 30.

Хўтан шахрининг шарқий ёнидан Ўрунқошдарё ўтади, ғарб ёнидан – Қорақошдарё ўтади. Бу ерлардаги қимматбаҳо нефрит тоши – қош тош деб аталган.

Машҳур рус сайёҳи Н.М. Пржевалский бу минерал ҳақида шундай ажойиб сатрларни ёзиб қолдирган: “Хитойлар нефритни “юй” ёки “юйши”, туркистонликлар “қош” ёки “қоштош” деб атайдилар. Унинг уч хил нави бор: яшил қош, сариқ қош ва оқ қош; энг қиммати шу учинчиси. ... Бу тошдан ҳар турли нарсалар (нос идиш, зирак, лаганча, паёла, қути, ҳалқа ва бошқалар) ясайдилар. Ундан ясалган билагузук ўлган одамнинг қўлига тақилса, жасади чиримайди, деб туркистонликлар ишонишган. Бой уйғурлар бу тошдан ёстиқча ясаб, қабр ичига қўядилар, унинг ҳикмати катта бўлар эмиш¹.

Қошғар тарихида, хўжалигида ва зебу-зийнатида кўп афсоналар туғдирган бу “қош” ва унинг конлари тоғрисида кейинроқ XIII асрда италян сайёҳи Марко Поло ҳам қизиқарли маълумотлар берган эди.

“Девон”да берилган бошқа сўзлардан ҳам жой номлари ва табиатга алоқадор бўлган айримларини келтирамиз.

Чубра – эски кийим, Тошкентдаги эски Жува ҳам эски ҳарбий аслаҳа деган маънодадир. Ўша жойда, хон ўрдасининг чеккасида, эски ҳарбий кийимбошлар, қурооллар омбори бўлган.

Шу вақтгача, Қарши номи мўғуллар келгандан сўнг берилган, бу – мўғулча сўз деб юрилади. Ҳолбуки, “Девон”да: “Қарши – шоҳ қасри” деб изоҳланган. Бу қайси тилдан олинганлигидан қатъий назар, Ўрта Осиё халқларига, мўғуллардан анча олдин маълум ва тушунарли бўлган. Будагов луғатида ҳам: “Қарши – сарой, арк”. Демак, Қарши – ўзбекча сўз, қаср, кўрғон деган маънода дейишимиз мумкин.

“Девону луғотит турк”да довлонларга ҳам тўхталиб ўтилинилан.

“Аруқ-туруқ – Фарғона билан Қошғар ўртасидаги баландлик бир жоининг номи, қийин, баланд йўл, довлон”.

¹ Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий. – Т., 1963. – Б. 33.

А. Герман буни Олай тоғларидаги Теракдовон деб изоҳлаган. Бу довон XIX асрда “Тийрак довони” шаклида ҳам ёзилган.

“Бадалорт – Ўч билан Барсғон орасидаги бир жой, ўтиш қийин бўлган чўкки”. Бу – ҳазирги Бадалорт (русча Бедел-арт) довонининг ўзи, баландлиги 4224 метр, Қоқшол тоғларида.

“Буқачорт – ўтиш қийин бўлган бир йўл”.

И. Умняковнинг фикрича, бу Отбоши тизмасидаги бир довондир.

Яфғуорт: “Яфғу – Барсғон яқинидаги шаҳар, яқинида Яфғуорт бор”.

С. Умурузоқов, бу – Бадалортнинг бошқа номи бўлса эҳтимол дейди. В. Минорский – Жанортга ўхшатади.

“Қавақорт – Ўзганд билан Қашқар ўртасидаги бориш қийин бўлган бир жой”.

Х. Хасановнинг фикрича, у Тўриғорт эмас, чунки Тўриғорт йўли билан Қошғардан Ўзгандга борилса жуда айланиш бўлар эди. Иккинчидан, “Девин”да “Тариғорт” сўзи алоҳида тилга олинган. “Тариғорт тиз – Қашғарга яқин бир тоғ тепаси”. Қавақорт, сал жануброқда, ҳозирги Толкиди довони бўлиши ҳам мумкин.

“Қора йилғо – Турк диёри билан Фарғона орасида ўйиб бўлмайдиган бир ер, ҳар вақт қорли”. С. Умурузоқовнинг фикрича, бу Орқаолай тизмасидаги Қизилорт довонидир.

“Қаёс – тухси, чигил ўлкасида бир тоифа шаҳарлардан бири. Урта қалъа бор. Соблиғ Қаёс, Ўрунг Қаёс, Қора Қаёс”.

Бу шаҳар Или дарёси бошларида, Олмалиқ ёнида, тоғ этагида бўлган, Чигатой хоннинг пойтахти бўлиб ҳам турди.

Харитада ва “Девон” матнида яна бошқа номлар ҳам бор. Уларнинг ҳаммасини синчиклаб ўрганиб чиқилганича йўқ, бунга асосий сабаб номларнинг илгари ва ҳозир турлича аталишидир¹.

¹ Содиқов Қ. Махмуд Қошғарий харитаси ҳақида // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. – Т., 2005 – Б. 12.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарини айти пайтда “Жой номларининг луғати” десак муболаға бўлмас. Унинг дунё харитасида ёзилган йирик номлардан ташқари, жуда кўп майда номлар тилга олинган, уларга географик ва этимологик изоҳлар берилган. Бундай мисоллар орасида, албатта, афсонавий ва диний тасаввурлар ҳам аралашиб қолган. Тошкент, Самарқанд, Тарим, Қўчинкорбоши, Юрунқош, Бешбалиқ каби мисолларни келтиришимиз мумкин.

Искандар Зулқарнайн Чинга келиб етганда “Турк аскарларидан бири Зулқарнайн аскардан бирини қилич уриб киндигига иккига ажратиб юборди. Ўлган аскарнинг белбоғида олтин ҳамён бор эди. Ҳамёнга қилич тегиб кесилди. Ундан қонга бўялган олтинлар ерга сочилди”. Ертаси эрталаб турк аскарлари қонга бўялган олтинларни кўриб, бир-бирларига “бу нима?” дейишар ва “олтин қон” деб айтишар эди. Бу жойдаги катта тоғ шу исм билан аталди. Уйғурлар яқинидаги бу тоғ атрофида кўпгина саҳройи турклар яшар эдилар” (I, 117). Бу Ғарбий – Хитойдаги, Лобнор кўли жанубидаги Олтинтоғдир.

“Қоз – Афросиёб қизининг номи. Қазвин шаҳрини шу қургандир. Асли “Қоз ўйини” – қоз ўйналадиган жой демакдир. Чунки Афросиёбнинг қизи шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди...

Баъзи турклар Қазвинни турк ўлкаси шаҳарларидан ҳисоблаганлар. Қум шаҳри ҳам чегара ҳисобланади. Чунки “қум” сўзи туркча сўздир. Афросиёбнинг қизи бу ерда ов қилар, ва ўйнар эди. Баъзилар турк шаҳарлари чегарасини Марв аш-Шоҳижондан бошланишини сўзлайдилар. Чунки қознинг отаси бўлган Тўнга Алп эр – Афросиёбдир. Афросиёб бу ерга Тахмурасдан уч юз йил кейин Марвни бино қилганлар (III, 163).

Маълумки, Қазвин ва Қум шаҳарлари Эронда, Озарбайжонга яқин жойлардир.

“Қоз суви – Ила дарёсига қуяладиган катта бир дарё. Унинг қирғоғига Афросиёбнинг қизи бир шаҳар қурган ва бу ном унга нисбат берилгандир”

(III, 165). Бу – Или дарёсининг шимолий ирмоғи, Ғулжа томондаги ҳозирги Қош суви бўлиши керак.

Ўрта Осиё фарзандлари бўлган Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарий асрдош бўлишган. Ёшлари тахминан 40-50 йил фарқ қилгандир. Бири – асосан астроном, математик, географ, иккинчиси – филолог, этнограф ва географдир.

Улар бир-бирларини кўрмагандирлар, аммо Маҳмуд Қошғарий ўзидан бурунроқ ўтган Беруний асарларидан хабардор эдими, фойдаланганми? Биз буни географик номлар борасида таққослаб кўрсак, масала бир қадар аён бўлар¹.

Беруний асарларида: Банҳишлоғ тоғи, Ғузиядаги Бандар (Беруний, “Масъуд қонуни”, II том, 575-бет).

Маҳмуд Қошғарий “Девон”ида: Манқишлоғ – ўғуз мамлакатадаги бир ер номи (III, 172). Харитада Обискун (Каспий) денгизи бўйида туширилган. Шуларга асосланиб, Ёқут ўзининг луғатида: “Манқишлоғ – Хоразм ерларининг чеккасида, Табаристон (Каспий) денгизи ёнидаги мустаҳкам қалъа”, деб ёзган.

Берунийда: Суткент – Хасарт (Сирдарё) бўйидаги шаҳар (“Масъуд қонуни”, II том, 575-бет).

Қошғарий “Девон”ида: “Ситгун – ўғузлар шаҳридан бири” (I, 415).

Агар Маҳмуд Қошғарий асарида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими ўғузлар ери ёки Ғузия деб аталганини эътиборга олсак, иккала изоҳ ҳам бирдек бўлиб чиқади.

Берунийда: Ўрдукент, бу Қошғардир (“Масъуд қонуни”, II том, 578-бет).

Маҳмуд Қошғарийда: “Қошғар – Ўрдукент, хон турадиган шаҳар” (I, 329).

¹ Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий. – Т., 1963. – Б. 70.

Берунийда: “Бинкат. Шош шаҳарларидан, туркийча Тошкент, юнонча Бурж ул-Хижора (Тошқўрғон)” (“Масъуд қонуни”, II том, 576-бет). “Туркий “тош” сўзи “шош” бўлиб қолган. Тошкент “тош қалъа” демакдир. (Птоломейнинг) “Жуғрофия” китобида “Бурж ул-Хижора” (Тош бурж) деб аталган”.

Қошғарийда: “Шош асли Тошкент бўлиб, тошдан қурилган шаҳар демакдир” (I, 414).

Берунийда: “Самарқанд туркийча Самизканд (“Масъуд қонуни”, II том, 576-бет).

Қошғарийда: “Самарқандни катталиги учун Самизканд – семиз (маъноси – катта, бой, фаровон) шаҳар дейдилар. Буни форсийлар Самарқанд тарзида қўллайдилар” (I, 330; III, 164).

Берунийда: “Барсхон, Иссиққўл бўйида, бу илиқ қўлдир” (“Масъуд қонуни”, II том, 578-бет), “Иссиққўл, Барсхон яқинидадир”.

Қошғарийда: “Иссиққўл – Барсғонда бир қўл” (III, 149).

Берунийда: “Шончу – Жанубдан Чинга бориладиган йўлнинг айрилишида” (“Масъуд қонуни”, II том, 577-бет).

Қошғарийда: “Шонжу – Юқори Чин йўлидаги бир шаҳар” (III, 335).

Беруний: “Хотун син, бу бека хотин мақбарасидир” (“Масъуд қонуни”, II том, 563-бет).

Қошғарийда: “Хотун сини – Чин билан Тонгут орасидаги бир шаҳар номи” (III, 338).

Юқорида келтирилган мисоллар Маҳмуд Қошғарий айна шу номларни Абу Райҳон Берунийдан олганлиги ҳеч шубҳа қолдирмайди.

III. 3. “Девону-луғотит турк”нинг Ўзбекистонда ўрганилиши

Ўзбекистонда “Девон” бўйича амалга оширилган илмий ишларга тўхталадиган бўлсак, “Девону-луғотит турк”ни ўша даврларда Марказий Осиё минтақасида яшаган туркий халқлар ҳаёти ҳақидаги қомусий асар деб аташ мумкин. Бу асар устида тадқиқотлар олиб борган Фитрат, С.

Муталлибов, И.В. Стеблева, В.В. Решетов, Ғ. Абдурахмонов, А. Рустамов каби олимлар Маҳмуд Қошғарийни қадимги туркий тилларни ўрганишга буюк ҳисса қўшган ўз даврининг ўта билимдон олими эканлигини таъкидлайдилар. “Девону-луғотит турк” уч томда, ўзбек тилида нашр этилган. Ҳозирги замон жаҳон илмий жамоатчилиги ХІ аср буюк олими Маҳмуд Қошғарийни қиёсий тилшуносликнинг асосчиси, деб тан олади¹.

VI–VIII асрларда бир чегараси Олтойдан тортиб марказий Мўғулистонга қадар, иккинчи ёғи Шарқий Туркистондан тортиб Каспийга қадар улкан ҳудудда амал қилган биринчи ва иккинчи кўк турк хоқонликларининг расмий тили туркий тил эди. Салтанатнинг давлат ва жамият бошқаруви, халқаро дипломатик муносабатлари, расмий ёзишмалар туркий тилда олиб борилган. Расман кўк турк ёзуви амалда бўлган. Бадиий адабиёт, илмий ва тарихий асарлар, хоқонларнинг тузуклари, ёрлиқлари ва чет эллар билан ёзишмалари турк тилида ва кўк турк ёзувида битилган. Ҳатто, туркий тил Буюк Ипак йўли бўйлаб халқаро тил сифатида амал қилган².

Ислом даврида турклар орасида араб тилининг ўрганилиши ва арабий саводхонликнинг юқори даражада бўлганлигини ҳам қўштиллик ҳодисаси деб санамаслик керак. Туркий тил кейинги даврларда юзага келган туркий давлат ва салтанатларнинг расмий тили сифатида амал қилди³. Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девону-луғотит турк” асарида туркий тилнинг обрў-эътибори, бошқа тиллар ўртасидаги мавқеи, Ўрта ва Марказий Осиёдаги тил вазияти тўғрисида тўла маълумот берган эди. У туркий тилнинг Шарқ халқлари ўртасидаги мавқеи хусусида тўхталиб, уни “араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилиб ўзиб бораётган турк тили”⁴, – дея таърифлайди.

¹ Маънавият юлдузлари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Т., 2001. – Б. 128.

² Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. – Т., 2009. – Б. 20.

³ Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т., 1973. – Б. 162.

⁴ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк // 1-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С. – Т., 1960. – Б. 46.

Маҳмуд Қошғарий ўз асарида туркий қавмларнинг жойлашуви, бу ўлкалардаги халқларнинг тиллари тўғрисида ҳам кенг маълумот беради. Асарда таъкидланишича, Румга яқин биринчи қабила пачанак сўнг қивчақ, ўғуз, ямак, башғирд, басмил, қай, ябақув, татар, қирқиз келади. Қирқизлар Чин яқинидадир. Бу қабилаларнинг ери Рум ёнидан кун чиқаргача чўзилган. “Девону-луғотит турк”да келтирилган харитада кўрсатилишича, бу юртлар Ғарбдан Шарққа томон чўзилган.

Муаллиф яна давом этади: сўнг чигил, сўнг тухсий, яғма, играк, чарук, чумул, уйғур, танут, сўнг Хитой. Хитой-Чиндир. Сўнгра ташгач, бу Мочиндир¹. “Девону-луғотит турк” асарида келтирилган харитада бу қабилаларнинг юртлари жануб билан шимол ўртасида берилган.

Маҳмуд Қошғарий юзйилликлар оша Марказий Осиё тупроғида яшаб келган этник гуруҳлар ва уларнинг тиллари тўғрисида ҳам аниқ маълумот келтиради. Жумладан, у мазкур ўлкаларда яшовчи соғдақ, канчак, арғуларни “икки тилда сўзлашувчилар” дея таъкидлайди. Унинг ёзишича, хўтанликлар, тубутлар ва тангутларнинг баъзилари каби икки тилда сўзлайдиганлар ва бошқа шаҳарларга бориб юрганлар тилида бузуқлик бор. Улар бу ерларга сўнг келганлар².

Маҳмуд Қошғарий “Девону-луғотит турк”да уйғурлар тили ва ёзув маданияти ҳақида ҳам маълумотлар келтирган. У ёзади: “уйғурларнинг тили соф туркча. Лекин ўзлари сўзлашадиган яна бир хил шеваси ҳам бор. Уйғурлар китобнинг бош қисмида кўрсатилган 24 ҳарфдан иборат туркий ёзувни қўллайди. Китоб ва хат-жангларини шу ёзув билан ёзади. Уйғурларнинг чинликларникига ўхшайдиган яна бир хил ёзуви ҳам бор. Расмий хат-жанг ва ҳужжатларини шу ёзувда ёзади. Бу ёзувни мусулмон бўлмаган уйғурлар билан чинликлардан бошқалар ўқий олмайди”³.

¹Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк // 1-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С. – Т., 1960. – Б. 64.

²Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. – Т., 2009. – Б. 24.

³Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк // 1-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С. – Т., 1960. – Б. 40.

Ўзбекистонда “Девон” бўйича амалга оширилган илмий ишларга тўхталадиган бўлсак, “Девон”га оид илк тадқиқот ишларини олиб борган олим Абдурауф Фитрат ҳисобланади. Унинг “Девон” бўйича яратган тадқиқотлари, кузатишларни нафақат ўзбек илмида, балки туркийшуносликдаги энг муҳим ишлардан деб баҳолаш мумкин. Абдурауф Фитрат ўзининг бир неча асарларида “Девон”га муносабат билдирган, ўзбек тили тарихининг бевосита шу асарга бориб тақалишини биринчи бор қайд этган.

Фитрат “Сарф” асарида “Девон” тили “Қутадғу билиг”, “Ҳибат ул-хақоқий” ва Аҳмад Яссавий ҳикматлари тили билан жуда яқинлиги, кейинчалик чиғатой тили деб номланган тилга асос бўлганлигини қайд этган. Олим бундай фикрни “Энг эски турк адабиёти намуналари” асарининг “Сўзбоши”сида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган¹.

Фитрат “Энг эски турк адабиёти намуналари”нинг “Бир-икки сўз” деб номланган сўз бошисида туркей тилларнинг тасниф масалаларига, хусусан, В.В. Радлов ва А.Н. Самойлович таснифларига тўхталган. Маҳмуд Қошғарий томонидан қилинган тасниф кейинг таснифларда айнан келтирилмаса ҳам, асос сифатида олиншини алоҳида таъкидлаб ўтган².

Фитрат Туркияда “Девон” бўйича амалга оширилаётган тадқиқотларга, хусусан, Н. Осим ва Ф. Кўпрулузода ишларига ҳам муносабат билдирган. Ф.Кўпрулузоданинг “Турк адабиётининг маншай” мақоласидаги фикрлар билан мунозарарага киришган.

Фитратнинг “Энг эски турк адабиёти намуналари” асари 2008 йилда “Мумтоз сўз” нашриётида қайта чоп этилди. Асарни О. Ҳамроева нашрга тайёрлаган, профессор Ҳ. Болтабоев таҳрир қилган. Ушбу нашрнинг 3-8-бетларида муҳаррирнинг “Қадимги туркей манбалар Фитрат талқинида” номли мақоласи, 9-111-бетларида “Энг эски турк адабиёти намуналари”

¹ Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va "Devonu lug'otit turk" bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – T.: Akademnashr, 2011. – B. 12.

² Худойбердиев Ж. Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ва унинг “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши. – Т., 2010. – Б. 23.

асарининг кирилл алифбосидаги матни, 112-121-бетларида нашрга тайёрловчининг “Девону луғотит турк”нинг Фитратга қадар ўрганилиши ва “Энг эски турк адабиёти намуналари” мажмуаси” номли мақоласи, ундан кейин эса асарнинг арабча нусхаси берилган¹.

“Энг эски турк адабиёти намуналари”нинг қайта чоп этилиши, айниқса, унинг араб алифбосидаги асл нусхаси матни билан берилиши ушбу нашрнинг ютуғидир.

Фитратнинг “Энг эски турк адабиёти намуналари” асари жуда катта илмий аҳамиятга эга. Фитратнинг “Девон” бўйича яратган тадқиқотлари туркий халқлар тарихини ўрганишда фавкулотда ходисалардан деб баҳолаш мумкин.

“Энг эски турк адабиёти намуналари” асари туркий халқлар ҳаётидаги икки буюк шахс илмий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, яхши мақсадда чоп этирилган ва “олий ўқув юртларининг талабалари магистр ва тадқиқотчилари ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти ихлосмандларига мўлжалланган³”.

Фитратдан кейин “Девон” билан астойдил шуғулланган забардаст олимлардан бири Солиҳ Муталлибов ҳисобланади. Олим “Девон”ни ўзбек тилига таржима қилди. Бу таржима собиқ Иттифоқ даврида яратилган кўплаб тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилди. 1967 йилда асарнинг “Индекс-луғат”и тузилиб, унинг охирида “Киши номлари”, “Халқ, уруғ ва қабила номлари”, “Шаҳар ва қишлоқ номлари”, “Мамлакат, вилоят, водий, дара, яйлов, жарлик, тепалик, довон ва йўл номлари”, “Денгиз, кўл, дарё, сой номлари”, шунингдек, Қ. Маҳмудов томонидан тузилган “Грамматик кўрсаткич”, Ғ. Абдурахмонов ва Ш. Шукуров томонидан тайёрланган “ХI аср эски турк тилининг грамматик очерки” берилган³. “Девон”нинг ўзбек тилида

¹ Худойбердиев Ж. Маҳмуд Кошғарий ҳаёти ва унинг “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши. – Т., 2010. – Б. 24.

² Юқоридаги асар. – Б. 29.

³ Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg'ariy hayoti va "Devonu lug'otit turk" bo'yicha yaratilgan asarlar ko'rsatkichi. – T.: Akademnashr, 2011. – B.16.

чоп этилиши ва тадқиқ этилишида Ғ. Абдурахмоновнинг хизматлари ҳам катта бўлди.

Ҳ. Ҳасанов Маҳмуд Қошғарийнинг географияга оид қарашларини чуқур ўрганиб, қатор мақолалар эълон қилди. Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти ва фаолияти, географик мероси ҳақидаги китобини ёзди.

Биз буларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилишдан аввал, “Девону луғотит турк”нинг географик аҳамиятини ўрганиш тарихига бир назар ташлаб чиқмоғимиз даркор.

Шу вақтгача, Маҳмуд Қошғарийнинг бутун географик меъросини камраб олган яхлит бир илмий танқидий асарнинг борлиги бизга номаълум.

Немис муаллифларидан Қошғарий харитасига дастлаб эътибор берган шарқшунос Иосиф Маркварт бўлди. У ўз дўсти – картограф-тарихчи Конрад Миллерни шу харитага қизиқтириб қўйган эди. К. Миллер араб тили мутахассиси Г. Генслер билан биргаликда харитадаги анча қийин ёзувларнинг маъноларини аниқлайдилар. Иккалови биргаликда “Қошғарийнинг туркча дунё харитаси” сарлавҳали мақола ёзадилар¹. Аммо Миллер “Девон”нинг текстига, ундаги изоҳларга мутлақо қарамаганлиги сабабли, мақолада кўпгина чала мулоҳазалар олға сурилди.

Доктор Карл Менч, харитадаги номларни “Девон” текстидаги номлар билан солиштириб чиқди, бир қанча номларнинг ёзилишини аниқлади.

Ниҳоят, 1935 йилда кекса шарқшунос Алберт Герман Қошғарий харитасини астойдил текшириб, асар матни билан таққослаб, “Қадимги туркча дунё харитаси” номли мақола ёзди. А. Германнинг мақоласи – Маҳмуд Қошғарий харитаси билан шуғулланувчиларга кўпгина маълумот беради. И. Умняков ҳам, турк муалифлари ҳам, А.Н. Бернштам ҳам ундан фойдалинишган, харитадаги янги хусусиятлар, номаълум белгилар, номлар тўғрисида баъзи мулоҳазалар айтишган².

¹ Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий. – Т., 1963. – Б. 23.

² Содиқов Қ. Маҳмуд Қошғарий харитаси ҳақида // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. – Т., 2005 – Б. 12.

Асардаги дунё харитасини муфассал ўрганиб, рус тилида тузуккина илмий асар ёзиш – совет шарқшуноси, Самарқандлик И.И. Умняковга муяссар бўлди.

И.И. Умняков В.В. Бартольднинг сўнгги асарларидан, К. Брокельманн, К. Миллер ва Герман мақолаларидан фойдаланиб, бу энг қадимий туркий харитага янгича ёндаша билди.

И.И. Умняковнинг ишига шарқшунос С. Волин шундай баҳо берган эди: “бу “Луғат”ни ўрганиш борасида олға қўйилган бир қадамдир, айтилиши вақтда совет китобхонага жуда бой тарихий географик материални биринчи бўлиб манзур қилди”. Шу билан бирга, С. Волин, И.И. Умняковнинг асарига ёзган рецензиясида унинг бир қанча камчиликларини кўрсатиб ўтган¹.

Атоқли шарқшунос ва географ академик И.У. Крачковский ҳам ўз асарида Маҳмуд Қошғарининг харитасига икки саҳифа тўхталиб ўтган. Унинг фикрича, “Девону луғотит турк” қўлёзмасининг топилиши ва босилиб чиқиши туркологияда катта бир воқеа бўлди, асарнинг лингвистик аҳамиятини ниҳоятда буюқдир. Бироқ у географик жиҳатдан ҳам муҳим, унда туркий фольклорга доир бир қанча маълумотлар, улар ўрнашган ўлкаларнинг тарихий географиясига боғланган ҳолда, берилган. Қўлёзмада сақланиб қолган доиравий харита алоҳида эътиборга сазовордир. Гарчи уни бир қанча шарқшунослар – К. Миллер, А. Герман ва И.Н. Умняковлар текширган бўлсалар-да, бу харитага доир ҳамма масалалар ҳал этилган деб бўлмайди.

Шарқшунос А.А. Семеновнинг, умуман, “Девонга”га ва ундаги дунё хартасига ишончсизлик билан қарагани ҳам маълум.

Яна А.Н. Бернштам ва С. Умурзоқовлар Қошғарий харитасининг Қирғизистон қисмини таҳлил қилиб, унга тузуккина изох бердилар.

¹Абдулқосимов А. Маҳмуд Қошғарийнинг картографик мероси / Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Самарқанд, 2002. – Б. 93.

Асарда келтирилган туркий мақол ва адабий парчаларда табиат манзараларининг тасвири анчагина борлиги ҳақида – луғатнинг географик аҳамияти тўғрисида С. Муталлибов, ўзбекча нашрининг сўз бошида шуларни айтган. “Девону луғотит турк”да йўл-йўлакай берилган географик маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Маҳмуд Қошғарий ўз асарида шунча кенг ва катта ҳудудда ўша даврда бўлган ҳамма шаҳар ва қишлоқлардан, денгиз ва кўллардан, уларнинг тарихидан, жуғрофик мавқеидан, уларда яшовчи халқлардан, ҳатто баъзан унда бор ҳайвон ва ўсимликлардан ҳам анча кенг маълумот беради. Бу жиҳатдан асарнинг қиймати бениҳоя улуғ ва тенгсиздир”¹.

Хуллас, Маҳмуд Қошғарийнинг географик меросига бағишланган ана шундай мақола ва мулоҳазалардан хабардор бўлганимиз ҳолда, биз ҳам бу меросга қизиқиб, уни ўргана бошладик. Китобнинг ўзбекча таржимаси чиқиши билан текширувчиларнинг иши анча осонлашди ва яхшилашди.

Қуйидагилардан аён бўлиб қоладик, хали Маҳмуд Қошғарининг географик мероси тўғрисида анча иш қилса бўлади. Ҳатто, энг кўп текширилган доиравий хаританинг ҳам талай сирлари ҳалигача муаммо.

“Девону луғотит турк” матнида ва харитасида юзлаб жой номлари – мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, довон, денгиз, кўл, дарё ва бошқаларнинг номлари ёзилган. Уларнинг кўпчилиги географик ўрни ва тарихи кўрсатилган ҳолда тасвирланган².

Бу номларни уч гуруҳга ажратса бўлади: “Девон” матнидагина зикр этилган, аммо дунё харитасига киритилмаган номлар, асар матнида ҳам, айни вақтда харитага ҳам ёзилган номлар ва фақат харитагагина ёзилган номлар. Аммо буларни алоҳида-алоҳида ўрганиб бўлмас – баъзи текширувчиларнинг хатоси шунда эди, балки бир-бирига солиштириб таҳлил қилиш зарур. Чунки, матн ҳам, харита ҳам бир муаллифнинг асари, харитага чизилган

¹Xudoyberdiev J. “Devonu lug’otit turk”ning O’zbekistonda o’rganilishi // Tilshunoslikning dolzarb masalalari. – T., 2008. – B. 69.

² Содиқов Қ. Маҳмуд Қошғарий харитаси ҳақида // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. – Т., 2005 – Б. 8.

номларнинг аксариятига матнда изох берилган. Шунинг учун аввало хаританинг ўзи ҳақида, сўнгра ундаги номлар тўғрисида мулоҳаза қилинади.

Китобга илова қилинган харита ҳозирги шарқий ярим шаримизга асосан, тўғри келади¹.

Ҳатто, арабча босма нусхаларининг ўзи ҳам ўзаро фарқ қилади. Масалан, баъзи нусхаларида Каспийнинг шимоли шарқидаги тоғлар – денгиздан бир оз нарида, баъзи нусхаларида – денгизга тутшиб турипти. Шимол билан шарқ ўртасидаги Жофу ва Улвия шаҳарлари баъзи нусхаларда уч томондан тоғлар билан қуршалган, баъзи нусхалардан (ўзбекча нусхасида ҳам) – шарқ томонидаги тоғлар йўқ.

Хуллас, Маҳмуд Қошғарийнинг дунё харитаси ўзининг шартли белгилари жиҳатидан ва умумий манзарасига кўра бошқа шарқ хариталарига салгина ўхшаш. Асосан эса улардан жуда фарқ қилади, яни ўзига хос, ягона харита демоқчимиз.

Шарқшунос С. Волин дадил туриб, бу харитада “араб картографиясининг таъсири аломатлари деярли мутлоқо йўқдир”, деди².

Буни яна исботлаймиз. Маҳмуд Қошғарий харитасининг ажойиб оригинал хусусиятларидан бири – доиранинг, яни ер юзининг маркази – Ўрта Осиёга тўғрилангани, аниқроғи – Иссиққўл билан Баласоғун оралигидир. Ер юзидаги бошқа, мамлакатлар, Маҳмуд Қошғарининг тасаввурича, ана шу марказдан ҳамма тарафга, бамисоли концептрик равишда, ёйилиб ётибди. Ҳолбуки, Истахрий харитасида дунёнинг маркази – Макка қилиб кўрсатилган. Ибн Ҳавқал харитасида ҳам марказ – диёри Араб, яъни Макка ва Мадинадир. Кўпчилик харита шундай. Фақат Маҳмуд Қошғарийгина ўзигача қонундай шарт бўлиб қолган марказдан – Макка шаҳрини асос қилиб

¹ Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий . – Т., 1963. – Б. 127.

² Абдулқосимов А. Маҳмуд Қошғарийнинг картографик мероси / Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Самарқанд, 2002. – Б. 93.

олишдан воз кечиб, ўз юрти – Иссиққўл атрофини марказ ўрнида тасвирлаган.

Яна тарихдан шуниси ҳам маълумки, қадимги бобил, юнон, яхудий, эрон халқларининг тушунчаларида ўз мамлакатининг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий пойтахти бўлган шаҳар “бутун оламнинг маркази” деб тасаввур этилган (Масалан, Инжилда Ернинг “киндиги” Иерусалим – Қуддуси Шариф қилиб олинган). Шу билан бирга, ҳар бир мамлакат ўзини ерининг ўртаси деб билган¹.

Ғайбулла Бобоёров 2008 йил 5-7 сентябр кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Маҳмуд Қошғарий туғилганининг 1000 йиллигига бағишланган халқаро “Девону луғотит турк” симпозиумида “Biruni ve Kaşgarlı Mahmud’un Bazı Orta Asya Yer Adlarını Türklerle İlişkilendirmesi Üzerine”² номли мақоласи билан иштирок этди. Мақолада Маҳмуд Қошғарий ва Абу Райҳон Беруний асарлари топонимикаси илмий жиҳатдан таққослаб, исботлаб берилган.

Маҳмуд Қошғарий “Девону луғотит турк” асарининг ҳар бир бўлимида географик маълумотлар берган, туркийларнинг яшаган ҳудудларини кўрсатган дунё харитасини берган³.

Беруний ва Қошғарийнинг ҳар иккиси ҳам Самарқанд топонимига тўхталиб ўтган. Беруний: “Самарқанд – туркчага, “Семизкентдир, семизлар қалин шаҳар”, деб ёзган бўлса, маҳмуд Қошғарий “Самарқанд катта бўлганлигидан шундай дейилгандир”, деб ёзади⁴.

¹ Аббосов С. Маҳмуд Қошғарийнинг географик мероси / Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Самарқанд, 2002. – Б. 102.

² Gaybullah Babayar. Biruni ve Kaşgarlı Mahmud’un Bazı Orta Asya Yer Adlarını Türklerle İlişkilendirmesi Üzerine. // Mahmud al-Kaşgarî’nin 1000 Doğum Yıldönümü Dolaysıyla Uluslar arası *Divanu Luğatı’t-Turk* Sempozyumu Ayırbaşım. İstanbul 2008. s. 313-321.

³ Ўша манба, – Б. 314.

⁴ Gaybullah Babayar. Biruni ve Kaşgarlı Mahmud’un Bazı Orta Asya Yer Adlarını Türklerle İlişkilendirmesi Üzerine // Mahmud al-Kaşgarî’nin 1000 Doğum Yıldönümü Dolaysıyla Uluslar arası *Divanu Luğatı’t-Turk* Sempozyumu Ayırbaşım. İstanbul 2008. – s. 319.

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида асарнинг ўрганилиши уч даврга бўлинди.

Биринчиси – XX асрнинг биринчи ярмидаги тадқиқотлар. Булар жумласига, В.В. Бартольд, И. Самойлович, П.К. Жюзе, С.Е. Малов, С.П. Толстов, А.Н. Кононов, А.К. Воровков, И.Ю. Крачковский, Н.А. Баскаков, В.И. Беляев, А. Фитрат, Дж. Герхарт, А.Н. Бернштам, С. Умурзоков, С. Волин каби олимларнинг тадқиқотларини айтиб ўтиш мумкин.

Академик В.В. Бартольд рус тадқиқотчилари орасида биринчилардан бўлиб “Девону луғотит турк”ни ўрганган ва унга шарҳ ёзган олим ҳисобланади. С.Е. Малов, И.Ю. Крачковский, Жюзе каби олимлар “Девон”га бағишлаб мақолалар ёзишган бўлса, И.Н. Умняков ва С. Волин “Девон”ни картографияга оид жиҳатларини ўрганишган.

А. Фитрат эса асарни тилшунослик ва тарихий жиҳатларини ёритиб берган.

Иккинчиси – XX асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган тадқиқотлар. Ғ. Абдурахмонов, С. Муталлибов, А.Е Якубовский, А.М. Шчербак, С.К. Иброҳимов, М.К. Хамроев каби олимлар тадқиқот олиб боришган.

Солиҳ Муталлибов “Девон”ни ўзбек тилига тўлиқ таржима қилган бўлса, А.Е. Якубовский, А.М. Шчербак каби олимлар асарга юксак баҳо бериб, тил ва картографик жиҳатдан ўрганишган. С.К. Иброҳимов эса девонга бағишлаб мақолалар ёзган.

Учинчиси – “Девону луғотит турк” юзасидан мустақиллик йилларида А. Алиев, Қ. Содиқов, В. Валихўжаев, Х. Дадабоев, Қ. Каримов, А. Мухторов, У. Турсунов, Б. Ўринбоев, Ж. Худойбердиев, Ғ. Ғофуров, З. Саидбобоевлар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ж. Худойбердиев ва Ғ. Абдурахмоновлар “Девону луғотит турк”ни ўрганилишига оид тадқиқотлар олиб боришган бўлса, З. Саидбобоев “Девон”даги картографик маълумотларни ўрганган.

Мазкур тадқиқотлар “Девону луғотит турк”ни ўрганишимизда
ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда ҳам “Девон” бўйича илмий-
тадқиқотлар олиб борилмоқда ва келгусида ҳам олиб борилишига
ишончимиз комил.

Хулоса

Юртимиз тарихига оид жуда кўплаб ёзма ёдгорликлар мавжуд. Бу дурдоналарнинг талайгина қисми бизгача етиб келмаган бўлса ҳам, ўз халқининг ҳақиқий фарзандлари томонидан авайлаб сақланган ва улар ўтмиш маданиятини ўрганиш учун кифоя қиларли даражададир.

Маҳмуд Қошғарий XVII асрга келибгина яратила бошланган хинд-Европа тилларига оид грамматикаларда қўлланилган метод ҳамда тилларнинг ўзаро қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш принципларини XI асрдаёқ туркий ва баъзи Шарқ тиллари асосида текшириб, фундаментал асар яратган эди.

“Девону-луғотит турк” туркий тилларнинг биринчи қиёсий грамматикасидир. Шу билан бирга “Девон” туркий тиллар қиёсий комусидир. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Қошғарий умумтилшуносликда қиёсий-тарихий методнинг асосчиларидан бири бўлиб ҳисобланиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Девон”да келтирилган фактлар ва чиқарилган хулосаларнинг аксарияти барча туркий тилларга ҳамда уларнинг шеваларига оиддир. Туркий тиллар учун умумий бўлган бундай хулосалар чиқариш учун, албатта, бу тилларни қиёсий ўрганиш зарур эди. Бошқачароқ тарзда бўлса ҳам, бундан тўққиз аср илгари Маҳмуд Қошғарийнинг туркий тилларни қиёсий ўрганиш борасида олиб борган иши ҳозирги кунда ҳам тарихчи ва тилшунослар учун энг асосий қўлланмалардан биридир.

Марказий Осиё минтақасидан етишиб чиққан алломалар орасида Маҳмуд Қошғарий ҳам ўзига хос муносиб ўрин эгаллайди.

Олим узоқ йиллик илмий изланиши ва фаолияти давомида туркий халқлар тили ва тарихига оид шундай бир муфассал ва мукаммал асар яратдики, мазкур асар ҳозирги кунгача туркий халқлар тарихини ўрганишдаги энг муҳим манба бўлиб келмоқда.

Маҳмуд Қошғарий Ўрта Осиё ва яқин шарқнинг марказий шаҳарларида, илм масканларида таҳсил олиши унинг илмий фаолиятига асос бўлган. Нафақат Маҳмуд Қошғарий, балки кўплаб алломаларимиз, жумладан, Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий ҳам Бухоро, Самарқанд, Бағдод шаҳарларидаги мадрасаларда таҳсил олганлар ва ижод қилганлар.

“Девону луғотит турк” оддий луғат китоби бўлмай, балки тилшунослик, тарих ва картография илми тараққиётига жуда катта ҳисса бўлиб қўшилган асардир.

Асарда туркий халқларнинг кундалик турмуш тарзи, хунармандчилик турлари ва маданий ҳаётга оид сўз ва атамалар келтирилган. Бу эса бизга ўша даврдаги маданий-маиший ҳаёт қай даражада тараққий этганлигини кўрсатади.

Шунингдек, давлат бошқарув тизими, даражавий унвонлар, табақалар, ҳарбий тактикасигача тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Асар топилгач мазкур асар юзасидан юзлаб илмий тадқиқотлар олиб борилди, кўплаб хорижий тилларга таржима қилинди ва нашр этилди.

“Девону луғотит турк”нинг бу қадар кенг миқёсда тадқиқ этилиши асарнинг туркий халқлар тарихидаги муҳим манба эканлигидан далолат беради.

Асар топилгандан кейин қисқа вақтда чоп этилди, уни илмий асосда ўрганиш бошланди. Турк, ўзбек, уйғур озарбайжон, қозоқ, инглиз, немис, хитой, рус ва эрон тилларига таржима қилинди.

“Девону луғотит турк” асари бўйича кўплаб дунё олимлари илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Бунда В.В. Бартольд, И. Самойлович, П.К. Жюзе, С.Е. Малов, С.П. Толстов, А.Н. Кононов, А.К. Воровков, И.Ю. Крачковский, Н.А. Баскаков, В.И. Беляев, А. Фитрат, Дж. Герхарт, А.Н. Бернштам, С. Умурзоқов, С. Волин каби олимларнинг тадқиқотларини айтиб ўтиш мумкин.

С.Е. Малов, И.Ю. Крачковский, Жюзе каби олимлар “Девон”га бағишлаб мақолалар ёзишган бўлса, И.Н. Умняков ва С. Волин “Девон”ни картографияга оид жиҳатларини ўрганишган.

А. Фитрат эса асарни тилшунослик ва тарихий жиҳатларини ёритиб берган.

Ғ. Абдурахмонов, С. Муталлибов, А.Е Якубовский, А.М. Шчербак, С.К. Иброҳимов, М.К. Хамроев каби олимлар ҳам тадқиқот олиб боришган.

А.Е. Якубовский, А.М. Шчербак каби олимлар асарга юксак баҳо бериб, тил ва картографик жиҳатдан ўрганишган. Солиҳ Муталлибов “Девон”ни ўзбек тилига тўлиқ таржима қилган. С.К. Иброҳимов эса девонга бағишлаб мақолалар ёзган.

“Девону луғотит турк” юзасидан мустақиллик йилларида А. Алиев, Қ. Содиқов, В. Валихўжаев, Х. Дадабоев, Қ. Каримов, А. Мухторов, У. Турсунов, Б. Ўринбоев, Ғ. Бобоёров, Ж. Худойбердиев, Ғ. Ғофуров, З. Саидбобоевлар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Марказий Осиё халқларнинг XI асрдаги ҳаёти билан боғлиқ барча маълумотларни кенг қамраб олган ушбу бебаҳо манба фанда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги тадқиқотчилар томонидан кўрсатиб берилди.

ёУзоқ вақт давом этган мунозаралардан сўнг қадимги туркий битиклар ўқилиб, уларнинг туркий халқларга мансуб эканлиги илмий жиҳатдан исботланди.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ҳам шундай манбалар сирасига киради.

Ўзбекистон республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўрта асрлар шарқ алломаларининг тарихий меъроси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти / Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро илмий амалий конференция. Халқ сўзи, 16 май 2014 йил.
2. Каримов И.А. Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди // Танланган асарлар. 15 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.

Махсус адабиётлар

4. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т., 1973. – 320 б.
5. Алиев А., Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 120 б.
6. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
7. Бартольд В.В. История турецко-монгольских народов // Сочинения. Т.V. – М.: Наука, 1968.
8. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1969. – 384 с.
9. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 192 б.
10. Девону луғотит турк. Индекс-луғат [Ғ. Абдурахмонов ва С. Муталлибов таҳрири остида]. – Т., 1967;
11. Каримов Қ. Қадимги туркий тил луғати (X – XII асрлар). – Т.: Мумтоз сўз, 2009.
12. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – Москва-Ленинград, 1951.
13. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк // 1-жилд. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С. – Т., 1960.

14. Маҳмуд Қошғарий // Ўзбек совет энциклопедияси. Т. VII. –Т. , 1976.
15. Махмуд ал-Кашгари. Диван лугат ат-Турк. Казахстанские востоковедные исследования. Перевод, предисловие и комментарии З. –А. М. Ауэзовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – 1288 с.
16. Маънавият юлдузлари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. –Т., 2001. – 408 б.
17. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – 660 б.
18. Маллаев Н.М., Каримов Ғ.К., Исматов С.И. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – 224 б.
19. Муталлибов С. XI аср филологи Маҳмуд Қошғарий ва унинг “Девону луғотит турк” асари. – Т., 1958.
20. Муталлибов С. XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категориялари. – Т., 1955.
21. Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 160 б.
22. Rahmonov N., Sodiqov Q. O'zbek tili tarixi. – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2009. – 223 б.
23. Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. – Т., 2009. – 368 б.
24. Saidboboyev Z.A. Tarixiy geografiya. – Т.: Noshir, 2010. – 165 б.
25. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
26. Токоев Т., Коштоқоб К. Диван лугат ат-Турк. Т. II. – Бишкек: Avrasyapress Basmasi, 2012. – с. 592.
27. Усмон Турон. Туркий халқлар мафқураси. – Т.: Чўлпон, 1995.
28. Фитрат. Энг эски турк адабиёти наъмуналари. – Т., 2008.
29. Фозилов Э. Шарқнинг машҳур филологлари. Маҳмуд Қошғарий, Аду Ҳайен, Жамолиддин Туркий. – Т., 1971.

- 30.Худойбердиев Ж. Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ва унинг “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши. – Т., 2010. – 46 б.
- 31.Xudoyberdiev J. Mahmud Qoshg‘ariy hayoti va “Devonu lug‘otit turk” bo‘yicha yaratilgan asarlar ko‘rsatkichi. – Т.: Akademnashr, 2011. – 160 b.
- 32.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. V. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001.
- 33.Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 261 б.
- 34.Ғофуров Ғ. Шарқ жавоҳирлари. –Т.: Маънавият, 2000. – 184 б.
- 35.Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий . – Т., 1963
- 36.Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981.

Даврий матбуот материаллари

- 37.Аббосов С. Маҳмуд Қошғарийнинг географик мероси / Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Самарқанд, 2002. – Б. 102-103.
- 38.Абдуллаев Ф. “Девону луғотит турк” асарида ўғуз компонентининг ўрни масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1971. № 5. – Б. 52.
- 39.Абдурахмонов Ғ. “Девону луғотит турк” асарининг ўрганилиши тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т., 2009. №6 – Б. 49-51.
40. Абдулқосимов А. Маҳмуд Қошғарийнинг картографик мероси / Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари ва унинг туркий халқлар маданияти ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. – Самарқанд, 2002. – Б. 92-93.
- 41.Дадабоев Х. “Девону луғотит турк”даги туркий тилларга хос фонетик ва лексик-семантик хусусиятлар ҳақида // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. – Т., 2008. – Б. 3-9.
42. Gaybullah Babayar. Biruni ve Kaşgarlı Mahmud’un Bazı Orta Asya Yer

- Adlarını Türklerle İlişkilendirmesi Üzerine. // Mahmüd al-Kaşğari'nin 1000 Doğum Yıldönümü Dolaysıyla Uluslar arası *Divanu Luğatı't-Turk* Sempozyumu Ayrıbasım. İstanbul 2008. s. 313-321.
43. Муталлибов С. “Девону луғотит турк” ва унинг таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Т., 1971. – Б. 41.
44. Саидбобоев З.А. Историография изучения карты мира Махмуда Кашгари. «Маҳмыт Кашғарлы тирколожия ылымыны есасландырыжыдыр» атлы Халкара ылымы маслаҳаты. – Ашгабат, 21-22 байдак 2008.
45. Содиқов Қ. Махмуд Қошғарий харитаси ҳақида // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. – Т., 2005 – Б. 1-14.
46. Содиқов Қ. Махмуд Қошғарий уйғур ёзуви ҳақида // Адабий мерос. – Т., 1986. № 3 (37). – Б. 41-45.
47. Содиқов Қ. Махмуд Қошғарий туркий диалектлар ҳақида // Адабий мерос. – Т., 1989. № 4 (50). – Б. 60-65.
48. Усмонов С. “Девону луғотит турк” – айрим соҳа лексикасини ўрганишнинг манбаи // Адабий мерос. – Т., 1987. № 4 (42). – Б. 75-78.
49. Фозилов Э. Махмуд Қошғарий ва унинг девони // Ўзбек тили ва адабиёти. № 5. – Т., 1971. – Б. 35-38.
50. Худойбердиев Ж. “Девону луғотит турк”нинг топилиши санаси ҳақида // ЎзМУ хабарлари, 2006. № 3. – Б. 50-52.
51. Hudoyberdiyev J. Jahon turkalogiyasi shoh asarining tarjimalari // ADU. Ilmiy xabarnoma, 2010. № 4. – Б. 84-89.
52. Xudoyberdiev J. “Devonu lug‘otit turk”ning O‘zbekistonda o‘rganilishi // Tilshunoslikning dolzarb masalalari. – Т., 2008. – Б. 68-72.

Диссертация ва авторефератлар

53. Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати // Филология фанлари номзоди диссертацияси автореферати. – Т., 1998.

54. Махпиров В.У. Собственные имена в памятнике XI в. «Дивану лугатит-турк» Махмуда Кашгарского. АКД. – Алма-Ата, 1980.
55. Махмудов Б. Х. Қорахонийлар давлатчилиқ тизимининг хусусиятлар. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., ЎзМУ, 2010. – 138 б.

Интернет манбалари

56. www.ziyonet.uz
57. www.science.com